

Мухаммаджон Ҳақимов

ШАРҚ
МАНБАШУНОСЛИГИ
ЛУҒАТИ

Муҳаммаджон ҲАКИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи

**ШАРҚ
МАНБАШУНОСЛИГИ
ЛУҒАТИ**



ТОШКЕНТ
«DAVR PRESS» НМУ
2013

Таниқли манбашунос олим, филология фанлари доктори, марҳум Муҳаммаджон Ҳакимов қаламига мансуб ушбу лугат УзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир: Саидбек Ҳасанов
филология фанлари доктори,
профессор

Тақризчилар: Нурбой Жабборов
филология фанлари доктори,
профессор
Жалолиддин Жураев
филология фанлари номзоди

Нашрга тайёрловчилар: Юсуф Турсунов
филология фанлари номзоди,
Озодбек Алимов
илмий ходим

Барча ҳуқуқлар амалдаги қонуларга асосан ҳимояланган.

"DAVR-PRESS" нашриёт-матбаа уйининг ёзма руҳсатисиз ушбу нашрни қисман ёки тўлақ ҳолда бошқа оммавий ахборот воситаларида электрон ёки механик кўринишда кўчириб босиш, магнит ташувчи воситаларда тарқатиш қатъий тақиқланади.

ISBN 978-9943-4075-3-4

© Муҳаммаджон Ҳакимов, 2013
© "DAVR PRESS" НМУ, 2013



МАНБАШУНОСЛИК ФАНИ ФИДОИЙСИ

Заҳматқаш олим ва камтарин инсон Муҳаммаджон Ҳақимовни ҳамкасб дўстлари ва шогирдлари манбашунослик фанининг фидойиларидан бири сифатида хотирлашади. Муҳтарам устоз илмий фаолиятларининг кўп қисмини қадимий қўлёзмаларни тўплаш ва ўрганиш, манбашунослик бўйича тадқиқотлар яратишга бағишлаган эдилар. Урта Осиё китобат санъати тарихини катта иштиёқ ва зўр қизиқиш билан ўрганиш, хусусан, Алишер Навоий асарлари қўлёзмалари устида узоқ йиллар олиб борилган кузатишларнинг самараси ўлароқ олимнинг "Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи" (1986), "Алишер Навоий "Хамса"сининг қўлёзмалари тавсифи" (1986), "Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар" (1991) номи китоблари юзага келган эди. Ёзма мерос намуналарини ўрганиш жараёнида китобат ишига оид атамаларнинг қисқача изоҳли лугатини тузишни ният қилган олим ана шу хайрли ишга киришди. Қисқа вақт ичида анчагина мақолалар тайёрлаган ва уларни меҳнат фаолиятини олиб бораётган собиқ қўлёзмалар илмий-тадқиқот институтининг "Адабий мерос" илмий асарлар тўпламида эълон қила бошлаган эди. Кейинроқ эса, иш жараёнида лугат доирасини кенгайтириш, яъни фақат Шарқ қўлёзмаларинигина эмас, умуман, Шарқ манбашунослик лугатини тузиш фикри туғилди. Бу эса устозга куч ва ғайрат бағишлади, унинг тинимсиз

меҳнати туфайли кўплаб мақолалар ёзиб бўлинди. Таассуфки, бундай хайрли ишнинг тўлиқ хотима топишига имкон бўлмади. 2135 мақоладан иборат 21,7 босма табоқ ҳажмдаги мазкур лугатни ҳозирги ҳолатида ҳам бутунги манбашунослигимизда муҳим воқеа, дейиш мумкин. Шунга кўра, аввало, М.Ҳақимов оила аъзолари, қолаверса, домла шогирдларининг узоқ йиллик заҳматли меҳнати самараси бўлган бу ишнинг қўлёзма ҳолича қолиб кетишини номақбул билиб, уни ҳозирги мавжуд ҳолича нашр этишга қарор қилдик.

Лугатни нашрга тайёрлаш давомида имкон бўлган ҳолларда очиқ қолган атамаларнинг баъзиларига мақолалар ёзишга ҳаракат қилинди, айрим саҳифалардаги сана ва мисоллар учун қолдирилган бўш жойларга тегишли саналар аниқланиб, керакли мисоллар топиб, ёзиб қўйилди.

Лугат тузиш иши, асосан, ЎзР ФА Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар илмий-тадқиқот институтида олиб борилганлиги боис, мавзу тақозосига кўра ундаги баъзи мақолаларда бу институт фаолияти билан боғлиқ ҳолатлар тилга олинган. Бундай уринларда мазкур илмий маскан номи олдига "собиқ" сўзи киритилди. Шунингдек, институтнинг қўлёзмалар хазинаси қайда этилган уринларда фонднинг номи ҳозирги кунда сақланиш манзили билан боғлиқ бўлган номга ўзгартирилган: "ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Ҳамид Сулаймон фонди".

Мамлакатимиз маънавий ҳаётида кейинги йилларда юз берган, мазкур ишга даҳлдор муҳим воқеалар ҳақидаги маълумотлар тегишли уринларга киритиб қўйилди. Чунончи, 2000–2006 йилларда нашр этилган 12 жилдлик "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ҳамда сўнгги йилларда айрим фанлар бўйича нашр этилган соҳа қомуслари ҳақидаги маълумотлар лугатнинг "Қомус" мақоласига, "Хатти Бобурий"га доир кейинги йилларда юзага келган янги маълумотлар "Бобурий, хатти Бобурий" мақоласига тўлдириш тарзида киритилди.

Муаллиф мамлакатимизда нашр этилган лугат намуналарини синчиклаб урганган ва бу соҳада эришилган ютуқларга суяниб иш кўрган, албатта. Шунга кўра, лугат тузишда у амал қилган тамойилларга даҳл қилишни муносиб билмадик. Шу уришда лугатни нашрга тайёрлашда яқиндан ёрдам берган инсонлар — М.Ҳақимов билан ёнма-ён илмий фаолият олиб борган ҳурматли олимлар — тарих фанлари доктори, профессор Мирсодиқ Исҳоқов, филология фанлари доктори, профессор Қ.Содиқов, китобат санъатининг билимдони, моҳир хаттот Тўхтамуроод Зуфаров ҳамда муаллифнинг она аъзоларига чуқур миннатдорчилик билдирамиз.

Ўзбек лугатчилигимизда кўплаб лугатлар яратилган. Ушбу лугат Шарқ манбашунослиги бўйича биринчи қадам ва юқорида таъкидлаганимиздек, у мукаммал даражада эмас. Бироқ ишонамизки, келгусида мутахассислар бу хайрли ишни такомил ниҳоясига етказадилар.

Ю.ТУРСУНОВ

*ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат
адабиёт музейи катта илмий ходими,
филология фанлари номзоди*

А

Абвоб (б. боб) — боблар, китоб ёки асарнинг боблари. қ. боб.

Абёт (б. байт) — 1. Байтлар, шеърий асарнинг ҳар икки мисраси. қ. байт. 2. Умуман шеър, шеърият. Маълум бир шоирнинг шеърий асарлари, шеърий мероси.

Абёти паришон — қ. паришон абёт.

Абжад — қадимги араб алифбосидаги ҳарфларнинг сирасини кўрсатувчи ва шу алифбодаги ҳар бир ҳарфнинг сон қийматини ифодаловчи саккизта шартли сўздан биринчиси ва шу саккизта сўз мажмуасининг номи. Бу сўзлар: **ا ب ج د ه و ز** (абжад: алиф — 1, бе — 2, жим — 3, дол — 4), **ح ح** (ҳавваз: ҳойи ҳавваз — 5, вов — 6, зе — 7), **ط ظ** (хутти: ҳойи хутти — 8, то — 9, йо — 10), **ك** (каламан: коф — 20, лом — 30, мим — 40, нун — 50), **س ص** (саъуфас: син — 60, айн — 70, фе — 80, сод — 90), **ق** (қарашат: қоф — 100, ре — 200, шин — 300, те — 400), **غ** (саххаз: се — 500, хе — 600, зол — 700), **ظ** (зазаг: зод — 800, зо — 900, гайн — 1000). Ҳарфларнинг сон қийматини эслаб қолиш учун ясалган бу сўзларнинг таркибида араб алифбосидаги 28 ҳарф бор. Урта Осиё халқлари томонидан араб алифбосига кейинчалик киритилган 4 ҳарфнинг сон қиймати қуйидагича: **پ** — пе **ب** каби 2 ни, **چ** — чим **ج** каби 3 ни, **ژ** — же **ز** каби 7 ни, **گ** — гоф ҳам худди **ك** каби 20 ни билдиради.

Юқоридаги саккизта сўз қандай маъно англатиши тугрисида Шарқ лугатларида турли хил фикрлар баён қилинган. Бироқ олимлар бу сўзларнинг маънолари ҳақида аниқ ва ягона бир фикрга келмаганлар. Ҳар

ҳолда, мазкур сўзларнинг шартли эканлиги ҳақиқатга яқинроқдир. Қачонлардир моҳир бир олим томонидан ихтиро қилинган бу сўзлар Шарқ фани ва маданиятига мустақкам сингиб кетган.

Ҳарфларнинг сон қийматини эса сақлаб қолиш учун тузилган юқоридаги сўзлар "абжад тартиби", "абжад ҳисоби", "жумалу абжад ҳисоби" деган номлар билан юритилади. Эски усул мактабларида абжад сўзларини махсус тахтачага ёзиб, ўқувчиларда дастлабки савод чиқариш — ҳарф танитишда, бугунларни қушишга ўргатишда фойдаланилган.

Ҳарфларни сонлар билан ва сонларни ҳарфлар билан ифодалаш кўпайтириш амалларини ёдда сақлаб қолишни осонлаштирган. Шунинг учун Урта аср Шарқ риезионлари ва мунажжимлари кўп ҳолларда ҳисоблаш жадвалларида (зиж) ҳарфлардан истифода этганлар. Бундан ташқари, Шарқ адабиётида, шу жумладан, ўзбек мумтоз адабиётида бирор муҳим воқеа-ҳодисанинг содир булган санасини ёдда сақлашни осонлаштириш ва унинг ёзма тафсилотини ихчамлаштириш учун сонлар ҳарфлар билан ифодалаб берилган. Ҳарфларнинг сон маъносидан фойдаланиб шеърини асар ёзиш адабиётда "таърих" жанрининг яратилишига асос булган.

Абжад тартиби — араб ҳарфларининг алифбо таркибидаги тартиби эмас, балки уларнинг сон қийматини кетма-кет курсатувчи абжад бўйича жойлашган тартиби. Араб ҳарфларининг мазкур тартибда жойланиши "абжад ҳарфлари" деб ҳам юритилади.

Абжад таърихи — қ. абжад ҳисоби.

Абжад ҳарфлари — қ. абжад тартиби.

Абжад ҳисоби — араб алифбосидаги ҳарфларнинг сон қийматига асосланиб тузилган ҳисоб. Ўтмишда олимлар, шоирлар томонидан бирор муҳим воқеа-ҳодисанинг содир булган вақти, йили; машҳур кишиларнинг таваллуди ва вафоти; бинолар, иншоотлар қурилиши; китоблар ёзилиши ва китобат қилиниши; эл-юрт, мамлакат тарихида юз берган муҳим ўзгаришларни абжад ҳисоби орқали ифода этиш анъанага айланган эди. Воқеа-ҳодисаларни абжад ҳисоби билан айтиш "абжад таърихи" ёки "таърих айтиш", "таърих тушириш" деб ҳам

юритилган. Меъморчиликда, амалий санъат буюмларида уларнинг яратилган санасини, абжад ҳисоби билан айтилган таърихини ёзиб қўйиш одат булган.

Абжад таърихлари ўзбек, форс-тожик, араб тилларида айтилган ва ёзилган. Абжад таърихи бирор сўз, ибора билан ёки жумла, мисра ва байт таркибида берилиши мумкин. Чунончи, Шайх Саъдийнинг вафотига *خاص* "хос" сўзини таърих қилиб олганлар. Бу уч ҳарфдан иборат бир сўзнинг сон маъноси 691 булади (милодий 1291 йилга тенг). Алишер Навоий ҳижрий 891, милодий 1485 йили Ҳиротда бир мадраса бино қилиб, Абдуллоҳ Машҳадийни мударрисликка тайинлайди. Бу воқеа абжад таърихи билан қуйидагича ифодаланган:

*Чун мадраса сохт Мир Али бо илму адаб,
Фармуд маро афъолаи аҳли талаб.
Дар шашуми моҳи ражаб кард ихлос,
Таърих талаб зи "Шашуми моҳи ражаб".*

"Шашуми моҳи ражаб" таърих моддаси бўлиб, бу ибора мударриснинг мадрасага кирган ой ва кунини, мазкур ибора ҳарфларининг сон қиймати эса мадраса қурилган вақт — 891 йилни билдиради. Жумла, мисра ё байт таркибида абжад таърихи ифодаланган сўз ёки ибора "таърих моддаси" деб аталади. Масалан, машҳур мусаввир Камолиддин Беҳзод вафотига Амир Дуст Ҳошимий ушбу таърихни айтган:

*Агар хоҳий, ки таърихаш бидоний,
Назар афкан ба "хоки қабри Беҳзод".*

Бу байтда таърих моддаси "хоки қабри Беҳзод" ибораси бўлиб, абжад ҳисоби билан 942 санани ифодалайди. Демак, Камолиддин Беҳзод ҳижрий 942, милодий 1536 йилда вафот қилган экан.

Абжад ҳисоби билан таърих айтиш бизнинг давримизда ҳам учраб туради. Гафур Гулом, Зокиржон Ҳабибий, Асқарали Чархийларнинг вафот саналарига шоирлар таърих айтганлар.

Шарқ маданияти аугети

Абжадхон — эски усул мактабларининг биринчи йилда "абжад ўқиш" билан савод чиқара бошлаган бола.

Абжадхонлик — эски усул мактабларида талабаларнинг араб алифбосини абжад тартибда ушлаштириш даври.

Абзац — қ. бош сўз, хат боши.

Аби — қ. абу.

Або — қ. абу.

Абр — қўлёзмага ишлатилган қогозга ўзига хос услубда туширилган булутсимон тасвир, қўлёзма муқовасининг ички томонига туширилган булутсимон гул.

Абри баҳор қогози — қ. қогоз.

Абри қогоз — булутсимон тасвирлар туширилган рангли қогоз. Бундай қогозлар Урта Осиёда кўплаб ишлаб чиқарилган ва китобат ишида кенг фойдаланилган. Абри қогозлар кўпинча қўлёзманинг ҳошия қисмига ёпиштирилган ва варақнинг мати ёзилган асосий қисмидаги қогоздан ажралиб турган. Яна қ. қогоз.

Абрсозлик — қ. абрчилик.

Абрчилик — қўлёзма учун тайёрланган қогозга бир рангдаги ёки бир неча ранглар аралашган ўзига хос булутсимон тасвирлар тушириш иши, ҳунари. (Бундай булутсимон, абрга ўхшаш тасвирлар бериш меъморчилик, кулолчилик, шойи-атлас тўқиш, чигтарликда ҳам учрайди).

Абу — арабча "ота" маъносида бўлиб, Урта асрларда Яқин ва Урта Шарқ халқларида кишиларнинг исмидан олдин қўшиб айтиладиган сўз, куня бўлган. Масалан: Абу Райҳон (Райҳоннинг отаси), Абу Али (Алининг отаси) каби. "Абу" куняси "аби", "або", "бу" шаклларида ҳам эга. ("бу" шакли кўпинча шеърда вази талаби билан келади). "Абу" сўзи ўзидан кейин араб изофаси "ал"ни олса "алиф" ўқилмайди ва "лом"га суқун тушади ("Абул" шаклида). Изофадан кейинги сўзда ой ҳарфи ўз ҳолича ўқилади: Абулқосим, Абулфазл, Абулмаоний, Абулғозий каби. Агар изофадан кейинги сўз қуёш ҳарфи билан бошланса, мазкур ҳарф иккиланади, яъни "ал" ўқилмай, суқун иккиланган ҳарф устига тушади: Абулттурк, Абуннаср каби.

Абулжонноб — Шайх Нажмиддин Кубронинг куняси. "Тақводорлар отаси" демакдир. Шайх Нажмиддин Кубронинг аса исми Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Ҳивақий ал-Хоразмийдир. Шариат ва тариқат илмининг буюк допинмаида бўлгани учун "Кубро" (улуғларнинг улуғи), "Нажмиддин" (диннинг юлдузи) деган лақабларни олган. Истегодди муридлар тарбиясида маҳорат курсатгани сабабли уни "Валитарош" (валийларни вояга етказувчи) ҳам деганлар.

Абул башар — "инсониятнинг отаси". Бу ибора Одам алайҳиссаломга нисбатан қўлланиб, бутун башариятнинг насл-насаби ундан бошланган, дейилади.

Абул-маоний — "маънолар отаси". Мирзо Абдулқодир Бедиянинг порасмий унвони. Шарқда яна бир неча адабиётшунос олим ва шоирлар ҳам "Абул маоний" унвонига сазовор бўлганлар.

Абул-музаффар — "ғалабанинг, зафарнинг отаси". Жангдан зафар билан қайтган ҳукмдорларнинг исмига қўшиб айтилган.

Абул-фатҳ — қ. Абул-музаффар.

Абул-форс — "форснинг отаси". Нуҳ пайгамбарнинг ўғли Сомнинг лақаби.

Абул-ғозий — "ғозийнинг отаси" маъносида бўлиб, диний урушда қатнашиб, ғолиб чиққан кишиларга лақаб сифатида исмдан олдин қўшиб айтилган. Чунончи: теурийлардан Абул Ғозий Султон Ҳусайн Бойқаро (1438–1505), Хоразм хони Абулғозий Баҳодирхон (1603–1683) каби.

Абул-ҳинд — "ҳинднинг отаси". Нуҳ пайгамбарнинг ўғли Хомнинг лақаби.

Абут-турк — "туркнинг отаси", турк халқининг бобоси. Манбаларда Нуҳ пайгамбарнинг ўғли Ёфас шу лақаб билан тилга олинади.

Авесто ёзуви — Зардуштийлик динининг муқаддас китоби, айни вақтда Урта Осиё ва Эрон халқларининг энг қадимги адабий-тарихий ёдгорлиги "Авесто"ни битиш учун қўлланган ҳарф, товушли ёзув. Авесто ёзуви китобий паҳлавий (Урта форс) ёзуви асосида яратилган. Паҳлавий ёзувида ҳаммаси бўлиб 16 та ҳарф бўлган. Шу ҳарфлар замишида унларни билдирувчи 14 та ва ундоларни билдирувчи 34 та белги яратилган. Натижада

48 та белгига эга бўлган авесто алифбоси воситасида “Авесто” матнининг анъанавий талаффузини мумкин қадар аниқ ифода этувчи ёзма нусхаси вужудга келади. “Авесто”нинг ёзма шакли милондинг III асрида Эронда — Сосонийлар сулоласининг дастлабки даврида яратилди. Бу иш Ардашер I (224–239) даврида бошланиб, Шопур I (239–272) даврида тугалланди. Авесто ёзуви “Авесто” китобидан бошқа бирорта манбани ёзиш ёки кучириш учун татбиқ этилган эмас. Авесто ёзуви ўнгдан чапга қараб ёзилади ва ўқилади.

Авесто йил ҳисоби — қ. (қадимги Эрон йил ҳисоби).

Авесто тили — ҳозирги вақтда фанда “Авесто” муқаддас китобининг тили “авесто тили” деган атама билан юритилади. “Авесто тили” фанда маълум бўлган эрон тилларининг энг қадимийсидир. Шунинг учун гарчи “Авесто”нинг матнлари милондинг III асрида хатта олинган бўлса-да, авесто тилининг ўзи эрон тилларининг даврий таснифида қадимги эрон тиллари қаторига, яна аниқроғи, қадимги форс тилидан олдин қўйилади. Авесто тили мана шу қадимги форс тилига яқин тил ҳисобланади. Грамматик қурилиши томонидан авесто тили жуда архаик бўлиб, милондан аввалги биринчи минг йилликнинг дастлабки ярмига мансубдир. Авесто тили жонли сўзлашув тили сифатида қаерларда тарқалганлиги ҳозирча маълум эмас. Бу хусусда авестошунослар орасида турли фикрлар мавжуд. Е.Э.Бертельснинг мулоҳазаларига қараганда, авесто тили бир замонлар Ҳомун ҳавзасида (ҳозирги Балх ва Марв ҳудудларида) ёйилган бўлган. Лекин шуни аниқ айтиш керакки, авесто тилига қадимги эрон қабилаларидан бирортасининг тили асос бўлиб ётади. Қачонлардир ўша қабила “Авесто”нинг қадимги қўшиқлари — готлар яратилган тилда сўзлашган ва бу тил бошқа қабилаларнинг тилига нисбатан анча нуфузли ҳисобланган бўлиши мумкин. Авесто тили “Авесто” ҳали китобат бўлмасдан илгари милондинг бошларида улик тилга айланиб, фақат ибодат тили бўлиб қолади.

“Авесто” — бу зардуштийларнинг муқаддас китоби бўлиши билан бирга, Урта Осиё ва Эрон халқларининг узоқ асрлар давомидаги тарихи, иқтисодий-ижтимоий ҳаёти, тили, оғзаки ижодиёти ва ёзма адабиётини ўрганишда муҳим адабий-тарихий, муштарак

ёдгорликдир. “Авесто” милондан аввалги минг йилликнинг охирида яратилган ва оғзаки шаклда яшаб келган Унга турли даврларда қўшимчалар киритилиб, қайта қайта ишланиб борган. “Авесто” Сосонийлар даврида ёзма шаклга эга бўлди (унгача ҳам “Авесто”нинг ёзма нусхалари бўлганлиги тўғрисида фанда турлича фикр мулоҳазалар бор). Бироқ “Авесто”нинг ана шу даврда кучирилган дастлабки нусхалари бизгача етиб келмаган. Мавжуд нусхалар ичида унинг бизгача етиб келган энг қадимги нусхаси 1324 йилда кучирилган бўлиб Копенгагенда сақланади. Тадқиқотчилар нисбатан тўлаллиги ва қадимийлиги сабабли кўпроқ шу нусхага мурожаат қиладилар. “Авесто” қўлёзмаларидан айрим парчалар М.Е.Салтиков-Шчедрин номидаги Санкт-Петербург Давлат кутубхонасининг қўлёзмалар бўлимида ҳам бор. Сосонийлар даврида китобат бўлган ёзма шаклининг таркиби, ҳажми ва мазмуни ҳақида манбаларда турлича маълумотлар етиб келган. Жумладан, Абу Райҳон Беруний: “Бу китоб аслида ўттиз наск (боб) эди, зардуштийлар қўлида шундан ўн икки наск сақланиб қолди”, деб хабар беради. Зардуштийлик фалсафаси ҳақида IX асрда паҳлавий тилида ёзилган “Денкард” номли асарда араб истилосигача етиб келган “Авесто” йиғирма бир наск (боб)дан иборатлиги ва ҳар бир наскнинг қисқача мазмуни баён этилади. “Авесто”нинг фанга маълум бўлган ҳозирги ҳолатдаги матнлари қуйидагича номланган беш қисм (китоб)дан иборат:

1. Вендидад — 22 боб (фрагара)дан иборат бўлиб асосан, ёмон руҳлар, девларни енгиб, гуноҳлардан пок бўлиш маросимлари баён этилади.
2. Виспарад — ибодат қўшиқларидан иборат бўлиб 24 боб (карда)ни ўз ичига олади.
3. Ясна — диний маросимлар, расм-русумларни бажариш вақтида айтиладиган қўшиқлар. Ясна 72 боб (Ҳа)дан иборат бўлиб, улардан 17 боб “гот”лар деб юритилади. Готлар “Авесто”нинг энг азалий қисмлари ҳисобланади.
4. Яшт — зардуштийлик худолари мадҳига айтилган 22 қўшиқни ўз ичига олади.

5. Кичик Авесто. "Авесто" катта ҳажмда бўлганлиги сабабли қоҳинлар кундалик фаолиятида фойдаланишлари учун "Кичик Авесто" тузилган. "Кичик Авесто" "Авесто" нинг турли жойларидан танлаб олинган дуолар тупламидан иборат.

"Авесто" фақат диний қўшиқлар ва дуолар мажмуасидан иборат бўлиб қолмай, балки ўша қўшиқлар ва дуолар таркибида реал тарихий лавҳалар, афсонавий эпик сюжетлар, фалак, дунёнинг қурилиши ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига доир қонун-қоидалар ҳақидаги маълумотларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

"Авесто"нинг сақланиб қолган нусхалари икки вариантга эга. Биринчиси, авесто тилидаги асл матнлар. Бу нусхалар "Авесто" деб аталади. Иккинчиси, асл матннинг шаҳлавий тилига қилинган шарҳли таржималари. Бундай нусхалар "Занд" ёки "Занд-Авесто" деб юритилади. Яна қ. Занд.

Авзон (б. вазн) — вазнлар, шеърӣ асар вазнлари, ўлчовлари. қ. вазн.

Авалиё (б. валий) — валийлар. қ. валий.

Аврод (б. виро) — пирнинг муридга топширадиган вазифаси, яъни мурид томонидан ўқиб турилиши зарур бўлган тиловат, зикр, тасбеҳ, салават ва бошқа дуолар. Бу дуоларни пирга қўл берганлар ўқийдилар. Авроди фатҳия — эрталаб тонг вақтида бомдоддан кейин қалбни очиш учун ўқилладиган дуолар. Авроди асрия — аср билан шом расида ўқилладиган дуолар. Бу каби шариат ва тариқат ўрсатмаларига асосланган вазифаларнинг турли қўлёзма ўпламлари мавжуд. Масалан, "Амал ул- явми вал-лайла" кундузи ва кечаси бажариладиган амаллар). "Авроди фатҳия" (тонг вақтида бажариладиган вазифалар). "Далойил ул-ҳайрот" (ҳайрат далиллари) ва бошқалар.

Авроқ (б. варақ) — варақлар. қ. варақ.

Авроқи паришон — қ. паришон авроқ.

Авсат — қ. аъло.

Автобиография — қ. ҳасби ҳол, таржимаи ҳол.

Автограф — қ. дастхат, дастнавис.

Автор — қ. муаллиф.

Авқоф (б. вақф) — вақфлар. қ. вақф.

Адаб (қ. одоб) — 1. Бу сўз умуман мусулмон оламида илм ва маърифатга, тарбия ва ахлоққа нисбатан қўлланади. Яхши хулқ, ёқимли ҳаракат, ҳар қандай ҳолатда ҳам фаҳму фаросатлилиқ, шарму ҳаёлилиқ, хушмуомалалиқ, мулойимлик, камтарлик, донолик, тўғрилиқ, ҳалоллик каби жамики яхши хислатлар адаб тушунчасига киради. 2. Адабиёт. қ. адаб, илми адаб. 3. Тасаввуфда адаб деб гўзал хулқни, нафси зоҳир (ошқора нафс) ва нафси ботин (ички нафс, кунгил)ни тарбия қилмоқ тушунилади. Тасаввуфда адаб тўртга бўлинади: а) шариат одоби — пайгамбар шариати ва суннатларига амал қилиш; б) тариқат одоби — бир тариқатга боғланиб, унинг одоб ва қоидаларини ўргангач, шу бўйича ҳаракат қилиш; в) маърифат одоби — нафси аммора (голиб нафс)ни мағлуб қилиб, илоҳий ва дунёвий илмларни ўзлаштириш; г) ҳақиқат одоби — Аллоҳдан бошқасидан юз ўтириб, ваҳдат майидан қониш. Тасаввуфда тариқатдан сабоқ берувчи пир ёки шайх, шунингдек, сабоқ олувчи мурид ёки солиқ риоя қилиши зарур бўлган қонун ва қоидалар ҳам одоб тушунчасига киради. Шунинг учун машҳур шайхлар ва солиқларнинг одоби хусусида бошқаларга ўрнак бўлсин, деб кўплаб асарлар ёзиб қолдирилган. Чунончи, "Одоби тариқати нақшбандия" (Нақшбандия тариқати одоблари), "Одоб ус-солиқин" (Солиқлар одоблари), "Одоб ус-сиддиқин" (Сиддиқлар одоби) каби.

Адаб, илми адаб — бу илм кўплик шаклда "улуми адаб", "улуми адабия" (адаб илмлари) деб ҳам юритилади. Шарқда ўзини саводли, билимли, ўқимишли, зиёли деб ҳисоблаган кишиларнинг ҳаётда, кундалик турмушда билиш ва амал қилиш зарур бўлган илмлар мажмуи "илми адаб", "улуми адабия" деб аталган. Ўрта асрларда ва кейинги даврларда яшаган олимлар адаб илмларининг таснифини турлича курсатганлар. Улар адаб илмларининг сонини 12 тадан 15 тагача олиб борганлар. Бу илмлар қуйидагилардан иборат: 1. Илми сарф — сўзнинг тузилиш таркиби, шакллари, маънолари, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши ҳақида баҳс юритилади. Ҳозирги тил билан айтганда, грамматиканинг морфология бўлимига тўғри келади. 2. Илми иштиқоқ — сўз яшаш, бир ўзакдан

турли товуш ўзгаришлари натижасида бошқа сўзлар ҳосил қилиш (бу усул араб тилига хос), бир ўзакнинг олдига ёки кейинига турли қўшимчалар орттириш натижасида янги сўзлар ҳосил қилиш (бу усул эроний ва туркий тилларга хос) юзасидан баҳс юритилади. 3. Илми луғат — луғатшунослик. 4. Илми баён — фикрни ёзма равишда аниқ, ёрқин ва маъноли ифода этиш юзасидан баҳс юритилади. Бу илм ҳозирги ёзма нутқ стилистикасига тўғри келади. 5. Илми маоний — сўзни ёзма ва оғзаки нутқда ҳам, мантиқий жиҳатдан ҳам ўз ўрнида, тўғри қўллаш юзасидан баҳс олиб боради. Бу жиҳатдан илми маоний илми баёнга жуда яқин туради. Шунинг учун илми маоний ва илми баён биргаликда балоғат илмининг асосини ташкил қилади. 6. Илми бадиъ — адабий асардаги сиймо (образ), маъно ва гоёларни чиройли, нозик ва мазмундор ифодалаш учун хизмат қиладиган бадий санъатларни ўрганади. Илми бадиъ адаб илмининг алоҳида бир қисми бўлса-да, у илми аруз ва илми қофияни ҳам ўзига бирлаштириб, ўрта аср Шарқ адабиётшунослигида учлик адабий илм деган мустақил катта тармоқни ташкил қилади ва “илми бадиъ” деган умумий ном билан аталади. 7. Илми наҳв — гап тузилиши, гапда сўзларнинг тартиби ва ўзаро боғланишини ўрганади. Бу соҳа грамматиканинг синтаксис бўлимига тўғри келади. 8. Илми аруз. 9. Илми қофия. 10. Илми шеър — шеър ёзиш, шеър яратиш ҳақида. 11. Илми иншо — сочма (насрий) асарлар, расмий ҳужжатлар, турли шахсларга ва турли мавзуларда мактублар яратишда сўздан фойдаланиш қоидалари ҳақида. 12. Илми хат ёки илми китобат — хат таълими, ҳусни хат қоидалари, хаттотлик ҳақида. Одоб илмларининг асосий қисмлари шу билан тугайди. Айрим олимлар одоб илмлари таснифига яна учта илмни қўшадилар. Улар қуйидагилар: 13. Илми тасриф — сўз маъноларининг ўзгариши ҳақида. Бу соҳа қисман фразеологияга тўғри келади. 14. Илми амсол — мақол, матал ва ҳикматли сўзлар ҳақида. Бу соҳа паремиологияга тўғри келади. 15. Илми давовин — девон тузишнинг тартиб ва қоидалари ҳақида. Юқорида айтиб ўтилган илмларнинг дастлабки

солиш ва уларнинг маъноларини очиш ҳақидаги "Девону лугат" адаб илмларига кириш, бошқача айтганда, "муқаддимат ул-адаб" ҳисобланган (XII асрнинг буюк тилшуноси Маҳмуд Замахшарий ўзининг машҳур лугат китобини "Муқаддамат ул-адаб" деб атаганлигининг сабаби ҳам шундадир). "Улуми адабия" ҳозирги даврдаги тилшунослик ва адабиётшунослик фанларининг мажмуи — филологияга тўғри келади.

Адабиёт — 1. Ўрта аср араб адабиётидаги бир жанр. Шоир бирор воқеани адаб ва сарфу наҳв қоидаларига боғлаб шеърга туширса, "адабиёт" деб юритилган. Бундай шеърларни IX–XII асрларда Ўрта Осиёлик арабийнавис шоирлар ҳам ёзганлар. Тазкиранавис ас-Саолибий "Йатимат уд-дахр" асарида шоир Ал-Бустиининг адабиёт жанрида ёзган шеърларидан 12 байт келтирган. 2. Адабий-бадий асарлар, адабий-бадий асарлар мажмуи. 3. Ҳамма илмларга оид манбалар.

Адабий ёдгорлик — бирор халқнинг, шу жумладан, ўзбек халқининг муайян даврдаги ҳаёти ва тили, маданияти, урф-одатлари ҳақида маълумот берувчи оғзаки ёхуд ёзма адабиёт намунаси. Адабий ёдгорлик маълум бир адабиётнинг пайдо бўлиши, ривожланишида ўзига хос тарихий аҳамият касб этади ва келажак авлодларга мерос бўлиб қолади. Ўрхун-Энасой битиклари, Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луготит-турк", Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг", Алишер Навоийнинг "Ҳазойин ул-маоний" ва "Ҳамса", Бобурнинг "Бобурнома" асарлари ўзбек халқи адабий ёдгорликларининг ажойиб намуналаридандир.

Адабий манбалар — бир халқнинг адабиёти тарихи жараёнида яратилган барча ёзма манбалар. Бу манбалар турли ёзув ва тилларда ёхуд таржима шаклида бўлишидан қатъий назар, шу халқ адабиётининг манбалари ҳисобланади. Ўзбек халқи қарийб икки минг йиллик адабиёти тарихида суғд, ўрхун-энасой, уйғур, араб ёзувларидан фойдаланди; шоир, адиб ҳамда олимлар

Ўзбек тилида ижод қилиш билан бирга араб ва форс-тожик тилларида ҳам талайгина асарлар яратдилар, Ўзбек халқининг моҳир таржимонлари араб, форс-тожик ва бошқа халқлар адабиётининг энг яхши ёдгорликлари ("Минг бир кеча", "Қалила ва Димна", "Гулистон", "Шоҳнома" ва бошқалар)ни она тилига ўтирдилар.

Адабий мерос — 1. Аждодлардан авлодларга қолган адабий бойлик. Адабий мерос маънавий маданиятнинг энг катта ва узвий қисмидан иборат бўлгани учун кўп ҳолларда "маданий ва адабий мерос" деб биргалиқда қўлланади. Адабий мерос, асосан, икки қисмга бўлинади: 1. Ёзма адабий манбалар — ёзма адабиётнинг ҳамма турдаги асарлари. 2. Халқ оғзаки ижоди — фольклор асарлари. Ҳар бир халқнинг адабий мероси, адабиёт тарихи изчиллик билан, шу халқнинг босиб ўтган ижтимоий-сиёсий тараққиёти билан мустаҳкам боғланган ҳолда ўрганилади ва таҳлил қилинади. Ҳар бир халқ катта-кичиклигидан қатъий назар, илғор адабий мероси билан жаҳон маданиятига ўз ҳиссасини қўшади. Ўзбек халқи ҳам қадимий ва бой адабий меросга эга бўлиб, у халқ маънавий маданиятининг катта ва ажралмас қисмини ташкил қилади. 2. Маълум бир шоир ёки адибнинг бутун ижодий фаолияти давомида яратган адабий асарларининг мажмуи. Масалан, Муқимийнинг адабий мероси, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг адабий мероси.

Адвор (б. давр) — 1. Давралар, доиралар, айланалар. 2. Шарқ мусиқа илмининг бир соҳаси — илми адвор. Шарқ мусиқа назариясида ритм ўлчовлари ва парда қаторларини ташкил этадиган белги (ҳарф)лар жойлаштириладиган доира чизиқлари. Ўтмишда илми адвор назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган. У "адвори зуруб" (зарбларнинг доиралари), "адвори иқоъ" (оҳангдошлик доиралари), "адвори мусиқий" (мусиқий доиралар) каби номлар билан ҳам аталган. Ўрта аср Шарқ мусиқасида доиралар ва доира чизиқлари ритм ўлчовлари, парда қурилмалари ва шеър вазнларини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этган. Мазкур доиралар ва доира чизиқлари Шарқ мусиқасида ҳозирги замон тушунчаси билан айтганда, нота ёзуви вазифасини бажарган.

Адиб, адиба — адаб эгаси, адабий асар яратувчи. Адиб сўзи айрим ҳолларда шоир ва ёзувчилар номига қўшиб айтилган. Масалан: Адиб Собир Термизий, Адиб Аҳмад Югнакий каби.

Адно — қ. аъло.

Адот — ўзича мустақил маъно англатмайдиган ва сўзларга қўшилиб келадиган қўшимчалар. Адотга араб тилида отнинг олдига қўшилиб, аниқлик белгисини англатувчи **ا** (ал)ни кўрсатиш мумкин. Масалан: ал-Хоразмий, ал-Беруний, ал-жабр, ал-қонун каби. Яна қ. араб изофаси.

Адрес — қ. унвон.

Адресат — қ. мурсал.

Адресант — қ. мурсил.

Адъия (б. дуо) — дуолар. қ. дуо.

Аддий — “дуо қилувчи, яхшилик тиловчи” деган маънода бўлиб, мактубнинг охирида имзодан олдин ёзиладиган сўз.

Аёлғу — 1. Ўрта аср мусиқа асбобларидан бири. 2. Ўлан, ялла, ашула, ўта таъсирли қўшиқ.

Ажам ҳарфлари — форс-тожик ва туркий халқлар томонидан араб алифбосига қўшилган тўрт ҳарф. Булар **پ** (пе), **چ** (чим), **ژ** (же) ва **گ** (гоф) лардан иборат. Бу тўрт ҳарф **ب** (бе), **ج** (жим), **ز** (зе) ва **ك** (коф) ларнинг белгисидан олинган ва шунинг учун алифбода мазкур ҳарфлардан кейин жойлаштирилган.

Ажзо (б. жузв) — жузвлар, бўлақлар. қ. жузв.

Азайимхонлик — 1. Дуо воситасида сеҳр-жоду ишлари билан шуғулланиш. 2. Дуохонлик. (қ.).

Азиз — Абу Райҳон Берунийнинг айтишича, қадимги Миср подшоҳларининг унвони.

Азкийё (б. закий) — закийлар, бадиҳагўйлар, топқирлар. қ. закий.

Азон — ислом динида ҳар куни беш маҳал ўқиладиган намоз вақтини эълон қилиш ва унга даъват этиш; даъват этиш вақтида айтиладиган иборалар мажмуининг номи. Азон ҳар бир масжидда муаззин томонидан баланд овоз билан айтилади. Азон иборалари ва уларнинг тартиби: Аллоҳу акбар (Аллоҳ буюк) — тўрт марта, Ашҳаду анло илаҳа иллаллоҳ (Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан бошқа

илоҳ йўқ) — икки марта, Ашҳаду анна Муҳаммадар расулуллоҳ (Гувоҳлик бераманки, Муҳаммад Аллоҳнинг пайгамбаридир) — икки марта, Ҳаййа ʔалас-солаҳ (Намозга келинглари) — икки марта, Ҳаййа ʔалал-фалаҳ (Нажотга келинглари) — икки марта, Аллоҳу акбар (Аллоҳ буюк) — икки марта, Ла илаҳа илalloҳ (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ) — бир марта. Фақат эрталабки бондо намозининг азонида “Ҳаййа ʔалал-фалаҳ”дан сунг икки марта “Ас-солату хайрум минан навм” (Намоз уйқудан афзал) ибораси қўшиб айтилади. Исломда янги туғилган чақалоқнинг қулоғига азон айтиш одати бор. Бу одат болани мусулмонлар қаторига киритиш маросими мазмунини ифодалайди.

Айёмнома — байрам, ҳайит ва бошқа шунга ўхшаш тантанали кунларда ёру дўстларни, қадрдонларни муборакбод этиб ёзилган мактуб, қутлов.

Айзан — “яна, тагин” деган маъноларда бўлиб, девонларда бир жанрдаги шеърнинг кетма-кет, изчил келаётганлигини билдириш учун ҳар бир шеър тепасига ёзиб қўйилади.

Айн — араб алифбосининг ўн саккизинчи ва араб ёзувига асосланган эски ўзбек алифбосининг йигирма биринчи ҳарфи (ع) нинг номи бўлиб, абжад ҳисобида 70 га тенг. Айн ёзилиш шаклларига кўра қуйидаги номларга эга: айна наълий — тақасимон, тақага ўхшаш айн; айна содий — “сод” ҳарфига ўхшаш айн; айна муҳайяр — “айни наълий” ва “айни содий” оралигидаги айн; айна маъқут — тугун, банд, ҳалқасимон айн. Бу ҳарф араб тили учун хос бўлиб, портловчи бўғиқ товушни билдиради. Айн араб тилидан ўтган сўзларда сўз бошида ва сўз охирида ўзининг араб тилидаги хусусиятини сақламайди. Чунки ўша сўзлар асл арабча талаффузда айтилмайди. Айн, асосан, араб тилидан форс-тожик ва эски ўзбек тилига ўтган сўзларда турли фонетик вазифаларни бажаради:

1. Айн ҳарфи араб тилидан ўтган айрим сўзларда (бундай сўзлар кўп эмас) сўз бошида “ҳ” товушини билдиради: **ح** ҳайит (бу сўз аслида “ъийд” деб талаффуз этилади. Бунда сўз бошидаги айн “ъи” товушини англатади). **ع** ҳасса (бу сўз аслида “ъасо” деб талаффуз

этилади. Бунда сўз бошидаги айн “ъа” товушини билдиради).

2. Сўз бошида алифдан олдин келганда (عا) айн талаффуз этилмай, алиф чўзиқ унли “о” тарзида талаффуз қилинади: عادل Одил, عاقل Оқил, عابد Обид, عالم Олим, عادت одат каби.

3. Сўз бошида алифдан кейин келганда (ع) чўзиқроқ “э” товушини билдиради ва ҳозирги ёзувда шу “э”дан кейин айириш белгиси қўйилади: اعتبار эътибор, اعلان эълон каби.

4. Сўз ўртасида ҳам чўзиқроқ “э” (e) товушини билдиради ва ҳозирги ёзувда шу “э” (e) дан кейин айириш белгиси қўйилади: معيار меъёр, فعل феъл каби.

5. Сўз охирида ҳам и, э (e) га мойил айтилади, бу ҳолат ҳозирги ёзувимизда апостроф (‘) билан кўрсатилиб тўғри қилинар эди. Ҳозир эса шу апостроф ўрнига айириш белгиси баъзан ёзилади, баъзан эса ёзилмайди (айириш белгисининг ёзилмаслиги жуда нотўғри, чунки сўзнинг ҳақиқий маъноси англашилмай қолади): مانع монеъ, تابع тобеъ каби.

6. Сўз охирида икки ундошдан кейин келганда ҳам айн қандайдир бўғиз товуши борлигини билдиради. Бу ҳолат ҳозирги ёзувимизда апостроф билан кўрсатилар эди, кейин бу белги мутлақо тушиб қоладиган бўлди (бу ҳам нотўғри, сўзнинг ҳақиқий маъносини англашга зарар етказади): نفع нафъ, جمع жамъ, شمع шамъ каби.

7. Сўз ўртасида айн “а” товушидан кейин келса, шу “а” чўзиқроқ айтилади ва айириш белгиси билан кўрсатилади: معركة маърака, معنى маъно, يعنى йаъни каби.

8. Сўз ичида ёпиқ бўғиндан кейин қолган айн иккинчи бўғинни ажратишга хизмат қилади ва ҳозирги ёзувда айириш белгиси орқали кўрсатилади: صنعت санъат, تلعت талъат, بدعت бидъат, خلعت хилъат каби.

9. Айрим араб сўзларида сўз бошида “и” товушини билдириб келади: عيسى Исо (бу сўзни олдин ҳам айтган эдик).

10. Жуда кам сонли арабчалашган (аниқроғи, айнлашган) ўзбек сўзлари бор: маърамоқ (аслида мунграмоқ), қаъни (аслида қадимги туркий давлат

Қанган номидан, айни вақтда ўзбекларнинг қилган уруғи номидан). Бу сўзларда ҳам айни сўз уруғида "а" товушидан кейин қолади ва чуқурроқ айтилганда ҳам айирини белгиси билан кўрсатилади.

Айн ул-қузвот — машҳур тасаввуф олими ва шоири Абулмаолий ибн Абдуллоҳ ибн Али Мивнийий Ҳамданий (1099–1131) нинг лақаби.

Акрам ул-акрамин — каримларнинг карими (ҳимматлиларнинг ҳимматлиси) — пайгамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг сифатларидан бири.

Ақобир (б. ақбар) — мамлакатнинг сийсий ижтимоий ҳаётидаги муҳим воқеа, ҳодисаларни муҳажжам қилишда иштирак этувчи мансабдор кишилар, улуглар, катталар.

Акс(ий), хатти акс(ий) — қ. тавъамон, хатти тавъамон.

Ал — қ. адот, араб изофаси.

Алайҳирраҳма — "унга раҳмат (бўлсин)" маъносидан бўлиб, таъкиранавис олимлар шу асарни ёзган вақтларида ҳаёт бўлмаган, вафот этган шоирларнинг номидан сўнг қўшиб қуйганлар. Масалан: Абдураҳмон Жомий алайҳирраҳма, Мавлоно Лутфий алайҳирраҳма.

Алайҳиссалом — "унга салом (бўлсин)" маъносидан бўлиб, пайгамбарлар номига қўшиб айтилади. Масалан: Муҳаммад алайҳиссалом, Исо алайҳиссалом.

Алвоҳ (б. лавҳ) — лавҳалар. қ. Лавҳ.

Алжабр (алгебра) — риёзиёт илмининг бир соҳаси. Агар арифметикада конкрет сонлар устида амалларни тўрт амал ўрганилса, алжабр (алгебра)да мазкур амаллардан олинган натижалар умумий бўлишига эришиш учун миқдорларнинг қийматлари ҳарфлар билан белгиланиб, ҳарфий ифодалар устида иш олиб борилади. Алжабр (алгебра) фанининг қонун ва қонуналарини биринчи марта буюк олим Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий 813–833 йиллар орасида ёзган "Алжабр ва ал-муқобала" асарида баён қилиб берди. Ал-Хоразмий алжабр фанининг асосчиси бўлганлиги учун фан тарихида тўғридан-тўғри ал-Хоразмий "Алгебра"си деб ҳам юритилади. Ал-Хоразмий алжабр (алгебра)нинг кундалик амалий ҳаётдаги аҳамиятига юқори баҳо бериб,

уз асарини қуйидаги сўзлар билан бошлаганлиги гоят қимматлидир: "... мен арифметиканинг оддий ва мураккаб масалаларини ўз ичига олувчи "Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб"ни таълиф қилдим. Чунки мерос тақсим қилиш, васиятнома тузиш, мол тақсимлаш ва адлия ишларида; савдода ва ҳар қандай битимларда, шунингдек, ер ўлчаш, каналлар ўтказиш, геометрия ва бошқа шунга ўхшаш турлича ишларда кишилар учун бу зарурдир". Ал-Хоразмийнинг ушбу рисоласи 1145 йили Испанияда биринчи марта лотин тилига таржима қилинади. Таржимада "Ал-жабр ва ал-муқобала" номидан фақат биринчи сўз "алжабр" — "алгебра" деб олиниб, кейинги сўзлар тушириб қолдирилади. Шу тариқа ал-Хоразмий алгебра фанининг асосчисига айланиб, мазкур асарининг номи "Алгебра" бўлиб тарқалиб кетади.

Алиф — араб алифбоси ва араб ёзувига асосланган эски ўзбек алифбосидаги биринчи ҳарфи (¹)нинг номи бўлиб, абжад ҳисобида 1 га тенг. Алиф ёзилишига кўра икки хил номланади: 1) алифи мулҳақ — қўшилган алиф, ўзидан кейинги ҳарфга қўшиб ёзилган алиф, 2) алифи фард — якка алиф, ўзидан кейинги ҳарфга қўшилмай, туташтирилмай ёзилган алиф. Алиф ҳарфи ўзбек тилида а, о товушларини ифодалайди. Алиф сўз бошида, асосан "а", сўз ўртаси ва сўз охирида "а" ёки "о" товушларини билдириб келади. Масалан: احد Аҳад, اسرار Асрор, بالا бола, دانا доно каби. Агар алиф сўз бошида чўзиқ унли "о" вазифасини билдириб келса, у ҳолда алифнинг олдида яна бир алиф орттирилади, яъни икки алиф (¹¹) ҳосил бўлади. Бироқ ёзувда сўз бошида чўзиқ унли "о" учун икки алиф ёнма-ён ёзилмайди, бир алиф иккинчи алифнинг устига ётқизиб ёзилади (^آ) ва бу белги (^آ) мадд ёки мадда (чўзги) деб аталади. Масалан: آتا ота, آنا она, آفتاب офтоб, آدم одам каби. Шарқ адабиётида шоирлар лирик қаҳрамоннинг қоматини "алиф" ҳарфига қиёс қилганликлари кўп учраб туради. Масалан:

*"Алиф"дек қадини ёдида ғам чекиб,
Қадим ҳайъат аро "нун" бўлдило.*

(Мунис Хоразмий)

“Алиф” ҳарфи халқ тушунчасига кўра тўғрилиқ, ростгўйлик, ҳаққонийлик рамзи сифатида ҳам ишлатилади. Чунончи, қуйидаги халқ мақолида юқоридаги маъно акс этган:

*Сен “алиф”дек тўғри бўлсанг,
Ҳеч бало йўқдир сенга.
“Лом-алиф”дек эгри бўлсанг,
Ҳар бало бордур сенга.*

(Халқ мақоли)

Алифбе I — дастлабки хат-савод чиқариш ўқув қўлланмаси. Эски усул мактабларида ҳозирги биз тушунган маънодаги алифбе бўлмаган. Унинг ўрнига савод чиқариш учун махсус меҳробсимон тахта ишлатилган. Тахтанинг бир томонига араб ҳарфлари алифбо тартибида, иккинчи томонига эса абжад тартибида ёзиларди. Шогирдлар (ўқувчилар) аввал алифбони, сўнгра абжадни ёд олар эдилар. Алифбо ва абжад ўзлаштириб бўлингач, “Ҳафтияк”ка ўтилар эди. Туркистонда 1902 йилда Саидрасул Саидазизов биринчи ўзбек алифбоси — “Устоди аввал” номли дарслик китобини эълон қилди.

Алифбе II — мискарликда буюмнинг сиртига тушириладиган меҳробсимон нақш. Бу нақш эски мактабда дастлабки хат-савод чиқариш қуроли бўлган меҳробсимон алифбе — тахтага ўхшаганлиги учун шундай аталган.

Алифбо — бирор тил ёзувида қўлланилган ҳарфларнинг қатъий тартибда жойлашган йигиндиси. Ўзбек халқи кўп асрлик тарихи давомида турли алифболардан фойдаланиб келган. Милоддан аввалги сўнги асрлардан милоднинг VIII–IX асрларигача Хоразм, Суғд, Ўрхун (Энасой), Уйғур алифболаридан, XVIII асрнинг биринчи чорагидан бошлаб, 1929 йилгача араб алифбосидан, 1929–1940 йиллардан лотин алифбосидан фойдаланилди. 1940 йилдан бошлаб ўзбеклар ҳам собиқ иттифоқдаги жуда кўп халқлар қаторида рус ёзувига асосланган янги алифбога ўтдилар. Ўзбеклар рус алифбосидаги Ъ,

ы ҳарфларидан ташқари ҳамма ҳарфларни қабул қилиб, унга ўзбек тилига хос айрим товушлар белгиси — ў, қ, ғ, ҳ ни қўшдилар.

Ал-мулаққаб — “лақабли”, “лақабланган”, “лақаб олган” маъноларида бўлиб, асар муқаддимасида муаллиф номига (тахаллусига) қўшилиб келади. Масалан, Навоий асарларида “ал-мулаққаб бин-Навоий” (Навоий деб лақабланган) шаклида келади.

Ал-мутахаллис — “тахаллусли”, “тахаллусига эга бўлган” маъноларида келади. Бу сўз асарнинг муқаддимасида муаллифнинг номи билан биргаликда ишлатилади. Масалан, Навоий асарларида “ал-мутахаллис бин-Навоий” (Навоий тахаллусини олган) шаклида қўлланади.

Алп — “баҳодир, қаҳрамон” маъносида бўлиб, Турк ҳоқонлигида ҳоқонлар исми олдидан қўйиб айтилган. Ўрта асрларда туркий давлатларнинг бошлиқлари, хусусан, Салжуқийлар ҳукмдорлари бу анъанани давом эттириб, ўз исмларидан олдин “Алп” сўзини қўшганлар.

“Алф лайло” — машҳур араб эртаклари “Минг бир кеча”нинг ўзбек халқи ўртасида тарқалган номи.

Алфавит — қ. алифбо.

Ал-фақир ул-ҳақир — қ. фақир.

Алфоз (б. лафз) — лафзлар, сўзлар.

Альбом — қ. мураққаъ.

Алқисса — халқ китобларида шеърий парча тамом бўлгач, насрий матн доимо шу сўз билан бошланади, “демак, шундай қилиб” маъноларини беради.

Алқоб (б. лақаб) — лақаблар, номлар. қ. лақаб.

“Ал-қонун”, “Қонун” — Абу Али ибн Синонинг тиббиётига бағишланган шоҳасари “Китоб ал-қонун фит-тибб”нинг халқ ўртасидаги машҳур бўлган қисқартирилган номлари.

Аллома — олимларнинг олими, бир қанча фанлар билан шуғулланган ва ўша соҳаларда кўплаб илмий асарлар ёзган, қомусий билимга эга бўлган олим.

Амал — “иш”, “ижро” маъносида бўлиб, рассом, саҳҳоф ва бошқа амалий санъат, касб-ҳунар усталари ўзлари яратган асар ёки буюмнинг бирор жойига имзо

чекканларида, шу сўзни қўшиб қўйганлар. Баъзан “амали абд”, “амал ул-абд” (банданинг иши) деб ҳам ишлатганлар. Машҳур расом Камолиддин Беҳзод ўз суратларига “амал ул-абд” деб имзо қўйган. Қўлёзма китобларнинг муқоваларини тайёрлаган саҳҳофлар муқова тамғаси ичига туширилган ёзувда кўпинча ўз номларини айтиб ўтадилар. Масалан: “амали Абдуллоҳ саҳҳоф” (саҳҳоф Абдуллоҳнинг иши), “амали Абдулқаҳҳор саҳҳоф” (саҳҳоф Абдулқаҳҳорнинг иши).

Амали абд, амал ул-абд — қ. Амал.

Амин — Туркистон рус мустамлакаси даврида каттароқ қишлоқнинг оқсоқоли ёки бир неча кичик қишлоқ оқсоқоларининг бошлиғи.

Амир — буйруқ берувчи, амр-фармон беруви, лашкарбоши, ҳоким. Дастлаб Араб халифалиги томонидан фатҳ этилган мамлакатларга тайинланган ҳокимларга берилган унвон. Кейинчалик Ўрта Осиё давлатчилиги тарихида сомонийлар, темурийлар (Амир Темурдан бошлаб) ва манғитийлар (Бухоро амирлиги) сулолаларидан бўлган ҳукмдорлар келиб чиқиш жиҳатидан подшоҳ, хон авлодларидан бўлмаганликлари учун ўзларини “амир” деб атаганлар. Амир Темур ўз фаолиятининг дастлабки йилларида амирлик рутбасига жуда катта эътибор берди. У бир йўла ўзи билан бирга бўлган 313 кишига амир унвонини берган. Улардан 100 таси ўнбоши, 100 таси юзбоши, 100 таси мингбоши, 4 таси беклар беги, 1 таси амир ул-умаро бўлган. Қолган 8 киши саройда хизмат қилувчи мансабдорлар эди. Булардан бошқа яна 12 кишига “биринчи даражали амир”, “иккинчи даражали амир”, “учинчи даражали амир”, ... “ўн иккинчи даражали амир” деган унвонлар ҳам берилган. Амирлик унвони Амир Темур вафотидан кейин ҳукмдорлик қилган темурийлар даврида ҳам давом этди. Айниқса, Ҳусайн Бойқаро давлатида бу унвон олий ҳукмдор томонидан давлатнинг идоравий ишларини бошқаришда алоҳида хизмат кўрсатган кишиларга берилган. Амирлик унвонига сазовор бўлган кишининг хизмат ваколати вазирликдан юқори бўлган ва у мавқеъ жиҳатдан олий ҳукмдор (подшоҳ, хон)га яқин турган. 1472

йилда Ҳусайн Боқаро Алишер Навоийга ҳам амирлик унвонини беради. Навоийнинг бу унвонга сазовор бўлиши унинг Ҳусайн Бойқаро давлатини бошқаришдаги иштироки ва мавқеъини белгилашда алоҳида аҳамиятга эга. Навоий замондошлари, хусусан, Хондамир ўз асарларида шоирни “олийҳазрат амир”, “фазилатшиор амир”, “амири кабир” (улуғ амир) деб сифатлайди. Жуда кўп тарихий манбаларда Навоий номининг олдидан амир сўзи қўшилиб келиши билан бирга баъзан “мир” шаклида ҳам келади. Академик В.В.Бартольднинг таъкидлашича, ана шу “мир” сўзи икки маънога эга. Биринчидан, “мир” — шоирга расмий равишда берилган амир унвони (“амир” сўзи)нинг қисқарган шаклидир. Иккинчидан, Навоий номи олдидаги “мир” унинг амирлар наслидан бўлганлигига ишорадир, яъни Навоийнинг бобоси Абу Саид Чанг Ҳусайн Бойқаронинг бобоси Султон Бойқаро девонида бош амир бўлганлигига асосланилади. Демак, Навоий расмий амирлик (1472 йил) ва ҳатто муҳрдорлик (1469 йил) лавозимларига таъйинланмасдан аввал ҳам амир (ёки мир) унвони билан иш юритган. Ҳусайн Бойқаро даврида давлатни бошқаришнинг олий идораси — Девони Олий ёки Девони Аъло бўлган. Девони Олий қошида бир неча девонлар иш юритган бўлиб, улардан энг нуфузлиси “Девони умаро” (Амирлар девони) деб юритилган. Навоий ана шу Амирлар девонининг бузурги, яъни улуғ амири этиб тайинланган. Темурийлар даврида “амир” сўзи ўрнида ўзбекча “бек”, Амирлар девонининг бошлиғи “амири кабир”, “амири бузург” иборалари ўрнида “улуғ бек” ёки “девонбеги” сўзлари ҳам ишлатилган. Бунинг яққол далили Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”да ёзилган қуйидаги сўзларидир: “Алишербек бошлиқ жамъи беклар...” Бу жумлада Бобур Навоийни амирлар, беклар бошлиғи, бузург бек ёки улуғ бек — беклар беги бўлганини алоҳида таъкидлайди. Алишер Навоий Девони Олийда девонбеги, яъни улуғ амир (“амири кабир”) лавозимида фаолият кўрсатган вақтида ҳукмдор Ҳусайн Бойқародан кейин турувчи, зарурат тақозо қилганда ҳукмдор номидан бутун мамлакатни ҳар жиҳатдан (ҳарбий, сиёсий ва

молиявий) бошқаришда олий ваколат ва имтиёзга эга бўлган мансабдор шахс ҳам ҳисобланган.

Амири бузург, амири кабир — қ. амир.

Амирзода — амирнинг ўгли, шаҳзода. Амирзода сўзининг қисқарган шакли: Мирзо (қ.).

Амир ул-муслимин — қ. Амир ул-муъминин.

Амир ул-муъминин — муъминлар амири, ҳукмдори; энг олий диний бошлиқ. Илк ислом даврида араб халифаларининг унвони. Бу унвонни кейинги даврларда айрим мусулмон мамлакатларининг ҳукмдорлари ҳам олганлар. Чунончи, 1818 йилда Қўқон хони Умархон ўзини “Амир ул-муъминин” деб эълон қилган.

Амир ул-умаро — амирлар амири, улуг амир. Давлат девонидаги энг юқори лавозим.

Амир уш-шуаро — 1. Малик уш-шуаро (қ.). 2. Сарой шоирларининг бошлиғи.

Амон — қ. тумор.

Амр — буйруқ, фармон.

Амр-фармон, амру фармон — буйруқ; буйруқлар, фармонлар.

Амри маъруф — яхшиликка буюриш, Аллоҳ таъоло томонидан бандаларга буюрилган ва қилиниши зарур бўлган амалларга Қуръони Карим оятлари ҳамда пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом ҳадиси шарифларига асосланган ҳолда даъват қилиш.

Амсол (б. масал) — 1. Масаллар. қ. масал. 2. Ўрта аср Шарқида илми адабнинг қисмларидан бири (илми амсол). Халқ оғзаки ижодидаги мақол, матал, масал, ҳикматли сўзлар; ахлоқий ва таълимий ҳикоятлар ҳақида баҳс юритади.

Анбар — хушбўй нарсалар аралашмасидан тайёрланган модда, абир. Анбар қўлёмаларнинг унвон ва лавҳаларига, зарварақларига, айрим ҳолларда китобнинг ҳамма варақларига сепилган. Бундай китоблар мутолаа вақтида китобхонга хушбўй ифторлар таратиб, ёқимли кайфият уйғотган.

Анбарафшон — анбар таратувчи китоб саҳифалари.

Анбарбез — анбар сочилган, хушбўй.

Анбарбор — анбар сочувчи, хушбўйлик таратувчи.

Анбарбуй — анбар ҳидли, хушбўй.

Анбарин — 1. Анбар ҳидли, анбар аралашган. 2. Хатни ниҳоятда нозик ва нафис санъат билан битган машҳур хаттотларга берилган унвон. Анбарин сўзи шу унвонга сазовор бўлган хаттот исмига қўшиб айтилган. Масалан, XVI асрда Бухорода етишган машҳур хаттот Маҳмуд Шаҳобий мазкур унвон билан Анбарин Маҳмуд Шаҳобий деб юритилган, кўчирган қўлёзмаларига ҳам шундай имзо чеккан.

Анбаросо — анбар ҳидли, хуш исли.

Анбиёйи мурсалин — китоб олган пайгамбарлар: Қуръони каримни олган Муҳаммад алайҳиссалом, Инжил олган Исо алайҳиссалом, Таврот олган Мусо алайҳиссалом, Забур олган Довуд алайҳиссалом.

Анбиёлар китоби — қ. Муқаддас китоблар.

Андалусий, хатти андалусий — араб ёзувининг Испанияда IX–XV асрларда шаклланган ва қўлланган услуби. Шу даврларда араб ёзуви испан тилига ҳам татбиқ этилган. Араб ёзуви билан испан тилида кўчирилган қўлёзмалар сақланиб қолган.

Ансоб (б. насаб) — насаблар. қ. насаб.

Ансоб ус-салотин — султонларнинг насаблари; бир сулоладан, бир хонадондан чиқиб ҳукмдорлик қилган султонларнинг насаблари, авлодлари.

Аннотация — қ. изоҳ.

Антология — қ. тазкира.

Ануштегинлар — Қадимги ва Ўрта аср Хоразм тарихида Хоразмшоҳлар унвони билан юритиладиган тўртинчи сулоланинг номи. Бу сулолага 1077 йилда Ануштегин асос солган. XIII асрнинг 20-йилларида Хоразмга бостириб келган Чингизийлар билан Алоуддин Муҳаммаднинг ўғли Жалолиддин Мангубердининг олиб борган мислсиз курашлари натижасида 1231 йилда Хоразмшоҳлар сулоласи тугайди. Ануштегинларнинг пойтахти кўҳна Урганч эди. Давлат тили араб тили ва эски туркий тил бўлган.

Араб ёзуви — арабларнинг ва араб бўлмаган кўпгина шарқ халқларининг тиллари учун қўлланиб келган ва қўлланаётган ҳарф-товушли ёзув. Араб ёзуви қадимги финикий ёзувининг оромий тармоғидан келиб чиққан.

Милоднинг III–IV асарларида шаклланиб, араб тилининг ифодаси учун қўллана бошлади ва араб ёзуви номини олди. Ўнгдан чапга қараб ёзилади ва ўқилади. Оромий алифбосида 22 та ҳарф бўлган. Араблар бу алифбога 6 та янги товуш ҳарф (ث, خ, ذ, ض, ظ, غ) қўшиб, 28 тага етказганлар. (Бу 6 та ҳарф абжаднинг 7 ва 8 сўзларини ташкил қилган: саҳаз, зазағ). Ҳарфлар сўз бошида, сўз ўртасида, сўз охирида ва алоҳида ҳолда ёзилиш шакллариغا эга. (Олтита ҳарф фақат икки шаклга эга. Улар ا (алиф), د (дол), ذ (зол), ر (ре), ز (зе), و (вов) бўлиб, сўз бошида ва сўз ўртасида қўшилиб ёзилмайди). Араб ёзувидаги 28 та ҳарфдан 18 таси мустақил график белгисига эга. Бошқа ҳарфлар устига ёки тагига қўйилган нуқталарнинг сонига қараб фарқланадилар. Масалан, ب белгиси ҳеч бир товуш-ҳарфни англатмайди. Агар шу белгининг тагига бир нуқта қўйилса, (بـ) “бе”ни; устига икки нуқта қўйилса, (بٓ) “те”ни; устига уч нуқта қўйилса, (بٓٓ) “се”ни билдиради. Араб алифбосидаги ҳарфларнинг деярли ҳаммаси ундош товушларни, фақат учтаси — ا (алиф), و (вов), ى (йо) унли товушни билдириб келади. (“Вов” ва “йо” ҳам унли, ҳам ундош вазифасини бажаради). Бу ёзувда унлиларни ифода қилиш учун ҳарфларнинг ост-устига қўйиладиган ҳаракатлар (қ.)дан фойдаланилади. Бироқ араб ёзувида унлиларга ишора қўйилмаса ҳам, сўзлар сарфу наҳв қоидаларига кўра мазмунга мослаб ўқилаверади. Эски ўзбек алифбоси араб ёзуви асосига қурилди. Ўзбек халқининг тарихида бир минг уч юз йил давомида яратилган барча адабий ва илмий манбалар араб ёзувида битилди. Сақланиб қолган далилларга кўра, Ўрта Осиё ҳудудида араб ёзувида битилган илк ҳужжат Панжикент ҳукмдори Диваштичнинг Араб ҳалифалигининг Хуросондаги ноиб Амир ал-Жарроҳ номига 719 йилда ёзган мактубидир. Бу ҳужжат 1933 йилда Муғ қалъасидаги суғд ҳужжатлари билан биргаликда топилди. Араб ёзуви Ўрта Осиёда кўп асрлик қўлланиш тарихи жараёнида юксак санъат даражасига кўтарилди, бу ёзувнинг кўплаб хат (ёзилиш) услублари пайдо бўлди, буюк ихтирочи ва санъаткор хаттотлар етишиб чиқди; хат таълими назарияси ва

амалиётига оид қатор илмий рисолалар яратилди, бир неча хаттотлик мактаблари шакланди.

Араб ёзувининг асосий услублари — араб ёзувининг VII асрдан XIV асргача шакланган ва машҳур назариётчи хаттотлар томонидан эътироф этилган “кўфий”, “сулс”, “насх”, “муҳаққақ”, “райҳоний”, “тавқий”, “риқоъ” деб аталган етти услуби. Айрим хаттотлар бу рўйхатда биринчи ўринда турган кўфийни асосий услублар қаторига киритмайдилар. Чунки кейинги олти услуб кўфийдан ўсиб чиқиб шакланган, деб ҳисоблайдилар. XIV аср охирларида пайдо бўлган “настаълик” ва XVIII асрда пайдо бўлган “шикаста” хатларини ҳам баъзи хаттотлар араб ёзувининг асосий услубларига қўшадилар.

Араб ёзувининг жуғрофий услублари — ислом дини ва араб тилининг VII аср иккинчи ярмидан бошлаб Яқин ва Ўрта Шарқдаги кўп ўлкаларга, кейинроқ эса Африка, жанубий Европа ва Осиёдаги кўп жойларга тарқалиши натижасида араб ёзуви ҳам улар билан биргаликда кириб борди. Оқибатда араб ёзуви ўша ўлкалардаги халқлар томонидан ўзлаштирилди ва маҳаллий тилларга мослаштирилган ҳолда қўлланила бошлади. Вақт ўтиб, араб ёзувининг жуғрофий жиҳатдан турли маҳаллий услублари пайдо бўлди ва улар шу ўлкаларнинг номлари билан атала бошлади. Масалан: Шимолий Африкада “хатти мағрибий”, Испанияда “хатти андалусий”, Ҳиндистонда “хатти кашмирий”, Шарқий Туркистонда “хатти уйғурий” ва бошқалар.

Араб ёзувининг манзарали услублари — араб ёзуви пайдо бўлгандан буён хат-савод чиқариш, ўқиш ва ёзишда маъно ташиш вазифасидан ташқари кишиларга бадий завқ бериш, тасвирий воситалар сифатида иморатлар, деворлар, мато ва амалий санъат буюмларига турли безаклар туширишда, манзаралар ҳосил қилишда фойдаланилган. Ушбу луғат давомида араб ёзувининг ўнлаб манзарали услублари ва уларнинг қандай вазифаларни бажаришда қўлланганлиги ҳақида тўхталиб ўтилади.

Араб изофаси — араб тилида ҳам форс тилидаги каби изофа мавжуд. Ал ال араб изофасининг кўрсаткичи ҳисобланади. Араб изофасида ҳам худди форс изофасида бўлгани каби аниқланмиш аввал, аниқловчи кейин келади. Араб изофасининг кўрсаткичи ال ёзувда ҳамма вақт берилади, лекин талаффузда ҳар доим ҳам бир хил айтилмайди. Ал ال нинг қандай талаффуз этилиши ундан кейин келадиган аниқловчи сўзнинг биринчи ҳарфи қандай ҳарф бўлишига боғлиқдир. Шунга кўра араб алифбосидаги 28 ҳарфнинг 14 таси қуёш ҳарфлари (حروف الشمسية), қолган 14 таси эса ой ҳарфлари (حروف القمرية) деб аталади.

Агар аниқловчи сўзнинг биринчи ҳарфи (товуши) қуёш ҳарфи (ҳарф уш-шамс) бўлса, ال даги ل талаффуз этилмай, ундан кейинги ҳарф ташдид билан (иккилантирилиб) ўқилади. Масалан: لسان الطير бирикмаси “Лисон ал-тайр” деб ёзилган, лекин “Лисон ут-тайр” деб ўқиш керак. Чунки аниқловчи сўз — طير “тайр”нинг биринчи ҳарфи ط “т” қуёш ҳарфи бўлгани учун ташдид билан “Лисон ут-тайр” деб ўқилади. Қуйидаги мисолларда эса аксинча: غرايب الصغر да ص “с” бўлгани учун “Ғаройиб ус-сигар” деб, نواذر الشباب да ش “ш” бўлгани учун “Наводир уш-шабоб” деб, مجالس النفايس да ن “н” бўлгани учун “Мажолис ун-нафоис” деб, لغت الترك да ت “т” бўлгани учун “Луғат ут-турк” деб ўқилади ва ҳоказо.

Агар аниқловчи сўзнинг биринчи ҳарфи ой ҳарфи (ҳарф ул-қамар) бўлса, ال изофа кўрсаткичи “ул” тарзида талаффуз этилади. Масалан: محبوب القلوب бирикмаси “Маҳбуб ал-қулуб” деб ёзилган. Биз буни “Маҳбуб ул-қулуб” деб ўқиймиз. Чунки аниқловчи сўз قلوب “қулуб”нинг биринчи ҳарфи ق “қ” ой ҳарфидир. Яна шунингдек, بدايع الوسط да و “в” бўлгани учун, “Бадойиъ ул-васат” деб, فوايد الكبر، да ك “к” бўлгани учун “Фавойид ул-кибар” деб، خزائن المعانى، да م “м” бўлгани учун “Хазойин ул-маоний” деб ўқилади ва ҳоказо.

“Ал” артикли бирикмаларда фақат изофа вазифасида эмас, балки аниқлик белгиси сифатида сўз бошида ҳам келади. Бундай анъанавий сўзлар ва тарихий номларда

“ал” ўзидан кейинги ҳарф (товуш) қандай бўлиши (“ҳарф уш-шамс” ё “ҳарф ул-қамар”)га қараб талаффуз этилади. Мана бу сўзлар “ҳарф уш-шамс” билан бошланган: السلام ассалом, الرازى ар-Розий, الشاشى аш-Шоший, السمرقندى ас-Самарқандий, الطبرى ат-Табарий каби. Мана бу сўзлар “ҳарф ул-қамар” билан бошланган: الوداع алвидо, الجبر алжабр, الخوارزمى ал-Хоразмий, الفرابى ал-Фаробий, البيرونى ал-Беруний, الكندى ал-Киндий каби.

Араб сатр усти белгиларидан васла ال “ал” олд қўшимча келганда ҳам, бирикма ўртасида изофа вазифасида келганда ҳам “алиф”ни “лом”га қўшиб ўқиш учун алиф устига آл шаклида қўйилиши мумкин. Бироқ айрим грамматик ҳолатлардагина бу қоидага амал қилинади, холос. Ёзувда эса, кўпинча, васла тушиб қолади ва алифнинг ўзи ёзилиб, васла борлигига (яъни қўшиб ўқиш лозимлигига) ишора қилади.

Араб рақамлари — ҳозирги вақтда сонни ифодалайдиган ўнта математик белги (0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9)нинг номи. Бу рақамларнинг тимсоллари милоднинг V асрларида Ҳиндистонда юзага келди ва улар араб рақамларига асос бўлди. Араб рақамларининг ишлатилиши ва жаҳонга тарқалишида Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг буюк ҳиссаси бор. Муҳаммад Хоразмий Ҳиндистонда кашф этилган ўн рақамдан иборат позицион сонларни ўрганиб, содалаштиради ва биринчи марта араб тилида баён қилади. Хоразмийнинг “Арифметика” асари орқали ҳинд рақамлари Яқин ва Ўрта Шарқда “Араб рақамлари” номи билан машҳур бўлиб кетди. Хоразмийнинг “Арифметика” асари эса арабчадан лотинчага таржима қилиниб, X асрда Испанияга, XII асрда Оврўпанинг кўп мамлакатларига тарқалди. Хоразмий асарининг арабчаси Шарқ мамлакатларида, лотинча таржимаси эса Оврўпада ёйилиши билан араб рақамлари икки турли — Шарқий ва Ғарбий рақамлардан иборат бўлиб қолди. Шарқий араб рақамлари барча араб мамлакатларида, Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиёда қўлланади. Оврўпада IX–X асрлардан бошлаб Ғарбий рақамлар тарқалди. Ўрта Осиёнинг амалий ҳаёти ва ёзма манбаларида Шарқий

араб рақамлари қўлланиб келинди. Уларнинг шакллари қуйидагича: ١ (1), ٢ (2), ٣ (3), ٤ (4), ٥ (5), ٦ (6), ٧ (7), ٨ (8), ٩ (9), ٠ (0). Котиблар қўлёзмани кўчириб тугатгандан сўнг асар ёки китобнинг охирига سنة – сана сўзини ёзиб, унинг устига юқоридаги рақамлардан фойдаланиб, йилни кўрсатганлар. Араб рақамларининг губор шакли XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёга кириб келди. Улар ҳозир биз қўллайдиган шаклдадир: 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 0. Бу рақамлар ҳам олдинги рақамлар билан бир қаторда XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб амалий ҳаётда, баъзи расмий ҳужжатлар ва қўлёзмаларда ишлатила бошлади.

Араб тили — Ўрта Осиёга VII аср ўрталарида, аниқроғи, араблар милодий 651 йилда Марв шаҳрини истило қилганларида араб ёзуви билан бирга кириб келди. Ҳижрий 81 (милодий 700–701) йилда араб тили Ўрта Осиёда давлат тили деб эълон қилинди. Шундан кейин халифаликнинг таркибий қисми бўлган Хуросон ноиблигида (Ўрта Осиё халифалик таркибида шундай деб юритилар эди) хўжалик ва ҳисоб-китоб ишлари секин-аста араб тилида олиб борила бошлади. VIII асрнинг ўрталарида араб тили Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг ҳамма ерида маъмурий тил сифатида тарқалди.

Араб халифалигининг мустаҳкамланиши ва исломнинг кенг ёйилиши билан араб тили фақат давлат бошқарув ишларидагина эмас, балки ижтимоий ва маданий ҳаётнинг турли соҳаларига ҳам кириб бораверди. Эрон, Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги маҳаллий зодагонлар ҳам ўзларининг имтиёзли шарт-шароитларини сақлаб қолиш ва араб халифалигининг амалдорларига тенглашиш мақсадида араб тилини ўргандилар, хат-савод, ўқув ишларида, ёзув адабиётида араб тилини жорий қилишга интилдилар. VIII–XI асрларда Ўрта Осиёда араб тили илмий ва адабий тил даражасига кўтарилди. Ана шу даврда турли фан соҳалари бўйича етишган илоҳиёт олимлари, фақиҳлар, риёзиюнлар, мунажжимлар, тилшунослар, тарихчилар, табиб ва бошқалар ўз

асарларини араб тилида ёздилар. Буларга Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий (783–850), ал-Фаргоний (IX аср), Абу Наср Фаробий (X аср), Маҳмуд Кошғарий (XI аср), ас-Саолибий (961–1038), Наршахий (X аср), ат-Табарий (X аср), Ибн Хурдодбеҳ (820–912), Ибн Руста (IX–X асарлар), ал-Истахрий (X аср) ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Улуғ қомусшунос Абу Райҳон Беруний бир қанча маҳаллий ва хорижий тилларни билишига қарамай, ҳамма асарларини араб тилида ёзди. Унинг замондоши, буюк ҳаким Ибн Сино ҳам энг асосий илмий асарларини араб тилида яратди.

IX–X асрларда араб тили фақат давлат ва фан тили бўлиб қолмай, бадиий адабиётда ҳам (асосан, шеърятда) ҳукмрон тил бўлиб қолди. Хусусан, X асрда Сомонийлар пойтахти бўлмиш Бухорода ва Сомонийлар ҳукмронлик қилган Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларида (Самарқанд, Хоразм, Шош ва бошқа жойларда) араб тилидаги шеърят тараққий топди. Араб тилида ижод қилган шоирларнинг бир қисми маҳаллий халқлар орасидан етишган ижодкорлар бўлса, бир қисми араб мамлакатларидан турли сабаблар билан Ўрта Осиё шаҳарларига келиб, яшаб ижод этган шоирлардир. Бу даврга мансуб араб тилида ёзилган шеърятни ўрганишда ўз даврининг йирик олими Абу Мансур ас-Саолибийнинг “Ятимат ад-даҳр фи маҳосин аҳл ал-аср” (Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси) номли тазкираси катта аҳамиятга эга. Ас-Саолибий тазкиранинг тўртинчи қисмида Сомонийлар ҳукмронлиги бошланишидан Ғазнавийлар давлати бошларигача Хуросон ва Мовароуннаҳрда яшаган ҳамда турли ўлкалардан Бухорога келиб, истиқомат қилган арабийнавис шоирлар ҳақида маълумот беради, уларнинг асарларидан намуналар келтиради.

Араб тили IX–X асарларда Хуросон ва Мовароуннаҳрда дин, давлат, фан ва адабиёт тили сифатида муҳим роль ўйнаган бўлса ҳам, мамлакат аҳолисининг асосий қисмини ташкил қилган қишлоқ ва шаҳар халқининг тил тараққиётига салбий таъсир ўтказа олмади. Маҳаллий аҳоли ўзининг тил анъаналарини сақлаб қолди ва кўплаб оғзаки ижод асарлари яратишни давом эттирди.

Сомонийлар даврида форс-тожик тилининг секин-аста давлат тилига айланиши билан бу тилдаги адабиётнинг ҳам гуркираб ўсишига қулай шароит туғилди. Бир оз кейинроқ, X–XII асарларда эски туркий тилнинг узил-кесил шаклланиши билан бу тилдаги ёзма адабиёт ҳам юзага келдики, унинг шу даврдаги ёдгорликлари — Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий ва Аҳмад Юғнакий каби буюк ижодкорларнинг асарлари барча туркий халқлар учун муштарак мерос сифатида қаралади.

Ўрта Осиёда араб тилида бадиий асарлар яратиш X–XI асрлардан сўнг мутлақо тўхтаб қолмади. Бу ҳодиса адабиёт тарихида маълум анъана ҳолига кириб, давом этди. Кейинги асрларда, ҳатто XX аср бошларида ҳам ўзбек ва тожик адабиёти баъзи намояндаларининг араб тилида ёзган шеърлари сийрак бўлса-да, қўлёзма манбаларда учраб туради.

Араб қўлёзмалари — араб халқларининг араб тилида ва араб тилидан фойдаланган бошқа халқларнинг яратган ёзма манбалари, араб ёзувидан фойдаланган Шарқдаги жуда кўп халқлар (ўзбек, озарбайжон, турк, туркман, қозоқ, қорақалпоқ, уйғур, форс, тожик, афгон, курд, урду, синдхи ва бошқалар)нинг ўз она тилларидаги ёзма манбалари. Қайси тилда бўлишидан қатъий назар Осиё, Шимолий Африка ва қисман Шарқий Оврупада араб ёзуви билан битилган, кўчирилган ҳамма ёзма манбалар “Шарқ қўлёзмалари” деган умумий ном билан ҳам юритилади.

Арабиёт — араб тили ва адабиёти билан алоқадор ҳамма илмлар мажмуи.

Арабийнавис — араб тилида бадиий ёки илмий асар яратувчи шоир, адиб, олим.

Арабшунослик — ҳозирги замон шарқшунослик фанларининг энг катта ва узвий бўлимларидан бири. Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихи давомида араб тилида ёзилган ҳамма манбаларини ўрганиш; ўзбек халқининг тарихи, фани, адабиёти ва дипломатияси билан алоқада бўлиб, бошқа халқлар томонидан араб тилида ёзилган ҳар қандай манбаларни излаш, аниқлаш, қўлга киритиш, давлат хазинасига айлантириш, дастлабки тартибга солиш,

тасниф этиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш; изоҳ, шарҳ ва лугатлар билан ўзбек тили ва бошқа тилларга таржима қилиш, нашр этиш, оммалаштириш, кундалик маънавий ва сиёсий ҳаётимизда амалда татбиқ этиш билан шуғулланади. Ўзбекистондаги барча шарқшунослик илмий муассасаларида арабшунослик билан жиддий шуғулланилади. Ўзбекистон арабшунослари Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарининг олти китобини, Абу Райҳон Беруний “Танланган асарлар”ининг етти жилдини ўзбек ва рус тилларига таржима қилиб, нашр этишда жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Шунингдек, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Бакр ар-Розий, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Мирзо Улуғбек ва бошқа кўплаб арабийнавис олимларнинг асарлари ҳам ўзбек ва рус тилларига ўтирилди.

Арасту — қадимги юнон файласуфи Аристотелнинг Шарқдаги номи. Милоддан аввалги 384–322 йилларда яшаган.

Арбаййн Ҳадис — қ. Чихл ҳадис.

“Аржанг” — Монийлик динининг асосчиси, машҳур рассом ва наққош Моний ибн Фатак (216–276) томонидан сосоний подшоҳ Шопур I (239–272) замонида яратилган китобнинг номи. Бу китоб “Артанг” ва “Арсанг” номлари билан ҳам юритилади. Ривоятларга қараганда, “Аржанг” китоби бошдан-оёқ суратлар билан зийнатланган экан. Шунинг учун Шарқ тасвирий санъатида ўта нафис суратлар тўплами “Аржанг”га, фавқулодда истеъдодли рассомлар Монийга рамзий қиёс қилинади.

Арза — қ. ариза.

Арзадошт — 1. Арз, шикоят ёки илтимос баён қилиш. 2. Ёзма равишда ариза тутиш. 3. Мактуб.

Арзачи — қ. аризачи 1, 2.

Арзбеги — подшоҳ ҳузурига арз-дод билан келувчилар ҳақида, шунингдек, мамлакатнинг умумий аҳволи, жойларда олий ҳукмдор фармон ва буйруқларининг бажарилиши қандай бораётганлиги ҳақида вақти-вақти билан подшоҳга арз қилиб, ҳисобот бериб турувчи мансабдор.

Арзий кутуб — қ. кутуби арзий.

Арзнома — қ. ариза.

Аризнавис — кишиларга қалам ҳақи бадалига ариза ёзиб беришни касб қилиб олган мирза.

Аризачи — 1. Ариза берувчи, ариза берган киши. 2. Аризнавис (қ.). 3. Фуқаролардан тушган аризаларни ўзидан юқори амалдорга маълум қилиб турувчи мансабдор шахс.

Аризачўп — узунчоқ, ичи ковак, ёғочдан чиройли қилиб ишланган ғилоф. Сиртига нақшлар бериб зийнатланган. Илгари аризалар узоқ масофаларга шундай аризачўп ичига солиниб, чопарлар орқали жўнатилган.

Аркон (б. рукн) — устунлар, суянчиқлар, таянчлар.

Аркон ул-ислом — исломнинг беш таянчи: иймон, намоз, рўза, закот ва ҳаж.

Аркини давлат — давлатнинг олий ҳукмдорига энг яқин кишилар: Амирлар, вазирлар, уламолар.

Аркини ҳарб — давлатнинг ҳарбий ва мудофаа салоҳиятини уюштирувчи лашкарбошилар, қўшин бошлиқлари.

Аруз I — Яқин ва Урта Шарқ халқлари адабиётида шеър вазнлари, ўлчовлари ҳақидаги илм. Адаб илмлари таснифига киради. Аруз, даставвал, араб адабиётида юзага келди. Уни “арузи арабий” ёки “арузи тозий” деб юритилган. Аруз кейинроқ эроний ҳамда туркий тилли халқлар шеърлятига ҳам кириб борди ва мустақкам ўрин олди. Ҳар бир халқ арузга ўз тилининг миллий хусусиятларини акс эттирувчи ўзгаришлар киритди. Натижада, ўз фонетик қоидаларига эга бўлган арузи форсий (форс-тожик арузи), арузи туркий (ўзбек, озарбайжон, турк, туркман, уйғур ва бошқа туркий халқлар арузи) ташкил топди. Аруз илмининг тараққиётида Халил ибн Аҳмад, Шамс Қайс Розий, Рашидуддин Ватвот, Хожа Насриддин Тусий, Салмон Соважий, Дарвеш Мансур, Абдураҳмон Жомий рисоаларининг хизмати катта бўлди. Арузи туркий, айниқса, ўзбек арузининг ривожланиши ва камол топишида Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Аруз рисоласи” асарлари муҳим аҳамият касб этди. Аруз анъаналари ҳозирги замон ўзбек шеърлятида ҳам муваффақиятли давом этмоқда.

Аруз II — аруз вазнида ёзилган ҳар қандай шеърнинг ёки катта ҳажмли шеърининг асарнинг биринчи мисраси охириги рукнининг номи. Мисрадаги шу рукн ўқилгандан сўнггина шеърнинг қайси баҳр ҳамда вазн асосида яратилганлиги маълум бўлади.

Аруз доиралари — қ. доира.

Археография — тарих ва филология фанларининг фақат ёзма манбалар билан иш кўрувчи ёрдамчи соҳаси (тармоғи). Археография қўлёзма китоблар, ҳужжатлар, васиқалар, иншо ва ёзишмалар, умуман, ёзма манбаларни аниқлаш, қидириш, қўлга киритиш, тўплаш, тартибга солиш, ўрганиш, нашр этишнинг назарий ва амалий масалалари билан шугулланади. Шунинг учун археография тарих, филология, манбашунослик, матншунослик, дипломатия, архившунослик, китобшунослик каби фанлар билан узвий боғланган. Ёзма манбаларнинг хили, ҳажми, даври, тили ва нимага (қоғоз, тери, пўстлоқ, ёғоч ва бошқаларга) ёзилганлигидан қатъий назар, уларнинг ҳаммаси археография намуналари ёки археографик материал ҳисобланади. Археографик материаллар археографик экспедициялар ўтказиш орқали тўпланади. Археографик материалларни тўплаш ишлари илмий текшириш институтларида, архив ва музейларда амалга оширилади. Ўзбекистонда археография ишлари яхши йўлга қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик ва Қўлёзмалар институтларида археография бўйича катта ишлар қилинган. Мазкур институтларнинг қўлёзма хазиналарида ўзбек халқи ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқлар томонидан қарийб минг йил давомида яратилган ёзма манбалар тўпланган ва мунтазам равишда тўплаб борилмоқда.

Археология — қ. қадимшунослик.

Аршакийлар — аршакийлар мил. ав. 250 йилдан милодий 224-йилгача мавжуд бўлган Нарфия давлатини бошқарган сулола. Бу давлатга Каспий денгизининг жануби-шарқий қисмида яшаган Дай қабиласининг бошлиғи Аршак асос солган. Унга шарқий Эрон ва Ғарбий Туркменистон ерлари тобе бўлган.

Аршакийлар давлатининг пойтахти ҳозирги Ашхабод шаҳридан 18 км шимоли-ғарбда жойлашган Нисо шаҳри

булган. Давлат тили сифатида Парфиёний тилидан фойдаланилган. Аршакийлар давлати милодий III асрнинг 30-йилларида Сосонийлар давлатига қўшиб олинган.

Аршимидус — қадимги юнон риёзиёт олими Архимеднинг Шарқдаги номи. Милоддан аввалги 287–212 йилларда яшаган.

Архив — қ. ҳужжат.

Арқом (б. рақам) — 1. Рақамлар, сонлар, қ. араб рақамлари. 2. Ёзувлар, матнлар, қ. рақам.

Аргу — қадимги туркий тилда “ҳуқуқ”, “ҳукм” маъносини англатади.

Асад — шамсия йил ҳисобида бешинчи ойнинг номи, кунлар миқдори 31 кун. Милодий йил ҳисобида 23 июлдан 22 августгача бўлган кунларни ўз ичига олади.

Асар — ёзувчи, шоир, олим, рассом, бастакор, умуман, ҳар қандай ижодкорнинг яратган маҳсулоти. Асар кичик ё катта ҳажмда бўлишидан қатъий назар унда ижодкорнинг мақсад ва фикри муайян тарзда гавдаланади. Маълум бир асар фақат бир нусхада бўлиши ҳам, бир даврнинг ўзида ёки турли даврларда кўчирилган ўнлаб, юзлаб нусхаларга эга бўлиши ҳам мумкин. Барибир шу нусхаларнинг ҳаммаси бир асар ҳисобланади. Масалан, Алишер Навоий яратган 30 асарнинг жаҳон хазиналари бўйича ҳозиргача 1000 дан зиёд қўлёзма нусхалари мавжудлиги маълум.

Асарлар номи бўйича курсаткич — қ. феҳраст.

Асарнинг асосий номи — бир асарга муаллифнинг ўзи томонидан қўйилган ва илмда машҳур бўлиб кетган ном. Айрим асарлар яратилган вақтда унга ўз даврининг кишилари турлича ном беришлари ҳам мумкин. Масалан, XI асрда Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарини ёзиб тугатганда ўша даврнинг турли табақалари “Адаб ул-мулук”, “Ойин ул-мамлакат”, “Зийнат ул-умаро”, “Шоҳномаи туркий”, “Пандномаи мулук” деган номларни ҳам берган эканлар. Бироқ асар кейинчалик муаллифнинг ўзи қўйган “Қутадғу билиг” номи билан юритилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тарихий-адабий, мемуар асари ҳам ёзилган вақтида “Воқеоти Бобурий”, “Воқеотнома”, “Бобурия” номлари билан юритилган. Кейинчалик эса асар “Бобурнома” номи билан шухрат қозонган.

Асарнинг шартли номи — ўтмишда яшаган олимларнинг номланиши бир неча сўздан иборат бўлган асарлари мазмунидан келиб чиқиб, шартли, қисқа ном билан юритилиши. Асарни қисқа, ихчам шартли ном билан аташ кўпроқ илмий адабиётларда кузатилади. Масалан, Абу Райҳон Берунийнинг бир неча асарлари фан оламида қуйидаги шартли номлар билан машҳурдир: “Хронология” (“Ал-осор ул-боқия анил қурун ул-ҳолия” — Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар), “Ҳиндистон” (“Таҳқиқ моли-л-ҳинд маъқула мақбул фил-ақл ав марзула” — Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби), “Геодезия” (“Таҳдид ниҳоёт ул-амокин ли тасҳиҳ масофат ул-масокин” — Турар жойлар орасидаги масофани текшириш учун жойларнинг чегараларини аниқлаш), “Минералогия” (“Китоб ул-жамоҳир фи маърифат ул-жавоҳир” — Қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар тўплами).

Асарнинг қўшимча номлари — муаллифнинг маълум бир асарига ўзи ёки халқ томонидан берилган қўшимча номлар. Масалан, Алишер Навоий ўз тазкирасини “Мажолис ун-нафоис” деб атаган бўлса ҳам, бошқа асарларида шу тазкирасини “Мажолис” деб тилга олади. Шоир ўзининг тўрт девонини яхлит равишда “Хазойин ул-маоний” (Маънолар хазинаси) деб номлайди. Халқ орасида эса бу асар “Чор девон” (Тўрт девон) номи билан машҳурдир. Абу Али ибн Синонинг табобатга бағишланган қомусий асари “Китоб ал-қонун фит-тибб” деган тўлиқ номга эга. Бироқ бу асар “Ал-Қонун” ёки тўғридан-тўғри “Қонун” деган қўшимча қисқа номлар ҳам олган.

Асарнинг таҳрирлари — муайян бир асарнинг муаллиф томонидан қайта кўриб тузатилган, тўлдирилган, такомиллаштирилган нусхалари (вариантлари). Чунончи, Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкирасини 1491 йилда тузди. Сўнг 1497–1498 йилларда асарни яна қайтадан ишлаб чиқиб, 100 дан ортиқ шоир ҳақида маълумот, кўплаб шеърий парчалар, айрим мажлислар охирига хотималар қўшди. Натижада “Мажолис ун-

нафоис"нинг иккинчи таҳрири юзага келди. Шоирнинг "Муншаот" асари ҳам учта таҳририга эга. Даставвал, 1493–1494 йилларда Навоий ўз мактубларини тўплаб "Муншаот"ни тузди. 1497–1498 йилларда асарни қайта кўриб, унга 18 та янги мактуб қўшди. 1500 йилда эса буюк шоир "Муншаот"ни яна 20 та мактуб билан тўлдирди. Шундай қилиб, "Муншаот" Навоий қалами билан уч таҳрирга эга бўлди.

Асарнинг бошланиши — муаллиф асари асл матнининг бошланиши. Шеърый асарларда биринчи байт, насрий асарларда эса биринчи жумла асарнинг бошланиши ҳисобланади. Айрим қўлёзма асарлар бошланишидан олдин шу асарни кўчирган котиб ёки бошқа кишилар томонидан муқаддима, изоҳ ва қайдлар ёхуд мазкур асарнинг мундарижаси ёзиб қўйилиши мумкин. Баъзан қўлёзмаларнинг бошланишида мазкур қўлёзмани сақлаган кишиларнинг, агар китоб вақф кутубхоналарида бўлган бўлса, мутасаддийларнинг қайدلари ёзиб қўйилиши ҳам учраб туради.

Асарнинг охири — муаллиф асари асл матнининг тугалланмаси. Асарни кўчирган котиб асар матни сўнгида кўчирилиш тарихини ёзиб қўйиши, баъзан асарни кўчиришга буюрган киши ёки ўзи ҳақида шеърый ва насрий лавҳалар битиши ҳам мумкин. Бу тафсилотларнинг ҳеч қайсиси асар матнининг тугалланмасига алоқадор бўлмайди.

Асарнинг таркиби — муайян асар адабиётнинг қайси жанри ёки китобатнинг қайси турига мансублигига қараб унинг таркиби аниқланади. Масалан, маснавий (Шарқ ёзма адабиётида дoston) бўлса, унинг таркиби неча боб ёки мақолат ва неча ҳикоятдан иборатлигига қараб белгиланади. Агар қўлёзма девони бўлса, қандай жанрдаги шеърлардан иборатлиги унинг таркибини ташкил қилади. Чунончи, Алишер Навоийнинг "Ғаройиб ус-сиғар" девони дебоча, 650 ғазал, 1 мустазод, 3 мухаммас, 1 мусаддас, 1 таржиъбанд, 1 маснавий, 50 қитъа, 133 рубоийдан таркиб топган. Баёзларда эса нечта шоир ва ҳар бир шоирдан нечтадан шеър киритилганлиги унинг таркибини белгилайди.

Асарнинг ижодий тарихи ва ўрни — бир асарнинг муаллиф томонидан ижод қилинган вақти (санаси) ва жойи. Масалан, Алишер Навоий ўзининг “Хамса”сини 1483–1485 йиллар давомида Ҳирот шаҳрида ёзиб тугатди. Демак, Навоий “Хамса”сининг ижодий тарихи 1483–1485 йиллар бўлса, ижодий ўрни Ҳирот шаҳри ҳисобланади. Умуман, Навоийнинг ҳамма асарларида ижодий тарих йиллари турлича (1469–1500 йиллар оралиғи) бўлса-да, уларнинг ижодий ўрни, яъни яратилган жойи фақат Ҳирот шаҳри бўлиб қолади.

Асарнинг китобат тарихи ва ўрни — бир асарнинг котиб томонидан кўчирилган вақти (санаси) ва жойи. Чунончи, Алишер Навоий асарлари XV аср охирларида фақат Ҳиротда кўчирилган бўлса, XVI асрдан бошлаб унинг ҳудуди ниҳоятда кенгайиб кетди. XVI–XX асрлар давомида Навоий асарлари Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Миср, Кавказ, Волга бўйи ва бошқа ўлкаларда юзлаб нусхаларда китобат қилинди.

Асл манба — бирор асар ёки матннинг шарҳланмаган, бошқа тилга таржима қилинмаган, таҳрирдан ўтказилмаган (муаллиф — ижодкорнинг ўзи томонидан қилинган тузатиш ва таҳрирлар бундан мустасно) нусхалари. Асл манба фанда биринчи даражали, энг ишончли ҳужжат ҳисобланади.

Асл матн — қ. асл нусха.

Асл нусха — асарнинг ҳозирги давр учун узил-кесил тикланган, мумкин қадар асл нусхаси. Асл нусха манбашуносликда “асл матн” ёки “асосий матн” деб ҳам юритилади. Асл нусхага башарти муаллифнинг ўз қўли билан ёзган дастхат (дастнавис)и сақланган бўлса, шу нусха асос қилиб олинади. Афсуски, Шарқ хаттотлиғи ва китобат ишида дастхат нусхалар аҳён-аҳёнда сақланган, холос. Асл нусхага асарнинг яратилган даврига яқин вақтда кўчирилган нодир ва саводди қўлёмалар асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, Абу Райҳон Беруний “Қонуни Масъудий” номли асарини 1037 йилда ёзиб тугатди. Ҳозирги кунда бу асарнинг 1082, 1108, 1136, 1142, 1166, 1174 йилларда кўчирилган нодир қўлёмалари бор. Мазкур қўлёмалар “Қонуни Масъудий”нинг асл

нусхасини тайёрлаш, таржима қилиш, нашр этиш учун етарли даражада таянч нусха вазифасини ўтай олади. Яна қаранг: илмий танқидий матн.

Аслият — қ. асл нусха.

Асллар — аруз шеърини ўлчов тизими асосини ташкил қилувчи саккиз асосий рукн мажмуи. Булар “фаала” (қилмоқ) масдаридан яратилган қуйидаги сўзлар — фаулун, фоилун, мафойилун, фоилотун, мустафъилун, мафъулотун, мутафоилун ва мафоилатун рукнларидан иборат. Арузшунос олимлар ушбу аслларни “афойилу тафойил” деб ҳам атайдилар.

Асмо ул-ҳусно — гўзал исмлар. Бу ибора Аллоҳ таолонинг тўқсон тўққизта исми мажмуига нисбатан қўлланади. (Ар-Раҳману, ар-Раҳийму, ал-Малику, ал-Қуддусу, ас-Саламу, ал-Мўъмину, ал-Муҳаймину, ал-Азизу, ал-Жаббару, ал-Мутакаббиру, ал-Холиқу...).

Асмой кутуб — китоб (асар) номлари; китоб (асар) номларининг алифбо бўйича тузилган кўрсаткичи. Яна қ. феҳраст.

Асосий матн — қ. асл нусха.

Асотир (б. устура) — жуда қадим замонларда коинот ва ҳаётнинг пайдо бўлиши, табиат ҳодисалари, дунёнинг охири ва тугаши ҳақидаги кишиларнинг ақидаю хаёлларини, афсонавий қаҳрамонларнинг мўъжизаларини баён қилувчи ривоят ва афсоналар. Асотирлар рус ва Оврўпа адабиётшунослигида “миф”, “мифология” деб юритилади. Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг энг қадимги замонларда Каюмарс, Ҳушанг, Таҳмурас, Жамшид ва бошқа афсонавий қаҳрамонлар ҳақида яратган асотирини ривоятлари пайдо бўлган ва улар бизгача етиб келган. Ўрта аср тарихчиларининг умумий тарих бўйича ёзган асарларининг бошланғич — анъанавий қисмлари, кўпинча, асотирлардан иборат бўлган. Асотирлар ёзма адабиётга ҳам ўтиб, гоёвий жиҳатдан қайта ишланди. Улар Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ижодларига катта таъсир кўрсатди. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби

“Авесто” Туркистон ва Эрон халқлари яратган қадимги асотириларнинг ўзига хос қомуси ҳисобланади.

Асфор (б. сифр) — китоблар, мактублар; яҳудийларнинг диний китоби “Таврот”нинг қисмлари.

Асфори самовий — қ. муқаддас китоблар.

Асқолинус — табиб, қадимги юнон табобатининг асосчиларидан бири Асклепийнинг Шарқдаги номи (милоддан аввалги VI–V асрлар).

Асқоб (б. саҳоба) — саҳобалар. қ. саҳоба.

Атама — қ. истилоҳ.

Афлотун — қадимги юнон файласуфи Платоннинг Шарқдаги номи (милоддан аввалги 427–347 йиллар).

Африғийлар — Қадимги Хоразм тарихида Хоразмшоҳлар унвони билан аталувчи биринчи сулоланинг номи. Милодий 305 йилдан 995 йилгача ҳукмронлик қилган сулолага 305 йилда Африғ деган киши асос солган. Абу Райҳон Беруний Африғдан бошлаб 21 подшоҳнинг номини келтиради. Сулоланинг пойтахти IV–VIII асрларда Тупроққалъа бўлган, давлат тили қадимги Хоразмий тили эди. IX–X асрларда пойтахт Қиёт шаҳрига кўчиб, араб тили давлат тили вазифасини бажарган.

Афросиёб — турк хоқонлари эроний манбаларда шу умумий ном билан юритилади. Афросиёб сўзи биринчи бор Алп эр Тўнгага нисбатан ишлатилган. У милоддан аввалги 626 йилда Эрон шоҳи Кайхусрав томонидан хоинона ўлдирилган. Унинг афсонавий қаҳрамонликлари ҳақида туркий халқлар оғзаки ижодида кўплаб қўшиқлар, ривоятлар тўқилган, ёзма адабиётда шеърлар, қасидалар ёзилган. Афросиёб ҳақида тўқилган қўшиқлар ва ёзилган қасидалар Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луготит-турк” асарида сақланиб қолган. XI асрдан бошлаб туркий манбаларда Алп эр Тўнга номи учрамайди. Бу ном шу вақтдан бошлаб бутунлай Афросиёб номига алмаштирилган. Алишер Навоийнинг асарларида ҳам Афросиёб номи тилга олинади.

Афсах — энг гўзал сўзловчи, фасоҳат эгаси, фасих.

Афсах улкалом — 1. Энг гўзал сўз эгаси, сўзга чечан, сўз устаси, нотиқ. 2. Моҳир ёзувчи.

Афсона — 1. Асотир (қ.). 2. Ҳикоя, нақл. 3. Уйдирма, бемаъни сўз.

Афсонасанж — афсона айтувчи, ҳикоя айтувчи.

Афсув — 1. Дуо. 2. Гоят қизиқарли ҳикоя.

Афсувсоз — 1. Сеҳрловчи. 2. Моҳир ҳикоячи, ажойиб достончи.

Афшин — араб истилосига қадар Усрушона ҳокимлиги ҳукмдорларининг унвони. Усрушона ҳокимлигига, тахминан, ҳозирги Жиззахдан Хўжандгача, жанубда эса Зарафшоннинг юқори оқимиғача бўлган ерлар кирган. Охирги Афшин Ҳайдар ибн Ковус (манбаларда ал-Афшин) халифа Муътасимнинг лашкарбошиси бўлган. Бироқ охирги Афшин ҳижрий 226 йил (мил. 840–841 й.) исломдан қайтганликда айбланиб, ўша йилнинг шаъбон ойи (841 й., май-июн ойлари)да зиндонда оч қўйиб ўлдириш жазосига ҳукм этилган.

Афшон — китоб саҳифаларига, баъзан фақат саҳифанинг ҳошия қисмига ёки жадвал ичидаги матн жойлашган асосий қисмга тилла суви ёхуд бошқа бўёқлар бериш, пуркаш.

Ахтаршунос — ҳайъат илми билан шуғуланувчи олим, юдузшунос, мунажжим.

Ашира — “ўнлик” деган маънони англатиб, асосан, Қуръони карим қўлёзмаларида ўн сатр матн яхлит бир безак ичига олинади.

Ашконийлар — мил. ав. 250 йилдан милодий 224 йилгача шарқий Эрон ва Ғарбий Туркманистон ерларида ташкил топган давлатнинг шарқ анъанавий тарихлардаги номи. Алишер Навоий ҳам шу анъанага амал қилиб “Тарихи мулуки ажам” асарида Эрон подшоҳларини тўрт табақага бўлади ва учинчи табақани Ашконийлар сулоласи деб атади. Ашконийлар сулоласи Оврўпа тарихларида ва ҳозирги илмий адабиётларда Аршакийлар деб юритилади, қ. Аршакийлар.

Ашрафул-мурсаин — “пайгамбарларнинг улуғи”. Пайгамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг сифатларидан бири.

Аштархонийлар — Шайбонийлардан кейин

Мовароуннаҳрни, хусусан, Бухоро хонлигини идора қилган ўзбек сулоласи. Аштархонийлар аслида Жўжихон наслидан бўлиб, XIV асрнинг 80-йилларидан бошлаб Астрахон (Хожи Тархон) ва унинг атрофидаги ерлар, халқлар устидан ҳукмронлик қилган. 1556 йилда Астрахонни Россия босиб олгандан кейин, Аштархонийлардан Ёрмуҳаммадхон болалари ва қариндошлари билан Искандархон ҳукмронлик йилларида (1563–1583) Бухорога келди. Искандархон уларни иззат-ҳурмат билан кутиб олади ва қизи Зухрахонимни Ёрмуҳаммадхоннинг ўғли Жонибек султонга беради. Жонибек султон Зухрахонимдан уч ўғил кўрган. Шайбонийлардан Абдулмўмин вафот этгандан кейин тахтга муносиб киши топилмагач, амир ва уламолар маслаҳат билан Жонибек султонни хон тахтига кўтармоқчи бўдилар. Бироқ у бу таклифни қабул қилмайди. Шундан сўнг катта ўғли Дин Муҳаммад номига 1599 йилда хутба ўқилади. Аммо у Бухорога бораётиб, йўлда ҳалок бўлади. Охири тахтга Жонибек султоннинг ўртанча ўғли Боқи Муҳаммад ўтқазилади. Шундай қилиб, 1599 йилдан 1753 йилгача Бухоро хонлигини Аштархонийлар сулоласи идора қилди. Пойтахти Бухоро шаҳри эди, форс-тожик ва эски ўзбек тили Аштархонийларнинг давлат тили вазифасини бажарди.

Ашрос — бир ўсимликнинг номи бўлиб, ундан олинадиган елим муқовачиликда ишлатилади.

Ашула — ёзма адабиётга мансуб, айна вақтда аруз вазнида яратилган шеърларнинг мусиқа билан куйланиши.

Ашъор (б. шеър) — шеърлар, қ. шеър.

Ашъор, хатти ашъор — араб ёзувининг шеърлар кўчириш учун қўлланган махсус услуби. Бу услубни биринчи марта машҳур хаттот Ибн Баввоб (X аср иккинчи ярми ва XI аср боши) қўллаган.

Ашъори интихоб — танланган шеърлар. Бир шоирнинг бутун ижоди ёки унинг алоҳида девонидан, бир қанча шоирларнинг ижодларидан танлаб олиниб, тузилган қўлёзма. Яна қ. баёз, мажмуа, кажкул.

Ашъори мунтахабот — қ. ашъори интиҳоб.

Аъён — қ. акобир.

Аълам — 1. Шариат ва фикҳ илмларини жуда чуқур, пухта билган олим; шу соҳалар бўйича маслаҳатчи. 2. Шариат бўйича гуноҳкорларнинг жазосини аниқлаб берувчи фақиҳ.

Аъло — Ўрта аср мадрасаларида талабалар билимларини ўзлаштириш савиясига қараб уч даражага бўлинган: биринчи даража — аъло (юқори), иккинчи даража — авсат (ўрта), учинчи даража — адно (қуйи, паст). Талабаларга берилган нафақа ва бошқа нарсаларнинг тақсимотлари ҳам ана шу даражаларга қараб белгиланган.

Аъло ҳазрат — асосан, олий ҳукмдорлар, подшоҳ ва хонларга мурожаат қилганда ҳурмат юзасидан айтиладиган сўз. “Олий жаноб, жаноби олийлари” маъносини беради. “Аъло ҳазрат” сўзи “ҳазрати олийлари” шаклида ҳам ишлатилади.

Ақида — қ. ақоид.

Ақлом (б. қалам) — қаламлар, қ. қалам.

Ақломи шашгона — олти қалам. Араб ёзувининг ҳуснихат билан ёзишда энг кўп тарқалган ва хаттотлик рисолаларида қайд этилган олти хил асосий услуби: сулс, насх, муҳаққақ, райҳоний, тавқиъ, риқоъ.

Ақоид — ислом дини асосларини ўргатувчи энг муҳим илмлардан бири. Унда Аллоҳ таолонинг бирлиги, зот ва сифатлари, дунё ва охират тўғрисидаги таълимотлар баён этилади. Ақоид мадрасаларда алоҳида фан сифатида ўқитилади. Машҳур олим Имом Таҳовий (858–933) ёзган “Ақоид” дарслиги ислом оламида кўп машҳурдир.

Ақрободин — қ. қарободин.

Ақраб — шамсия йил ҳисобида саккизинчи ойнинг номи. Кунлар миқдори 30 кун. Милодий йил ҳисобида 23 октябрдан 22 ноябргача бўлган кунларни ўз ичига олади.

Ақтоб (б. қутб) — қутблар, қ. қутб.

Аҳднома — келишувчи томонлар ўртасида бирор масала бўйича тузилган ёзма битим, шартнома.

Аҳком (б. ҳукм) — ҳукмлар, қ. ҳукм.

Аҳкоми шаръий, аҳкоми шариат — қ. шариат ҳукмлари.

Аҳл — “эга, соҳиб, тегишли”, аҳли девон — ҳукумат девонида хизмат қилувчи мансабдор шахслар; аҳли илм, аҳли дониш, аҳли ирфон — билимдонлар, донишмандлар, олимлар, маърифатли кишилар; аҳли калом — сўз эгалари, суҳандонлар, адиблар; аҳли китоб — китоб эгалари, муқаддас китобларга эга бўлган мусулмонлар, яҳудийлар, насронийлар; аҳли маърифат — билимдон кишилар; аҳли қалам — шоир, адиб, котиблар.

Аҳмонийлар — мил. ав. 558 йилдан мил. ав. 330 йилгача ҳукмронлик қилган қадимги қудратли Эрон давлатини бошқарган сулола. Бу сулолага милоддан аввалги VII асрда Элам яқинидаги Паруса деган жойда яшаган қадимги форс қабилаларининг бошлиғи Аҳмон (айрим манбаларда Аҳоман деб ёзилади) асос солган. Бу шимолда Қора ва Каспий денгизларининг жанубий қирғоқларидан, жанубда Арабистон денгизи ва Форс қўлтиғигача, ғарбда Эгей ва Ўрта ер денгизларидан, шарқда Ҳинд дарёсигача бўлган ҳудудда ҳукмдорлик қилган қуддорлик давлати бўлиб, мил. ав. 330 йилда Доро III нинг Искандар Зулқарнайн билан олиб борган жангларида енгилиши билан барбод бўлади. Аҳмонийларнинг пойтахти дастлаб Форсполис, кейинроқ Суз, Бобил ва Ақбатона шаҳарлари бўлган. Улкан давлат аҳолисининг этник таркиби турлича бўлгани учун асосий давлат тили қадимги форс тили ҳисобланса-да, оромий ва элам тиллари ҳам маъмурий ҳамда хўжалик юритиш ишларида эркин хизмат қилган.

Аҳодис (б. ҳадис) — ҳадислар, қ. ҳадис.

Аҳсан ул-қисас — қиссаларнинг энг гўзали. Шарқ адабиётида Юсуф ва Зулайҳо ҳақидаги қиссалар мазкур ном билан юритилади.

Аҳқар ул-ибод — “бандаларнинг фақири” маъносида бўлиб, котиблар кўпинча қўлёмани кучириб тугатганларидан кейин ўз номи шарифларига мазкур иборани қўшиб ёзадилар.

Бадиа, бадийъ — 1. Шоирлар ижодининг илк намуналари, дастлабки ижод. 2. Гўзал, нафис, нодир нарсалар. 3. Ажойиб, гаройиб.

Бадийъ, илми бадийъ — илми адабнинг узвий қисмларидан бири, бадийлик илми, поэтика. Адабий асардаги сиймо (образ), маъно ва гоёларни чиройли, нозик, таъсирчан ва мазмундор ифодалаш учун хизмат қиладиган тасвирий воситалар — санъатларни ўрганеди. Мазкур санъатлар адабий асарнинг бадийлиги, яъни гўзаллигини оширишга хизмат қилганлиги учун бадий санъатлар деб юритилади. Бу санъатлар насрга қараганда кўпроқ шеърийда ишлатилганлиги сабабли “шеърий санъатлар” (поэтик санъатлар) деб аташ анъанага айланиб қолган. Бадий санъатларнинг миқдори ўтмиш адабиётшуносларнинг асарларида 150 га яқин деб кўрсатилади. Айрим олимларнинг асарларида санъатлар миқдорининг кўпайиб кетганлиги туб моҳияти битта бўлган санъатнинг бир неча номларда аталишидир. Бадий (шеърий) санъатлар ўз моҳият эътибори билан икки гуруҳга бўлинади: 1. Маънавий санъатлар. 2. Лафзий санъатлар. Маънавий санъатлар (ийҳом, лутф, тамсил, ҳусни таълил, талмиҳ, тазод ва бошқалар) асарда сиймо (образ) ва маъно вужудга келтиради. Лафзий санъатлар (такрор, тарсий, ҳожиб, иштиқоқ, мувозана, музораа, тажнис ва бошқалар) асардаги асосий гоёни таъкидлаб, жумла, байт ёки банд таркибига гўзаллик ва латофат бағишлайди. Бадийлик илмида баъзан қоришиқ санъатлар ёки муштарак санъатлар атамаси ҳам учраб туради. Бундай ҳолатда бир неча санъатлар аралаш, қоришиқ ҳолатда келади, ижодкорнинг мақсадини таъкидлашга хизмат қилади. Илми бадийда ҳарфий санъатлар деган туркум ҳам мавжуд. Мазкур санъатлар, асосан, араб ёзуви билан боғлиқ бўлиб, шоирлар лирик қаҳрамоннинг ташқи қиёфаси — сувратини алиф, дол, мим, нун, вов ва бошқа ҳарфларнинг шакллариغا қиёслаганлар. Ҳарфий санъатлар моҳият эътибори

билан лафзий санъатларга яқин туради ва улар билан биргаликда ўрганилади. Улуми адабиядаги аруз ва кофия ҳам илми бадиъга туташиб кетади. Шунинг учун ўтмишда олимлар аруз, кофия ва бадиъни “учлик адабий илм” номи билан аташган. Айни вақтда бу уч илм, асосан, шеърятга хизмат қилганлиги сабабли кўпгина илмий адабиётларда “шеър илми” деган ном билан ҳам юритилади. (Улуми адабиянинг таркибида махсус илми шеър бўлими борлигини ҳам унутмаслик керак).

Бадиий безак — қўлёмани чиройли қилиш, матнни мазмундор ифодалаш ва ўқувчига мутолаа пайтида бадиий завқ бағишланиш мақсадида китобга ишланадиган шамс, унвон, лавҳа, жадвал, доира, расм (миниатюра), нақш ва бошқалар. Бу бадиий безаклар оддий бўёқлар ёки тилла суви билан бажарилиши мумкин.

Бадиий муқова — қ. муқова.

Бадиий саҳифа — қўлёманда ҳар бир саҳифани анбар ёки олтин суви пуркалган ўта нозик жадваллар билан безатиш. Бундай безаклар саҳифанинг фақат матн ёзилган асосий қисмида ёки ҳошия билан яхлит ҳолда бўлиши мумкин. Баъзан қўлёманинг матн ёзилган асосий ва ҳошия қисмига махсус қоғоз ишлатиб ҳам бадиий саҳифа ҳосил қилинади.

Бадиий хат — хаттотлик санъати талабларига мувофиқ, жуда юқори маҳорат билан ёзилган хат.

Бадиий ҳошия — қўлёмаларда саҳифанинг матн ёзилган қисмидан саҳифа қиррасига қадар маълум жой бўш қолади. Бу бўш қолган жой — ҳошиядан қўлёмаларда турли мақсадларда фойдаланилади. У ерга асосий матнга алоқадор шарҳ ва изоҳлар, тўлдиришлар ёки бирор мустақил асарни ёзиш мумкин. Бадиий қўлёмаларда ҳошия қисми махсус қоғоз ёпиштириш, турли гуллар тушириш ёхуд олтин суви пуркаб зийнатланиши мумкин.

Бадиҳа — сўз, лутф, мисра, байт, баъзан бир бутун шеърни бирданига, тайёргарликсиз айтиш. Бадиҳа, бадиҳагўйлик худди аския сингари икки ёки бир неча киши орасида, маълум бир мавзуда чиройли лутф ва қочиримлар қилиш, сўз ўйинларини маҳорат

билан ишлатиш ижодий мусобақаси ҳисобланган. Бунда бадиҳагўйлар бутун қобилиятлари, сўз ва нутқ бойликларини тўкиб солганлар, тана ҳаракати ва мимикадан ҳам фойдаланганлар. Шунинг учун халойиқ бадиҳагўйларнинг санъатини эшитибгина қолмасдан, роҳатланиб томоша ҳам қилган. Бадиҳагўйларнинг ижрочилик фаолияти бир томондан мушоирани билдирса, бадиҳа билан ҳазил-мутойиба, латифа, лутф айтишлари аскиячиларни эслатиб туради. Бадиҳагўйлик Хуросон ва Мовароуннаҳрда Темурийлар даврида, айниқса, XV аср иккинчи ярми — Навоий замонида тараққий қилган эди.

Бадиҳагўй — ҳозиржавоб, тўхтовсиз шеър айтувчи.

Бадиҳагўйлик — қ. бадиҳа.

Бадойиъ (б. бадийъ) — бадиалар, қ. бадиа, бадийъ.

Бадойиъ ул-лугат — 1. Бир асардаги ўзига хос, чиройли сўзларни танлаб олиб, уларга тузилган лугат, бадий сўзлар лугати. 2. Алишер Навоий шеъриятидан танлаб олинган сўзларга Толий Ҳиравий томонидан тузилган ўзбекча-форсча изоҳли лугат. Султон Ҳусайн Бойқаро топшириғига биноан 1500 йиллар атрофида яратилган. Таркибида 1000 га яқин сўз ва иборалар бор.

Бадойиъ ус-санойиъ — 1. Бадий санъатлар, бадий адабиётда, кўпроқ шеъриятда ишлатиладиган санъатлар. 2. Алишер Навоийнинг топшириғига биноан Атоуллоҳ Ҳусайний (тахминан, 1513 йилда вафот этган) томонидан 1493 йилда ёзилган асар, шеърий санъатлар тўплами. 150 га яқин санъат таъриф ва тавсиф этилади.

Бадр ул-камол, хатти бадр ул-камол — араб ёзувининг тўлин ой шаклида ёзиладиган зийнатли услубларидан бири.

Бадхат — ўқилиши қийин, оддий имло қоидаларига ҳам риоя қилинмай ёзилган хат, хунук хат.

Баёз — 1. Оқ, оқлик, оқ ранг. 2. Ёзилмаган оқ қоғоз. 3. Қоралама (дастлабки нусха)дан оққа (оқ қоғозга) кўчирилган тоза нусха. 4. Турли шоирларнинг шеърларидан танлаб тузилган тўпلام. Баёз ўз хусусиятига кўра шеърий мажмуалардан фарқ қилади. Баёз шоирларнинг ўзи ёки адабиёт мухлислари томонидан

тузилишига ҳамда мазмунига кўра иккига бўлинади: а) котиблар томонидан тузилган расмий баёзлар. Котиб баёз тузишни буюрган ёки ўзи тақдим қилмоқчи бўлган шахснинг диди ва билим савиясини ҳисобга олган ҳолда шеърий намуналар танлаб киритади. Айрим баёзларда мусанниф шу фикрини сўз боши шаклида баён қилади. Бундай тўплам котиб қўлидан чиқиши биланоқ лаввоҳ, наққош ва муқовасознинг меҳнати билан маълум муддатда китоб қилиниб, тугалланади; б) норасмий баёзлар. Бундай баёзлар маълум бир шоирнинг ўз шеърий тўпламига бошқа шоирларнинг ўзига маъқул бўлган шеърларини киритиши натижасида узоқ муддат жараёнида яратилади. Масалан: “Баёзи Роқим”, “Баёзи Нодим” каби. Бундай баёзлар бир неча йил давомида юзага келгани учун уларнинг бадиий безаги, матннинг жойланиши ва ҳатто хатининг ёзилиш услубида ҳам изчиллик кўзга ташланмайди.

Баёзнавис — баёз тузувчи котиб. Шоирлар, ҳофизлар ва адабиёт мухлислари томонидан танлаб, ажратиб берилган шеърларни баёз ҳолига келтириб, кўчириб чиқувчи котиб. Баъзан бу ишни ижодкор ёки адабиёт мухлисининг ўзи бир неча йиллар давомида амалга ошириб бориши ҳам мумкин.

Баёзчилик — баёз тузиш иши. Баёзчилик ижтимоий фикр тараққиёти ва жамиятнинг маданий эҳтиёжлари натижасида юзага келди ва ривожланди. Дастлаб баёз шаклидаги тўпламлар араб классик адабиётининг ривожланган даврида яратилди. Ўрта Осиёда илк баёзларнинг тузилиши XV–XVI асрларга тўғри келади. XVIII–XIX асрларда баёз тузиш анъанаси кенг авж олди. Баёзлар мундарижа ва мазмун жиҳатидан бойиди. Уларда машҳур шоирларнинг шеърларидан тортиб, ижоди оммалашмаган шеър таъбларнинг асарларини ҳам учратиш мумкин. Баёзлар тил жиҳатидан ҳар хил тузилган: бир тилда (ўзбек ёки форс-тожик), икки тилда (ўзбек ва форс-тожик), ҳатто уч тилда (ўзбек, форс-тожик ва араб) тузилган баёзлар мавжуд. Баёзларнинг таркибида Шарқ шеъриятининг ҳамма жанрларини учратиш мумкин. Уларда икки-учтадан тортиб, юз-икки

юзгача шоирларнинг шеърларидан намуналар учрайди. Баёзлар Шарқ халқлари маданият тарихида бадий адабиётни, айниқса, шеърий тарғиб қилишда муҳим роль ўйнаган. Баёзлар девони бўлмаган шоирларнинг ижодини ўрганиш ва адабий алоқаларни текширишда муҳим манба ҳисобланади.

Баёзчилик мактаблари — тарихий тараққиёт давомида халқларнинг маданияти, адабиёти ва урф-одатларига хос белгилар баёзчиликка ҳам ўзига хос таъсир кўрсатди. Баёзларни тасниф этиш савияси, таркиби ва мазмуни, адабий жанрларни ёзиш (ёки кўчириш)даги хат услуби, бадий безакларнинг ҳар хиллиги натижасида бу соҳада турли мактаблар пайдо бўлди. Мисол тариқасида Ўзбекистонда XVIII–XIX асрларда шакланган Тошкент, Фарғона (ёки Қўқон), Бухоро, Хоразм баёзчилик мактабларини кўрсатиш мумкин.

Баён, илми баён — илми адабнинг қисмларидан бири бўлиб, фикрни ёзма равишда аниқ, ёрқин ва маъноли ифода этиш юзасидан баҳс юритади.

Баённома — бирор воқеа ёки масала юзасидан ёзилган расмий маълумот.

Баёни ҳол — қ. таржимаи ҳол.

Базла — латифа, чиройли ва ёқимли сўз, аския; шеърни бадий ўқиш.

Базлагўй — латифа айтувчи, аскиячи.

Базласанж — бадий сўз устаси, маҳоратли шоир.

Байса, пайса — мўғул хонлари томонидан йўлга керак бўлган ҳамма нарсани олиш учун бериладиган рухсатнома.

Байт I — аруз вазнида ёзилган шеърнинг, шеърий йўлда тузилган ҳар қандай асарнинг гоёвий-бадий томондан бир-бири билан алоқадор ҳамда бир бутунликни ташкил қилувчи икки мисраси.

Байт II — ўзбек халқ амалий санъатида, хусусан, мисгарлик, рихтгарлик ва кулолчиликда шеърий мисралар орқали нақш яратиш усули. Бадий безак ҳосил қилиш учун буюмларга тушириладиган бундай шеърий парчалар араб хатининг сулс, насх, настаълик, мусалсал, райҳоний услубларида ўйиб ёзилган. Шунингдек, халқ амалий

санъатининг зардўзлик, каштадўзлик, гиламдўзлик каби турларида ҳам шеърий мисралар орқали нақш ҳосил қилинади. Бунда шеърий нақшлар ранг-баранг ипақлар орқали тўқиш жараёнида юзага келади. Байт туширилган гиламлар одатда зийнат учун деворга осилади. (Халқ эътиқоди бўйича шеърий мисралар нақшланган гилам ерга тўшалмайди).

Байтбарак — шеърхонликнинг энг қадимий турларидан бири. Шеър мажлисида шоирлар ва адабиёт мухлислари иштирок этадилар. Даврадагилардан бири байт ёки рубоий ўқийди. Унинг ўқиган шеъри қайси ҳарф билан тугаса, шу ҳарф билан бошланадиган байтни бошқа киши давом эттиради. Унинг байти тугаган ҳарф билан яна бошқа киши байт ўқийди. Шеърхонлик шу зайлда давом этаверади. Байтбарак кишиларнинг қанча шеър ёд билишлари, қувваи ҳофизаларини синаб кўришда ўзига хос бир мусобақа бўлган.

Бай-ғазал — халқ китобларида, умуман шеър маъносида келади.

Байти ғазал, байт ул-ғазал — ғазалнинг энг яхши, ҳаяжонли байти.

Байт ул-китоб — шеърий асарнинг, шеърий китобнинг бошланиши, биринчи байти.

Байт ул-кутуб — китоблар уйи. Айрим тарихий асарларда кутубхона маъносида қўлланган.

“Байт ул-ҳикмат” — “Хазинат ул-ҳикмат” деб ҳам юритилади. Ҳалифа Ҳорун ар-Рашид (786–809) томонидан Бағдодда ташкил этилган олим ва таржимонларни бирлаштирувчи илмий муассаса. “Байт ул-ҳикмат” (Ҳикмат уйи) қошида жуда бой кутубхона бўлиб, араб, форс, ҳинд, юнон, сурёний тилларида тўрт юз минг жид қўлёзма китоб сақланган. Мовароуннаҳр шаҳарларидан борган Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Аббос ибн Саид Жавҳарий, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазий ва бошқа олимлар “Байт ул-ҳикмат” ишларида фаол қатнашиб, дунё фани ривожига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Байтария, илми байтария — Шарқда ҳайвонларнинг касалликларини даволаш илми.

Байънома — савдо ишида олди-сотди ҳужжати.

Балинос — қадимги юнон риёзиёт олими Аполлоний Пергскийнинг Шарқдаги номи, милоддан аввалги 265–170 йиллар.

Балиқ, балиқ йили — мучал ҳисобида 5-йилнинг номи.

Балиғ — балогат эгаси, қ. булағо.

Балогат, илми балогат — Ўрта аср Шарқи адаб илмларининг қисмларидан бири бўлиб, илми маоний ва илми баённинг қўшилишидан таркиб топган. Балогат илми сўзни ёзма нутқда ҳам, оғзаки нутқда ҳам мантиқий ва услубий жиҳатдан ўз ўрнида, тўғри қўллаш ҳақида баҳс юритади.

Банд — 1. Қонун, қарор, шартнома, аҳднома ва шу каби расмий ҳужжатларнинг кичик бир қисми, моддаси, фасли (параграфи). 2. Муайян қофия тартибига эга бўлиб, мазмун ва оҳанг жиҳатидан тугалланган ҳамда ўзига хос мусиқийликни юзага келтирувчи шеър бўлаклари, қисмлари. Ўзбек адабиёти тарихида шеърнинг ҳар бир банди икки мисрадан бошлаб ўн мисрагача бўлган шакллари (жанрлари) учрайди. Улар қуйидагилар: 1) ҳар бир банди икки мисра бўлган маснавий; 2) ҳар бир банди уч мисра бўлган мусаллас; 3) ҳар бир банди тўрт мисра бўлган мураббаъ; 4) ҳар бир банди беш мисра бўлган мухаммас; 5) ҳар бир банди олти мисра бўлган мусаддас; 6) ҳар бир банди етти мисра бўлган мусаббаъ; 7) ҳар бир банди саккиз мисра бўлган мусамман; 8) ҳар бир банди тўққиз мисра бўлган мутассасъ; 9) ҳар бир банди ўн мисра бўлган муашшар. Бу зикр этилганлардан маснавийда ҳар икки мисра банд эмас, байт деб юритилади. (Гарчи икки мисра бир бандни ташкил қилса-да, уни байт деб аташ илми бадиъ қоидаларига мувофиқ бўлади). Шарқ шеърининг таржиъбанд, таркиббанд, соқийнома каби шакллари ҳам ҳажман катта бўлиб, бир неча бандлардан ташкил топади. Мазкур шеърларда ҳар бир банд ўрта ҳисобда йигирма мисрага яқин ёки ундан кўпроқ ҳам бўлиши мумкин. Қўлёзма девон ва мажмуаларда бандлардан ташкил топган шеърлар алоҳида диққат билан кўчирилади. Шеърнинг бандлари турли усуллар билан бир-биридан ажратиб қўйилади: бандлар орасига кичик

нақшлар чизилади; алоҳида жадвал чизиги тортилади; икки банд оралигида озгина бўш жой ташланади; ҳар бир банд бошланишидаги бир неча сўз қизил сиёҳ билан ёзилади ва ҳоказо. Бандларнинг мураббаъ (тўртлик, тўртлик, тўртлик,...) шакли ўзбек халқ шеърлятида қадимдан мавжуд. Ўзбек халқ кўшиқларининг кўпчилиги шу усулда тузилади. Мураббаъ шаклида таркиб топган кўшиқлар Маҳмуд Кошғарийнинг XI асрда тузилган “Девону луғот ит-турк” асарида ҳам учрайди. XX аср ўзбек шеърлятида эса банднинг янги-янги хиллари ҳам юзага келди.

“Банда” — котиблар кўпинча ўзларини камтар олиб, “мен” маъносида ишлатадилар. Қўлёманинг сўнгида имзо чекканда ўз исмларидан олдин шу сўзни кўшиб айтадилар. Муаллиф ва мусаннифлар ҳам асарларининг бошланиши ёки охирида баъзан ўз номларини айтмай, “банда” деб ҳам ёзадилар. (Ўтмишда “менинг уйим” маъносида “банда хона” сўзи ҳам ишлатилган).

Бани — баъзи сўзларнинг олдида келиб, “болалари, авлоди” маъносини беради. Чунончи, бани Одам — Одам болалари, Одам авлоди, инсонлар; Бани Исроил — Исроил болалари, яҳудийлар; Бани аъмом — амакининг болалари, амакизодалар каби.

Банно — 1. Қурилажак бино, иншоот ва шунга ўхшашларнинг тарҳини, лойиҳасини чизиб берувчи муҳандис, меъмор. 2. Қурилишнинг боришини назорат қилувчи бош уста, саркор.

Барид — ёзма хат-хабарни бир ердан бошқа ерга олиб борувчи, хат-хабар элтувчи шахс. Ўрта асрларда Шарқ ҳукмдорлари баридлар орқали мамлакатда содир бўлган энг сўнги, яхши ва ёмон воқеалардан хабардор бўлишган. Барид айрим манбаларда “соҳиббарид” деб ҳам ёзилади.

Бармоқ босиш — саводсизлиги учун бирор ҳужжатни имзо чекиб тасдиқлаш ўрнига бармоқ изларини тушириш.

Барот I — 1. Подшо, хон томонидан берилган оқлиқ қоғози, озодлик хати. 2. Бирор унвон олганлик ёки имтиёз берилганлиги ҳақидаги ёрлиқ қоғоз. 3. Пул ё бирор бошқа нарса олиш ҳақидаги ҳужжат, чек.

Барот II — ҳижрий йил ҳисобида саккизинчи ой бўлган шаъбоннинг ўртасида ўтадиган қутлуғ кун. Барот куни шаъбон ойида ўтганлиги учун бу ойни барот ойи деб ҳам юритилади, қ. шаъбон.

Барфнома — қ. қорхат.

Барс, барс йили — мучал ҳисобида 3-йилнинг номи.

Басмала — Қуръоннинг биринчи ояти “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм” жумласига берилган ном.

Батлимус — қ. Батлимуси аввал.

“Батлимуси аввал” — биринчи Батлимус. Қадимги юнон фалакиёт олими Птоломей Клавдийнинг Шарқдаги номи, тахминан милоднинг 170 йилида вафот этган.

“Батлимуси соний” — иккинчи Батлимус (Птоломей). Абу Райҳон Берунийнинг устози, хоразмлик риёзиёт ва фалакиёт олими Абу Наср ибн Ироқнинг фахрий унвони (1036 йилда вафот этган).

Бахши — 1. Ўрта Осиёда XIV–XV асрларда эски уйғур ёзувидаги қўлёзмаларни кўчирувчи хаттот. 2. Темурийлар даврида давлат девонидаги мансабдор шахслар. Алишер Навоийнинг отаси Гиёсиддин Кичкина ҳам шундай мансабдорлардан бўлгани учун манбаларда унинг исми Гиёсиддин Кичкина Бахши ёки Кичкина Бахши шаклида ёзилади. 3. Ҳиндистонда Бобурийлар давлати ҳарбий қисмларининг ҳисоб-китоб ишларини олиб борувчи мирза. 4. Бухоро амирлигида қурилиш ишларининг ҳисоб-китобларини олиб борувчи киши. 5. Халқ дostonларини соз жўрлигида ёддан айтиб куйловчи шоир, оқин. 6. Дуолар ўқиб, дам солиб, ирим-сиримлар қилиб, беморларни даволовчи табиб, дуохон табиб.

Бақтрия ёзуви — қ. бохтар ёзуви.

Баҳман — қадимги Эрон йил ҳисоби бўйича ўн биринчи ойнинг номи. Кунлар миқдори 30 кун, милодий йил ҳисобида 22 январдан 20 февралгача бўлган кунларни ўз ичига олади.

Баҳор, хатти баҳор — араб ёзувининг зийнатли услубларидан бири.

Баҳориёт — баҳорга атаб ёзилган шеърлар, баҳор қўшиқлари.

Баҳр — аруз тизимида ўзаклари жиҳатидан бир-бирига яқин вазнлар туркуми. Арузда 19 баҳр бор: тавил, мадид, басит, вофир, комил, ҳазаж, ражаз, рамал, мунсарех, музориъ, муқтазиб, мужтасс, сареъ, мадид, фариб, ҳафиф, мушокил, мутақориб, мутадорик. Айрим қўлёмаларда шеърий асар, хусусан, дostonларнинг бошланишида арузнинг қайси баҳрида ёзилганлигини қайд этиб қўйиш ҳоллари ҳам учрайди.

Баҳри байт — адабий мажлисларда мушоиранинг бир тури бўлиб, бир баҳрда ёзилган байтлар кетма-кет ўқилиб, бир-бирига уланиб кетади. Баҳри байт айтишда шоирлар байтларни мустақил ижодий айтишлари мумкин, адабиёт мухлислари эса бошқа шоирларнинг тайёр шеърларидан, байтларидан фойдаланишлари ҳам мумкин.

Баҳри тавил — узун баҳрда ёзилиб, бошдан-оёқ сажъ билан тузилган кичик насрий мустақил асар. Баҳри тавил ўзбек ёзма адабиётида Огаҳий ва Комил Хоразмий девонларида учрайди. Намуна сифатида Комил Хоразмий баҳри тавилини келтирамиз: “Соқие, тут манга бир жом, тўла бодаи гулфомки, айлаб ани ошом, бўлиб маст мудом, айлайин аҳволимни аълумки, ман хастаи нокомга бир сарви гуландом, икки наргиси бодом гами ишқи тушиб субҳ билан шом, онинг васли хаёлида уруб гом, не мандин етуриб бир киши бир қатла паём анга, не ондин манга пайгом, ўтуб ҳасрату алам била бир неча айём, баногоҳ йўл узра манга ул кабк хиром, учраса, кўргач они қолмай дилу жонимда, дами сабр ила ором, беролмайин ул дамда салом, ўтуб моҳ, моҳи, тамом, неча ноз, карашма била салона мастона хиром айлар эди”

Баҳромнома — Шарқ халқлари адабиётида Баҳром Гўр ҳақида ёзилган асарлар туркуми. Эрон тарихининг сосонийлар сулоласи даврида Баҳром исми бир неча подшоҳлар ўтган. Шулардан энг машҳури Баҳром V ёки Баҳром Гўр лақабли подшоҳдир (шоҳлик йиллари 421–438). У Сосонийлардан Яздгирд I нинг ўғлидир. Яздгирд I зулмидан безор бўлган Эрон халқи у вафот этгандан сўнг Ардашер наслидан бўлган Кисро (баъзи

манбаларда Хисрав)ни тахтга кўтаради. Бу воқеадан хабар топган Баҳром V лашкар тортиб, Эронга келади. У отаси Яздгирдининг хатоларини такрорламаслик ва мамлакатда тинчлик ўрнатишга ўз аъёнлари ва халқ олдига қасамёд қилади, тахтни эгаллайди. Баҳром V нинг севган машғулоти гўр (қулон — ёввойи эшак) ови бўлган. Шу сабабли у Баҳром Гўр лақабини олган. Баҳром Гўр даврида Эронда зардуштийлик дини мустаҳкамланиб, янги-янги оташкадалар қурилди. Баҳром Гўр шоир, бастакор ва созанда эди. Унинг маъшуқаси Дилором чангчи бўлган. Сосонийлар давридан сақланиб қолган баъзи эроний куйлар Баҳром ва Дилором томонидан яратилган, деб ҳисобланади. Баҳром Гўр баъзи манбаларда 63 йил, баъзиларида 70 йил (вафоти — 438) яшаган деб кўрсатилади. Ёзма адабиётда Баҳром шахси бадий образ даражасига кўтарилган. У ҳақида X асрдан бошлаб қатор асарлар юзага келган. Фирдавсий “Шоҳнома”сида Сосонийларга бағишланган қисмда Яздгирд I нинг ўғли Баҳром Гўр шахсияти биринчи бўлиб бадий гавдалантирилди. Сўнгра Низомий Ганжавийнинг “Ҳафт пайкар”, Амир Хисрав Деҳлавийнинг “Ҳашт беҳишт”, Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” дostonларида Баҳром Гўр адолатли шоҳ, жасур саркарда, айна вақтда маишатпараст, худбин шахс сифатида тасвирланган. Кейинги асрларда ҳам Шарқдаги бир қанча халқлар адабиётида Баҳром ва Дилором ҳақида кўплаб асарлар юзага келди.

Баҳс — 1. Илмий асарларда маълум бир масалага доир қисм, бўлим, боб. Ўрта аср Шарқ олимлари айрим ҳолларда илмий асарларни қисм ёки бобга эмас, балки баҳсга ажратганлар, яъни маълум бир илмий асар бир неча баҳсдан ташкил топган. 2. Маълум бир илмий мавзуга бағишланган мунозара.

“Бе” — араб алифбоси ва араб ёзувига асосланган эски ўзбек алифбосидаги иккинчи ҳарф (ب)нинг номи бўлиб, абжад ҳисобида 2 га тенг. Бу ҳарф ўз ўрнига қараб “Бо” деб ҳам талаффуз қилинади. “Бе” ёзилиш шаклларига кўра қуйидаги номлар билан аталади: бойи

(учи қайрилган, букилган бо), бойи музмар (букилган, эгилган бо), бойи мақсур (қисқа, қисқартирилган бо). “Бе” ҳарфи “б” ундош товушини ифодалайди.

Бегим — Шарқда машҳур аёллар — шоиралар, олима ва давлат арбобларининг исмлари ёки тахаллусларидан кейин ҳурмат ва эҳтиром юзасидан қўшиб айтиладиган сўз. Чунончи, Мутриба бегим (XIII аср шоираси), Гулбадан бегим (1522–1603, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қизи, тарихчи), Зебунисо бегим (1639–1702, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг паннабираси, шоира, олима, хаттот), Нодира бегим (1792–1842, ўзбек шоираси, маърифатпарвар ва давлат арбоби) каби.

Беглар беги — бу унвон Қўқон хонининг ворисига ёки баъзи катгароқ вилоятларнинг ҳокими (беги)га берилган.

“Бедил” — Шарқ халқлари орасида машҳур бўлган Ҳиндистондаги форс-тожик адабиётининг улуг намояндаси Мирзо Абдулқодир Бедил (1644–1721) шеърларидан тузилиб, мадрасаларда дарслик сифатида ўқилган қўлёзма тўплам.

Бедилнавис — Мирзо Абдулқодир Бедил асарларини кўчирган котиб. Одатда Бедил асарларининг қўлёзмаларини араб ёзувининг шикаста-настаълиқ услуби билан кўчирилган, ҳаракатлар қўйилмаган. Бу ҳолат котиблардан юқори савия ва маҳорат талаб қилар эди. Шунинг учун форс-тожик тили, Бедил асарларининг мазмун-моҳиятини ҳамда хаттотлик қоидаларини жуда яхши ўзлаштирган котибларгина бедилнавис бўла олардилар.

Бедилхонлик — XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўрта Осиёда тарқалган адабий мажлисларнинг бир тури. Маълумки, Бедил асарлари гоят мураккаб услуб ва мажозий санъатлар билан ёзилган. Унинг асарларини бир марта ўқиб, моҳиятини англаш жуда қийин. Шунинг учун Бедил ижодининг ихлосмандлари у яратган асарларнинг мазмун-моҳияти, қўлланган бадий санъатларни айтиб бера оладиган шоир ва олимлар ҳузурига тўпланиб, бедилхонлик қилганлар.

Безак — қўлёманинг муқоваси, муқованинг ички томонлари, матн бошланиши, ҳошия, умуман, ҳамма варақларга ишланган нақшлар, гуллар, жадваллар, расмлар, лавҳа, унвон ва бошқалар. Безаклар турли савияда бўлиши мумкин. Яна қ. бадий безак, бадий қўлёма.

Бек, бег — Ўрта Осиё ва айрим Шарқ мамлакатларида шаҳар ёки вилоят, баъзи жойларда эса туман бошлиғи, ҳокими. Яна қ. амир.

Беклар беги — қ. амир.

Бет — қ. саҳифа.

“Беш ганж” — қ. “Панж ганж”.

Бешлик I — мухаммас жанрида ёзилган шеърлар. Мухаммаснинг ҳар бир банди беш мисрадан иборат бўлгани учун уни бешлик деб ҳам юритилади. қ. мухаммас, тахмис.

Бешлик II — беш дostonдан иборат бўлганлиги назарда тутилиб, “Хамса”лар баъзан шундай деб аталади. Чунончи, таниқли адабиётшунос, проф. Ботир Валихўжаев ўзининг “Хамса” такмили” мақоласида шундай ёзади: “Маълумки, Низомий “Панж ганж”идан сўнг ўша давр адабий муҳитида унга жавобан ёзилган бешликларнинг кўпчилигида буюк шоир асарининг таркиби, унга киритилган дostonларнинг мавзу ва номларини янгилашга интилиш тенденцияси кўзга ташланади” (Алишер Навоий “Хамса”си. Мақолалар тўплами, Т., 1986, 84-бет). Илмий адабиётларнинг баъзиларида бешлик сўзини “Хамса” номидан сўнг қавс ичида бериш ҳоллари ҳам учрайди: “Алишер Навоийнинг шоҳасари “Хамса” (“бешлик”) узоқ асрлар давомида бутун-бутун авлодлар томонидан севиб ўқиб келинди” (Академик Азиз Қаюмов. Асарлар, 1-жилд, 1-китоб, Т., 2008, 3-бет).

Библиограф — қ. китобдон, китобиюн.

Бий — кўчманчи ва ярим кўчманчи ўзбек, шунингдек, бошқа туркий халқларда оқсоқолларга берилган унвон. Бу унвон авлоддан-авлодга ўтиб борган. XVII–XIX асрларда Бийлар йирик қабилаларга бошчилик қилиб, марказий ҳукуматга итоат этганлар. Бийлар ўз қозилари

ва қозихоналарига эга бўлиб, улар қабила ва уруғларнинг жинойий ҳамда ҳуқуқий масалаларини ўзлари мустақил ҳал этганлар.

Библиография — қ. китобиёт.

“Бидон” — “бил, тушун, ўрган” маъносида бўлиб, араб тили таълимининг форс-тожик тилида содда ва қисқа баён қилиб ёзилган мадраса дарслиги. Қачон ва ким томонидан яратилгани маълум эмас. Абдураҳмон Жомийнинг “Шарҳи мулло” асаридан маълум бўлишича, “Бидон” анча илгари вужудга келган. “Бидон” мадрасада “Кофия” (қ.) дан олдин ўқитилган ва араб тили бўйича асосий қўлланма ҳисобланган.

Билик — билим, ҳикмат, илм, ақл.

Билингда — бир хил мазмундаги ёки маълум даражада бир-бирига яқин мазмундаги матннинг икки тилда ёзилиши. Бундай ҳолат қадимги ва ўрта асрларда ёзилган битикларда кўп учрайди. Масалан, Ҳиндистонда милоддан аввалги IV–III асрларда ҳукмдорлик қилган Маврия сулоласи вакили Ашоканинг фармонлари ҳозирги Афғонистон ва Покистон ҳудудидаги қоя тошларга оромий ва қадимги ҳиндий тилларида ёнма-ён ўйиб ёзилган. Мўғулистондан топилган милоднинг 583–588 йилларига мансуб Бўгут ёдномаси суғд ва қадимги туркий тилларида битилган (туркча қисми шамол томонда бўлгани учун кўп қисми ўчиб кетиб, айрим ҳарфларнинг излари сақланган, холос). Милоднинг 731 йилида бунёд этилган Култегин ёдномаси ҳам икки тилда — қадимги туркий ва хитой тилларида ёзилган. Бир матннинг икки тилда ёнма-ён ёзилиши ўша матнларни ўқиб чиқишда катта ёрдам берди. Култегин ёдномасидан қадимги туркий матнни ўқишда хитой тилидаги матн муҳим аҳамиятга эга бўлди. Олимлар хитой тилидаги матнни ўқиб, айрим туркий сўзларни топдилар ва уларни туркийча матндан ҳам излаб, қандай ёзилишини аниқладилар. Шундай қилиб, хитой тилидаги матн қадимги туркий тилдаги матнни ўқишга калит бўлиб хизмат қилди.

Бинт — қ. куня.

Биография — қ. таржимаи ҳол, ҳасби ҳол.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм — “раҳмли ва меҳрибон Аллоҳнинг номи билан (бошлайман)”. Қуръони Каримнинг ҳар бир сураси (9-“Тавба” сурасидан бошқа) шу оят билан бошланади. Мусулмонлар ҳар бир муҳим, масъулиятли ишга шу оятни астойдил айтиб киришадилар. Мусулмон оламидаги ҳамма (қўлёзма ва босма) китоблар мазкур оят билан бошланган.

Битик — 1. Ёзув. Бу сўз кўпроқ Ўрта Осиё халқларининг қадимги ёзувларига нисбатан ишлатилади. Масалан, суғд битиги, эски уйғур битиги, ўрхун-энасой битиги каби. 2. Қадимги ёзувларда қабртош ва қоятошларга, турли ёғочлар, пиширилган лой ва маъдандан ишланган буюмларга ёзилган (деярли ўйиб ёзилган) матнлар. Бундай матн (битик)ларнинг айримлари ҳажман катта бўлиб, маълум бир адабий асар, тарихий лавҳани ташкил қилади. Масалан, Култегин битиги, Билга хоқон битиги, Қорабалғасун битиги каби. 3. Китоб, асар. 4. Хат, мактуб.

Битиктош — қ. қабртош.

Битикчи — 1. Ўрта асрларда хон ва маҳаллий амалдорларнинг барча ёзув ишларини олиб боровчи мансабдор шахс. Битикчи сўзи ўрнида кейинги асрларда дафтардор, дабир, мунший, мирза сўzlари қўлланган. 2. Кўчирувчи, котиб.

Биткувчи — 1. Кўчирувчи, котиб. 2. Муаллиф.

Битма — “қўлда ёзилган, қўлда кўчирилган, ёзма”. Масалан, битма китоб, битма асар каби. Умуман “битма” сўзи “қўлёзма” маъносида ишлатилади. Яна қ. қўлёзма I.

Боб — китоб ёки асарнинг маълум даражада мустақилликка эга бўлган, алоҳида сарлавҳа ёки рақам билан ажратилган бўлаги. Боб асарнинг қисмлари таркибига киради. Ўз навбатида боб кичикроқ фаслларга бўлиниши ҳам мумкин. Қўлёмаларда қисм, боб, фасл номлари асосий матн ичида ажралиб, кўзга ташланиб туриши учун қизил (қирмизи) сиёҳ билан, айрим ҳолларда сулс хати билан ёзилади.

Бобурий, Хатти Бобурий — атоқли давлат арбоби, шоир, адиб, адабиётшунос, тарихчи Заҳириддин

Муҳаммад Бобур томонидан 1503–1504 йилларда араб ёзувини ўзбек тилига мослаштириб, ихтиро қилинган мустақил алифбо. Хатти Бобурий 29 ҳарфдан иборат бўлган. Бобур мазкур алифбони ихтиро қилгандан кейин ўзи амалда қўллаб, ўғиллари Ҳиндол ва Комронга юборган хатларини шу алифбода ёзган. Бироқ Бобурнинг кўп ҳаракат қилишига қарамай бу алифбо кенг доирада жорий қилинмай, унутилган. Ўтган асрда (ҳ. 1343 — м. 1924–1925 й) Эроннинг Машҳад шаҳридаги “Остони қудси Разави” кутубхонасида “Бобурий хат” билан кўчирилган мусҳаф — Қуръони Карим мавжудлиги аниқланди. 50-инв. рақам билан сақланаётган бу қўлёзманинг котиби номаълум. XVI асрда афғонистонлик олим Муҳаммад Тоҳир бин Қосим томонидан яратилган “Ажойиб ул-табақот” асарида “Бобурий хат”нинг муфрадоти, яъни 29 та ҳарфнинг шакли араб алифбоси билан таққосланган ҳолда берилган.

Бодома муҳр — қ. муҳр.

Бону — 1. Ўрта асрларда юқори табақа аёлларнинг исмларидан кейин қўшиб айтилган унвон. 2. Эроний ва айрим туркий халқларда аёлларнинг исмига ҳурмат юзасидан қўшиб айтиладиган сўз.

Босмаҳона — қ. матбаа.

Ботиний, илми ботиний — илоҳий илмлар, илоҳиётга доир илмлар. Илми зоҳирийнинг зидди.

Бохтар ёзуви — “Бақтрия ёзуви”, “кушон ёзуви” ва баъзи илмий адабиётларда “тохар ёзуви” номи билан ҳам юритилади. Бохтар ёзуви Ўрта Осиёнинг қадимги тарихий вилояти Бохтария (Бақтрия)да қўлланган. Унинг ҳудуди Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти, Тожикистоннинг жанубий туманлари, Туркманистоннинг шарқий қисми ва шимолий Афғонистон ерларига тўғри келади. Ўрта Осиё халқлари оромий ва ҳинд тармоғига мансуб алифболар билан бир қаторда юнон (грек) ёзуви асосида яратилган алифбодан ҳам фойдаланганлар. Милoddан аввалги IV аср охирлари, аниқроғи, 329–325 йилларда Македония подшоси Искандар Зулқарнайн Ўрта Осиёни истило қилиши натижасида бу ерда қадим юнон маданиятининг айрим кўринишлари билан

биргалиқда юнон ёзуви ҳам тарқала бошлади. Юнон ёзувининг Ўрта Осиёдаги тараққиётини билишда тангалар ҳам ёзма ёдгорликлар қаторида қимматли манба бўлиб хизмат қилади. Ҳозиргача Ўзбекистон ҳудудидан Искандар Зулқарнайн вафотидан кейин вужудга келган Салавкийлар, Грек-Бахтар давлатлари, Кушон подшолиги даврларида зарб қилинган, ёзувлари юнон алифбосида бўлган тангалар топилган. Юнон алифбоси акс этган дастлабки тангалар Салавкийлар даврида чиқарила бошланди. Милоддан аввалги 293–280 йилларда Бахтариянинг шарқий қисмлари ноиб, Салавкнинг ўғли Антиох биринчи марта пул чиқаришга асос солди. Унинг тангалари юнон намунаси бўйича чиқарилди. Унда юнон тилидаги ёзувлар ва подшонинг сурати акс этган эди. Бу тангаларнинг номи ва оғирлик ўлчовлари ҳам юнонча аталган. Грек-Бахтария давлати зарб этган тангаларда ҳам Салавкийлар анъанаси давом эттирилган. Танганинг юза томонида подшо расми, орқа томонида эса юнон маъбуд (худо)ларидан бирининг расми ифодаланган. Бироқ бу даврда маҳаллий таъсир ҳам пул зарб қилишда секин-аста кўрина бошлади. Чунончи, тангалардаги юнон маъбудларининг баъзи хусусиятлари Шарқ маъбудлари — зардуштийлик худоларининг айрим кўринишларига ўхшатиб ишланган. Бизгача Салавкийлар тангалари жуда оз миқдорда етиб келган. Грек-Бахтария тангалари эса бир мунча кўпдир. Грек-Бахтария кумуш тангаларининг бир дафинаси (100 донага яқин) Қашқадарё вилоятининг Китоб шаҳридан топилган. Милоднинг бошларида Бахтарияда Кушонлар салтанати ҳам ўз тангаларини зарб этишда юнон алифбосидан фойдаланишни давом эттирди. Бу давр юнон алифбосидан фойдаланишнинг ўзига хос янги босқичи ҳисобланади. Кушон тангаларидаги ёзувлар юнон алифбоси билан юнон тилидаги сўзлар, юнонча талаффуз билан эмас, балки юнон алифбоси қўлланган ҳолда Бахтариянинг маҳаллий аҳолиси тили — бохтар тили ва талаффузида ёзила бошлади. Кушон подшолари тангаларда ўз унвон ва исмларини юнон тилида эмас, бохтар тилида ифода эттирдилар. Бу ҳолат подшо Канишка I даври (милодий

78–123 йиллар)да юнон ёзуви маҳаллий бохтар тилига тўла мувофиқлаштирилиб, ёзув ислоҳоти ўтказилганидан гувоҳлик беради. Канишканинг зарб қилган тангаларида биринчи марта юнон ёзуви билан битилган бохтар тилидаги матнлар пайдо бўлди. Шунинг учун уларни бохтар тилининг илк ёдгорликлари, деб айтиш мумкин. Кушон тангаларидан бир қанча намуналар етиб келган. Айниқса, бу хил тангалар Сурхондарё вилоятидан кўплаб топилган. Демак, тарих, археология ва тилшунослик фанлари тўплаган материалларга суяниб, бохтар ёзуви ва бохтар тили манбаларини Кушон подшоси Канишка давридан, яъни милодий I асрнинг ўрталаридан деб ҳисоблаш тўғрироқ бўлади. Ҳозиргача фанда маълум бўлган бохтар ёзувидаги иккита йирик ёдгорлик (битик) ҳам милоднинг I асрига тааллуқлидир. Уларнинг бири 1957 йилда Шимолий Афғонистоннинг Бағлон вилоятида, Сурх-Кўтал деган жойда қазилш ишлари вақтида топилди. Милодий I асрга мансуб 25 сатрдан иборат бу битик Сурх-Кўтал ибодатхонасининг қурилиши ҳақида хабар беради (битик ўз жойида сақланмоқда). Бохтар ёзувидаги иккинчи ёдгорлик 1979 йилда Сурхондарё вилоятидан, Термиздан 18 чақирим нарида жойлашган Айритом харобасидан чиқди. У ҳам милоднинг I асрига мансуб бўлиб, ҳайкал пойидаги тоштахтага ўйилган 6 сатр матндан иборат (тоштахта Тошкентга Ҳ.Ҳ.Ниёзий номидаги Санъатшунослик институтига олиб келинган). Кушон подшолиги тангалари ва ҳар икки ёдгорликдаги матнларда юнон алифбосининг 24 ҳарфи мавжуд бўлиб, юнон тилида бўлмаган “ш” товуши учун қўшимча бир белги қабул қилинган. Шундай қилиб, ҳарфлар сони 25 та бўлган. Ёзувнинг йўналиши горизонтал бўлиб, чапдан ўнгга қараб ёзилган ва ўқилган. Тарихий маълумотларга қараганда, бохтар ёзуви VIII аср бошларига қадар қўлланиб келган. VII асрнинг 30-йилларида Тохаристонда (VII асрдан бошлаб араб, форс, хитой манбаларида бохтарлар тохарлар деб, Бахтария Тохаристон деб юритила бошлаган) бўлган хитой руҳонийси Сюань Цзянь “Ту-хо-ло (Тохаристон) ёзуви Су-ли (Суғд) ёзувидан кескин ажралиб туради. Бу ёзув 25 ҳарфдан иборат бўлиб, унинг

йуналиши горизонтал, чапдан унга қараб ёзилади", деб хабар беради. Сюань Цзянь таърифлаган ёзув шубҳасиз бохтар ёзуви бўлиб, VII асрда Тохаристонда маҳаллий тилларга мувофиқлаштирилган юнон алифбосининг ҳамон амалда бўлганини тасдиқлайди. Сюань Цзяннинг яна хабар беришича, Тохаристонда кўп сонли адабий асарлар ҳам мавжуд бўлган. Улар ҳажм жиҳатдан сўғча асарлардан қолишмаган. Араб муаллифи ас-Сомоний (XII аср)нинг ёзиб қолдирган маълумотларига кўра, араб истилоси даврида Вашгирд (ҳозирги Файзобод) ва Қабодиён вилоятларида махсус алифбо мавжуд бўлиб (бохтар ёзуви дейилмоқчи), у билан китоблар ёзилар эди, дейди. Шундай қилиб, бохтар ёзуви VIII аср бошларига қадар амалда қўлланган.

Бохтар тили — милоднинг I–III асрларида мавжуд бўлган қадимги тарихий вилоят — Бохтария аҳолисининг асосий тили. Милоднинг бошларида муस्ताқил тил сифатида шаклланган ва Кушон подшоси Канишка I (ҳукмдорлик йиллари — 78–123) даврида Кушон подшолигининг давлат тили сифатида қабул қилинган. Бохтар тили матнларини ёзиш учун бохтар ёзуви қўлланилган. Бохтар тили асримизнинг ўрталарига қадар Кушон подшолари зарб этган тангаларга ёзилган айрим қисқа матнлар орқали маълум бўлса-да, ҳали йирик ёдгорликлар йўқ эди. 1957 йилда Афғонистоннинг Бағлон вилоятидан Сурх-Кутал ёдгорлигининг топилиши эрон тиллари тарихида катта кашфиёт бўлди. Деярли яхши сақланган мазкур битикнинг матни бохтар тилининг муҳим хусусиятларини ўрганишда эроншуносларга катта имконият туғдиради. Бохтар ёзувидаги иккинчи ёдгорлик 1979 йилда Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри яқинидаги Айритом харобасидан чиқди. Ҳар иккала битик милоднинг I асрига мансуб. Бохтар тили Ўрта давр эрон тилларининг шарқий гуруҳига киради. Унинг фонетикаси, грамматикаси ва лексикасида шарқий эроний тилларга хос қадимий хусусиятлар сақланган. Милодий IV аср биринчи ярмидан Кушон подшолигининг инқирозга юз тутиши билан бохтар тили расмий давлат аҳамиятини йўқотди. Аммо халқ сўзлашув тилида яна

бир неча асргача яшаб борди. Араб истилосининг дастлабки йилларида Тохаристонга (VII асрдан бошлаб Бохтария вилояти Тохаристон деб, бохтар тили тохар тили деб юритила бошлаган) келган хитой руҳонийси Хой-Чао-а (унинг сафари 726–727 йилларда кечган)нинг айтишича, Хуттал (ҳозирги Тожикистоннинг Хатлон вилояти) аҳолисининг бир қисми тохар (бохтар) тилида сўзлашган. Бохтар тилининг айрим шевалари қишлоқ жойларда X–XI асарларда ҳам сақланиб қолади. Бунга Абу Райҳон Берунийнинг “Китоб ус-сайдана фит-тибб” (Табобатда доришунослик китоби) асарида бир неча доривор ўсимликларнинг номларини тохар (бохтар) тилида келтириши далил бўла олади. IX–X асрларда “дарий” деб аталган форс тилининг тарихий Бохтария (Тохаристон) ҳудудидан бохтар (тохар) тилини сиқиб чиқариши жуда кучайди. Оқибатда қадимги бохтар (тохар) тили истеъмолдан чиқди ва фақатгина тарихий Бохтариянинг жуда узоқ шарқий қисми — баланд тоғли Мунжон водийсида бир шева сифатида сақланиб қолди. Тарихчи-этнографларнинг фикрларига қараганда, Помир халқлари гуруҳига кирувчи мунжонлар қадимги бохтарийларнинг авлодлари ҳисобланади. Помир тиллари гуруҳига мансуб мунжон тилини тарихий-қиёсий ўрганиш натижасида қадимги бохтар тилига хос шакллар мавжудлиги аниқланган.

Бош сўз — араб хати билан битилган барча қўлёзмаларда жумлалар матн орасида махсус бош сўз (абзац)га ажратилиб, янги сатрдан ёзилмайди. Насрий матнлар сидирғасига кетма-кет ёзилаверади. Башарти, бу туркум фикрларни жамлаган жумлаларни алоҳида таъкидлаб, ажратиб кўрсатишга зарурат туғилса, ўша жумланинг биринчи ёки бир неча сўзи қизил сиёҳ билан ёзилган, қизил чизиқ билан устига чизиб қўйилган ёхуд сулс хати билан йирикроқ қилиб битилган. Шеърий матнлар бундан мустасно. Улар кўпинча саҳифада устунларга ажратиб жойлаштирилган.

Брахми ёзуви — Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонда қўлланган ҳинд тармоғига мансуб ҳарфли-бўғинли ёзувлардан бири. Милоддан олдинги VIII асрларда

финикий ёзувидан ажралиб чиқиб, Ҳиндистон ярим оролида кенг тарқалган. Браҳми ёзуви милонинг бошларида будда динининг Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонда тарқалиши билан шу ҳудудларга кириб келди. Ундан эроний ва туркий тилларда сўзлашувчи халқлар фойдалана бошладилар. Ўрта давр эрон тилларидан хутан-сак тилининг VII–X асрларга мансуб ёдгорликлари браҳми алифбосида битилган. Қадимги туркий халқлар ҳам ўрхун-энасой ва эски уйғур ёзувлари қаторида браҳми ёзувидан ҳам қисман фойдаланганлар. VII–IX асрларга тегишли қадимги туркий тилнинг айрим ёдгорликлари шу ёзувда бизгача сақланиб қолган. Браҳми ёзувидаги эроний ва туркий тиллардаги ёдгорликлар XX аср бошларида Шарқий Туркистонга уюштирилган илмий сафарлар вақтида топилган. Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонда битилган браҳми ёзуви матнлари чапдан ўнга қараб ёзилган ва ўқилган. Дастлабки даврларда (мил. авв.) браҳми ёзуви ўндан чапга қараб ёзилган ва ўқилган. Браҳми алифбосида ҳарфларнинг сони турли даврларда бир мунча фарқ қилган. Жумладан, қадимги туркий тил матнлари учун қўлланган браҳми алифбосида 50 дан ортиқ белги бор. Ўзбек олимлари 1961 йилдан бошлаб Термиз яқинидаги Қоратепа будда ибодатхонасида қазилган ишлари олиб бормоқдалар. Қазилmalar вақтида милонинг I–III асрлари — Кушон подшолиги даврига мансуб турли буюмларга битилган браҳми ёзуви парчалари ҳам топилди.

Бу — қ. абу.

Бузург амир — қ. амир.

Бузург бек — қ. амир.

Булағо (б.балиғ) — сўз санъаткорлари, маҳоратли адиблар, балогат эгалари.

Булут — бир турли денгиз жониворининг говакли юмшоқ танаси. Аслида ундан баданни совунлаб ишқалашда фойдаланилган. Шунингдек, ундан китобатчиликда ҳам фойдаланилган: хаттот китоб кўчираётган чоғида хатоликка йўл қўйса, ўша жой сувланган юмшоқ булут билан артилган. Бир оз вақтдан сўнг қуригач, озроқ крахмал суртилган ва бу жой энди ёзилажак сўзнинг тўғри ҳолатни ёзиб қўйишга ярарли бўлган.

Бурж I — қуёшнинг йиллик ҳаракати йўли бўйлаб жойлашган ўн икки юлдузлар туркумининг мажмуъи. Бу юлдузлар туркумининг ҳар бирида қуёш тахминан бир ой бўлиб, ўн икки ойда бир марта уларнинг ҳаммасидан ўтиб чиқади. Қуёш йили бўйича тузилган ҳамма тақвимлар, йил ҳисоблари қуёшнинг йиллик ҳаракатига асосланади ва буржнинг биринчи ойдан бошланади. Бурж ойлариининг номлари араб тилидан олинган. Ойларнинг номлари, тартиби ва милодий йил ҳисобига мувофиқ келиш муддатлари қуйидагича: 1. Ҳамал — 21 мартдан 20 апрелгача. 2. Савр — 21 апрелдан 21 майгача. 3. Жавзо — 21 майдан 22 июнгача. 4. Саратон — 22 июндан 23 июлгача. 5. Асад — 23 июлдан 24 августгача. 6. Сунбула — 24 августдан 23 сентябргача. 7. Мезон — 23 сентябрдан 23 октябргача. 8. Ақраб — 23 октябрдан 22 ноябргача. 9. Қавс — 22 ноябрдан 22 декабргача. 10. Жадий — 22 декабрдан 20 январгача. 11. Далв — 20 январдан 19 февралгача. 12. Ҳут — 19 февралдан 21 мартгача.

Бурж ойлариининг форс-тожикча аталиши: баррий, гов, дупайкар, харчанг, шер, хўша, тарозу, гаждум, камон, бузгола, дул, моҳий.

Эски туркий тилда, хусусан, XI асрнинг ёзма обидаси Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида бурж ойлари қуйидаги номлар билан аталган: қўзи, уд (сигир), эрантиз (эгизак қиз), қучиқ (қисқичбақа), арслон, бугдой боши (сунбула), улгу (тарозу), чадан (чаён), йо (камон), ўглақ (тоғ эчкиси), кўнак (қовға), балиқ.

Бурж ойлариининг “Қутадғу билиг” да берилган номлари XIV аср охирларигача туркий ёзма манбаларда айрим товуш ўзгаришларига учраган ҳолда қўлланиб келди. XV асрдан, хусусан, Алишер Навоий асарларида бурж ойлари арабча номлар билан ишлатилган. Ҳозирги ўзбек тилида бурж ойлариининг аталиши: қўй, сигир, эгизак қиз, қисқичбақа, арслон, бошоқ, тарозу, чаён, ёй, тоғ эчкиси, қовға, балиқ. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқлар орасида ҳам бурж ойлариининг арабча аталиши кенг тарқалган. Бурж ойлариининг дастлабки олтитаси (ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад,

сунбула) 31 кундан, кейинги иккитаси (мезон, ақраб) 30 кундан, биттаси (қавс) 29 кундан, охирги учтаси (жадий, даъв, ҳут) 30 кундан бўлади. Кабиса йилида қавс ойи ҳам 30 кун ҳисобланади. Юқорида бурж ойлариининг тартиби берилганда, уларнинг ҳаммаси милодий ҳисоб бўйича 21 ...дан 21 ...гача деб кўрсатилди. Бу рақамлар буржларнинг милодий ойларга мувофиқ келишининг ўртача олинган вақтларидир. Бундан ўқувчи ажабланмаслиги керак. Аслида қуёшнинг йиллик ҳаракати давомида ортиб қолган соат, дақиқа ва сонияларни мунажжимлар қўшиб ҳисоблаб, бурж ойлариининг қай бири милодий ойлариининг қайси кунидан бошланишини олдиндан аниқ белгилаб қўядилар. Ана шунга кўра бурж ойлари милодий ойлариининг 19, 20, 21, 22 ва ҳатто 23-кунидан бошланиши ҳам мумкин. (Чунончи, ҳижрий-шамсий 1374 йил сунбула ойининг 1-куни милодий 1995 йил август ойининг 23-кунидан бошланди). Ҳозирги вақтда бутун Яқин ва Ўрта Шарқ давлатларида расмий амал қилиб келинаётган ҳижрий-шамсий йил ҳисобига бурж ойлариининг номлари олинган (Эронда буржнинг арабча номлари ишлатилса ҳам, йил ҳисобига расмий ой номлари қилиб қадимги зардуштий номлари қабул қилинган). Ўтмишда Шарқ халқлари каналлар қазич, мавжуд сув иншоотларини таъмирлаш, кўчатлар экиш, деҳқончилик ишларини олиб бориш, чорвачиликнинг турли мавсумлари (урчитиш, қўзилатиш, қирқув, қишловдан ўтлоққа чиқиш ва қайтиш) ни ва бошқа тадбирларни буюк ойлариининг кунларига қараб амалга оширганлар. Умуман, буржларга суяниб иш юритиш халқ ҳисобдонлигининг асосий қон томири бўлган. Шунингдек, бурж туркумидаги юлдузларнинг ҳаракат-ҳолатлари ва ўзаро муносабатлари бўйича мунажжимлар берган ҳисоб-китобларга қараб сиёсий, ҳарбий тадбирлар ҳам белгиланган.

Бурж II — қалъа деворига туташтириб қурилган, бошқача қилиб айтганда, қалъа деворидан ташқарига бўртиб чиқиб турувчи доирасимон ёки тўртбурчак шаклдаги минорасимон қисм. Баъзан буржлар устида ва ичкарасида махсус хоналар — буржчи хоналар ҳам қурилган. Буржлар, асосан, қалъа деворининг мустаҳкамлигини таъминлаш, қолаверса, қулай ҳарбий

мудофаани кўзлаб барпо этилган. Чунки, ташқи ҳужум пайтида деворнинг бўртиб чиқиб турган бу қисмида ёвга фақат олд томонидангина эмас, балки, унинг ён томонидан ҳам қаршилиқ кўрсатиш имкони бўлган.

Бухорий, хатти бухорий — XIX–XX асрларда Бухоро хаттотлик мактабида настаълиқ хатининг номи.

Бухорхудотлар — араблар Бухорони истило эткунга қадар (милодий 709 йил) Бухоро подшоҳларининг унвони.

Букрот — қадимги юнон табиби, илмий табобатнинг асосчиларидан бири Гипократнинг Шарқдаги номи. Милоддан аввалги 460–375 йиллар.

Бугролар — X–XI асрларда Қорахонийлар ҳоқонлигининг ғарбий қисмини ҳоқон номидан идора қилган сулола хонларининг лақаби. Бу лақабни олган хонлар Бугрохон деб номланган.

Буди-будой — Алишер Навоий асарларида тилга олинган маросим кўшиқларидан бирининг номи. Ўзбеклардан бошқа туркий халқларда ҳам мавжуд бўлган. Ҳозир бу кўшиқ ўзбеклар орасида “сув хотин, сувсиз хотин” номи билан сақланган. Буди-будой кўшиғи, асосан, қурғоқчилик йилларида болалар томонидан Тангридан ёмғир тилаш мақсадида айтилган. Қўғирчоқ кутарган болалар уйма-уй юриб, мазкур кўшиқни айтадилар. Уй эгалари болаларга сув сепганлар.

Бугин ёзуви — бу ёзув шундай ёзувки, унда ҳар бир график белги бир бугинни ифода этади. Бугин ёзуви ёзув маданияти тарихида қатор босқичларни босиб ўтди. Милоддан аввалги биринчи минг йилликда ва милоднинг бошларида ҳинд тармоғига мансуб браҳми ва кҳарошги ёзувларида ҳар бир ундош ҳарф ёнига унли товуш орттириш йўли билан шакллантирилган бугин ёзуви пайдо бўлди. Ана шу бугин ёзувига мансуб браҳми ва кҳарошги хатларидаги айрим парчалар Термиз яқинидаги Қоратепа будда ибодатхонасидан топилган. Мазкур матнлар ташрифномалар бўлиб, ибодатхонага келган зиёратчилар томонидан ёзиб қолдирилган. Улар будда динининг ибодат тили — қадимги ҳинд тилида битилган.

Вазир — Шарқ мамлакатларида давлатни бошқаришнинг бирор соҳасига бошчилик қилувчи мансабдор шахс. Туркистон тарихида мавжуд бўлган турли давлатларда вазирлар сони турлича бўлган. Вазирлар давлатнинг олий девони таркибига кирган. Амир Темур давлатида ҳокимиятни бошқаришда еттига вазир иштирок этгани маълум. Биринчи вазир бош вазир ёки вазири аъзам деб ҳам аталиб, унинг зиммасига мамлакат ва раиятнинг энг муҳим ишларига мутасаддилик қилиш топширилган. Иккинчи вазир сипоҳ, яъни ҳарбий ишларни бошқарган. Учинчи вазирга давлатга қарашли ер-сув, мол-мулкни тасарруф қилиш, яйлов ва ўтлоқларни кузатиб туриш, бож, солиқ ва закотлардан тушган даромадларни ҳисоб-китоб қилиш — умуман, молия ишлари юклатилган. Тўртинчи вазир зиммасига хазинадан сарфланаётган нарсаларни назорат қилиш, давлат хазинасининг кирим-чиқимларини олиб бориш топширилган. Бешинчи вазир адлия-ҳуқуқ ишларига раҳбарлик қилган. Олтинчи вазир давлат мансабдорларининг ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни қандай адо этаётганликларини назорат қилган. Еттинчи вазир хорижий мамлакатлар билан олиб бориладиган муносабатларга бошчилик қилган. Ҳарбий вазир ўз зиммасидаги ишлар бўйича махсус девонни бошқарган. Чунончи, ҳарбий вазир Девони сипоҳга, адлия вазири Девони қуззотга, мансаблар вазири Девони мушрифга бошчилик қилган ва ҳоказо. Ҳамма вазирлар ва девонлар Вазири аъзам ва Олий девонга бўйсунган. Вазири аъзам Олий девон бошлиғи бўлгани учун Соҳиби девон, баъзан Девонбеги номлари билан юритилган.

Вазири аъзам — қ. вазир.

Вазн — “ўлчов” маъносида бўлиб, бунда асосан, шеърий асарнинг оҳангдорлик ўлчови, ҳолати назарда тутилади. Вазн шеърий нутқни насрий нутқдан ажратиб турувчи энг муҳим асос ҳисобланади. Шу билан бирга вазн шеърий асарнинг оҳангдорлигини ташкил этувчи ҳамма воситаларни жамловчи умумий ном ҳамдир. Шеърий асар

оҳангдорликни, ритмикликни ташкил этувчи ўлчовларига қараб қайси вазнда ёзилганлиги белгиланади. Ўзбек адабиёти тарихида шеърӣ асарларнинг деярли ҳаммаси аруз вазнида ёзилган. Адабиётимиз тарихидаги баъзи шеърлар, ўзбек халқ оғзаки ижодининг назмий асарлари, ХХ аср ўзбек адабиётининг шеърӣяти бармоқ вазнида яратилган. Бармоқ вазнидаги асарлар мисралардаги ҳижо (бўгин)ларнинг бир миқдорда, туроқларнинг бир текисда такрорланиб келишига асосланади.

Ўзбек ёзма адабиётида ва халқ оғзаки ижодида қўлланиб келган аруз ва бармоқ вазлари узоқ асрлар давомида бир-бирига таъсир кўрсатди. Натижада аруз вазнидан ҳам, бармоқ вазнидан ҳам аралаш фойдаланиб ёзилган асарлар вужудга келди. Бундай асарларнинг вазни қоришиқ вазн деб аталади. Бу вазнга мисол қилиб Аҳмад Яссавийнинг ҳикматлари, ўзбек халқ оғзаки ижодидаги айрим мақол ва қўшиқлар, ХХ аср ўзбек адабиётидан Гафур Гуломнинг “Кўкан” достони ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. қ. аруз.

Вакил — Бобурийлар даврида Ҳиндистонда подшоҳдан кейинги мансабдорга берилган унвон. Вакил унвонига бобурийлар даврида бир қанча машҳур кишилар сазовор бўлганлар. Бу унвон мунтазам давом этмай, айрим ҳукмдорларнинг даврида қўлланилмаган.

Ваколатнома — ишонч қоғози, вакиллик ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

Валад — бола, фарзанд, ўғил. Кишиларнинг исми шарифи зикр этилганда арабча “ибн” ўрнида қўланади. Масалан, Дўстмуҳаммад валади Эшмуҳаммад (Дўстмуҳаммад Эшмуҳаммад ўғли), Саййид Маҳмуд валади Муҳаммад Турди Саййид (Саййид Маҳмуд Муҳаммад Турди Саййид ўғли) каби. “Ибн” сўзи ўрнида “валад”ни ишлатиш XVIII–XIX асрлар Хоразм тарихий-адабий манбаларига хосдир. Хаттотлар ҳам қўлёзмалар охирида ўз исми шарифларига “валад”ни қўшадилар.

“Ва лаҳу айзан” — “ва яна ундан” маъносида бўлиб, девонларда (баъзан баёз ва мажмуаларда ҳам) бир жанрдаги шеърнинг ёки бир шоир ижодига мансуб шеърнинг кетма-кет келаётганлигини билдириш учун ҳар бир шеър устига ёзиб қўйилади. Яна қ. айзан.

Валий — Худога яқин кишилар, дуоси ижобат бўладиган улуг зотлар.

Валиаҳд — подшоҳ ёки хоннинг ҳаётлик вақтида ўз ўрнига тайинлаб қўйган меросхўр, вориси. Валиаҳд тайинлаш маросимида ҳукмдорнинг энг яқин кишилари, қариндош-уруғлари, сарой акобирлари ва уламолар иштирок этган. Одатда валиаҳдликка илми, қобилиятли, давлатни бошқаришга лаёқатли, айрим ҳолларда эса ёши улуг кишилар қўйилган. Агар ҳукмдор ҳаётлик вақтида бирор сабаб билан ихтиёрий равишда тожу тахтдан воз кечса, дарҳол валиаҳд номига хутба ўқилган ва у давлатни идора қилишга киришган. Ҳукмдор вафотидан кейин эса валиаҳд меросхўр сифатида ҳукмдорнинг ишини давом эттирган.

“Валлоҳу аълам”, “Валлоҳу аълам бис-савоб” — “Аллоҳ билгувчидир”, “Аллоҳ тўғрисида билгувчидир”. Қўлёзма кўчириб тугаллангач, котиблар кўпинча шу ибораларни ёзиб қўядилар.

Валинеъмат — 1. Ўз қўл остидаги кишиларнинг эҳтиёжларини қондириб турувчи шахс, олийҳиммат, саховатли одам. 2. Айрим ҳолларда подшоҳ, хон, амир, бекларга мурожаат қилинганда ҳам шу сўз ишлатилган.

Валиюллоҳ — қ. валий.

Варақ — қўлёзма (китоб)га ишлатилган маълум шакл ва ўлчовдаги қоғоз, китоб варағи.

Варақлар сони — маълум бир асарнинг умумий ҳажмини варақлар миқдори бўйича кўрсатиш. Агар бирор жилд қўлёзма таркибида бир неча асар мавжуд бўлса, ҳар бир асарнинг ҳажми варақлар сонига қараб алоҳида-алоҳида белгиланади.

Варақнавард — 1. Варақ юзига хат битувчи, котиб. 2. Ёзувчи, муаллиф.

Варақнигор — қ. варақнавард.

Вариант — қ. таҳрир.

Варроқ — 1. Қўлёзма учун ишлатиладиган қоғозни котиб, муаллиф ёки бошқа бирор буюртмачининг илтимоси ёхуд тавсиясига кўра маълум шакл ва ўлчовда варақ ҳолига келтириб, қирқиб, тайёрлаб берувчи ҳунарманд. 2. Кўчирувчи, котиб. 3. Ёзувчи, муаллиф.

Васиятнома — марҳумнинг ўз яқинларига ёзиб қолдирган топшириқ ёки истаги.

Васиқа — Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ХХ аср бошларигача мол-мулк сотиб олганлик тўғрисидаги расмий ҳужжат. Васиқалар, асосан, кўчмас мулкка (ер-сув ва хўжалик биноларига) доимий ёки вақтинча эгалик қилиш учун тузилган. Васиқа фақат бир нусхада ёзилиб, ҳар икки томон (сотувчи ва олувчи) ҳамда гувоҳлар имзо чекканлар, унга қози ҳам имзо қўйиб, ўз муҳри билан тасдиқлаган. Тарихнинг турли даврларида тузилган васиқалар бизгача етиб келган.

Васойиқ (б. васиқа) — васиқалар. қ. васиқа.

Васла — араб ёзувида сатр усти белгиларидан бири бўлиб, “қўшиш” деган маънони беради. Васла чўзиқроқ ётиқ баргсимон белги бўлиб, бу белги арабча изофали бирикмаларда ل қўшимчасининг биринчи ҳарфи (алиф) устига ِ шаклида қўйилади ва ҳар икки сўзни қўшиб ўқишга ишора қилади. Масалан: فوق العاده фавқулодда, دارالافتون дорулфунун каби.

“Вассалом” — бу сўз кўпинча мактуб охирига қўйилиб, “тамом, тугади”, “бўлгани шу”, “бошқа гап йўқ” каби маъноларни англатади.

Вассол — қўлёзмаларни таъмир қилувчи саҳҳоф.

Вассолик — уринган қўлёзмаларни таъмир қилиб, қайта тиклаш иши. Бу ишни қўлёзмага ишлатиладиган ашёлар, уни китоб ҳолига келтиришда қўлланадиган асбоб-ускуналар ва китобат жараёнларидан тўла хабардор бўлган киши бажара олади. Бундай киши кўпинча саҳҳоф бўлади. Қўлёмани таъмирлаш вақтида, асосан, қўйидаги ишлар амалга оширилади: четлари титилган, йиртилган варақларга айна шу қўлёммага ишлатилган қоғозга ўхшаш ёки шунга яқин келадиган қоғоз ёпиштирилади; жузвдан кўчган, ажраган варақлар бўлса, қайта маҳкамланади; варақларда жадвал чизиги бўйлаб қирқилган уринларга қоғоз ёки мато ёпиштирилади; варақнинг матн ёзилган қисмида тешилган жойлар бўлса, матнни ўқишга имконият берадиган даражада юпқа оқ мато ёки қоғоз ёпиштирилади; муқованинг таяки ва лабакиси титилиб ёки тушиб кетган бўлса, магиз

ёки чарм қопланади; муқова жуда афтода ҳолда бўлса, қулёзма янги (кейинги) муқовага олинади. Қулёзмадан йиртилиб тушиб кетган варақларни тиклашда вассол котибга мурожаат қилади. Котиб ўша қулёзмадан тушган варақлардаги матни бошқа нусхадан олиб ёзади. Матн кўчирилиб, тайёр бўлгач, вассол янги варақларни ўз ўрнига қўйиб, қулёзмани тўлдиради.

Васф — араб қасидаларининг насабдан кейинги — иккинчи қисми. қ. қасида.

Вафотнома — вафот этган кишиларга бағишлаб ёзилган асарлар. Бундай асарлар, кўпинча, шеърий бўлади. Улар Шарқ адабиётида марсия деб юритилиб, шеъриятнинг маснавий, таржиъбанд, қасида, қитъа, фард ва бошқа шаклларида ёзилиши мумкин. Вафотнома асарларда марҳумнинг ўлимига чуқур қайғу, ачиниш баён этилади, унинг энг яхши фазилатлари улуғланади. Шундай яхши фазилатларини марҳумнинг фарзандлари, келажак авлод давом эттиришига умид билдирилади. Айрим вафотномаларда марҳум вафоти санасига абжад билан таърих моддаси ҳам туширилади. Алишер Навоийнинг ўз устози Абдурахмон Жомий вафотига бағишлаб ёзган етмиш байтдан иборат таржиъбанди ўзбек адабиётида вафотнома асарларнинг машҳурларидандир.

Ваъз — воиз томонидан айтиладиган сўз, нутқ. қ. воиз, воизлик.

Ваъз-насиҳат — қ. ваъз, воизлик.

Ваъзхонлик — қ. воизлик.

Вақф I — туриш, тўхташ (ўқиганда, сўзлаганда). “Нуқтат ул-вақф” (тўхташ нуқтаси) — араб тилидаги бу ибора ҳозирги тилимизда жумла охирига, хусусан, дарак гап охирига қўйилувчи тиниш белгиси — нуқта маъносини ифодалайди.

Вақф II — масжид, мадраса, хонақоҳ, авлиёларнинг мазоротлари ва шу кабилар таъминоти учун белгилаб қўйилган даромадли ерлар, хўжалик бинолари ва ҳоказо мол-мулклар.

Вақфия, вақфият — 1. Вақф қилинган мол ҳақидаги ҳужжат. қ. вақфнома. 2. Алишер Навоий асарларидан бирининг номи. Асарда Алишер Навоий давлат арбоби

сифатида юқори лавозимларда хизмат қилган вақтида ўз ихтиёридаги мулк ва маблағлардан қандай мақсадларда фойдалангани, шу маблағлар ҳисобига Ҳирот ва унинг ташқарисида қурдирган жамоат бинолари (бинойи хайрия), уларда ўрнатилган тартиб ва қоидалар, мадраса талаблари ва мударрисларига берилган холисона моддий ёрдамлар, уларга вақф қилинган даромадли ерлар, мулк ва маблағлар миқдори ҳақида маълумот беради.

Вақфнома — давлат ҳукмдори, шунингдек, айрим мулкдорлар томонидан масжид, мадраса, хонақоҳ, авлиёларнинг мазоротлари ва шу кабилар ихтиёрига вақтинча ёки доимий фойдаланиш учун берилган, яъни вақф қилинган ер-сув, мол-мулк, хўжалик бинолари ҳақидаги расмий ҳужжат. Турли даврларга мансуб вақфномаларнинг тузилиши қуйидагича бўлган: Аллоҳ ва пайғамбарга ҳамду сано айтилгач, ҳужжатнинг ҳуқуқий моҳияти ёритилади, вақфга кирувчи ер-сувнинг чегараси, хўжалик бинолари ва мол-мулкнинг рўйхати берилади ҳамда улардан фойдаланиш шартлари кўрсатилади. Ҳужжат охирида вақф қилувчининг имзо ва муҳри босилиб, қозихонада тасдиқланади.

Ваҳий — ислом таълимоти бўйича Муҳаммад пайғамбарга Жаброил фаришта воситаси билан Аллоҳ таоло юбориб турган хабар, буйруқ; Худо сўзи.

Вахши қалам, вахшийи қалам — қамиш қалам учудаги узунасига кетган ёриқ (шақ)нинг ўнг томони.

Версия — бир мавзудаги асарнинг икки, ҳатто уч-тўрт хил йўналишдаги баёни. Версияда асарнинг асосий қаҳрамони сақланиб қолса-да, аммо у билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар янгича мазмун олиши мумкин. Версиялар кўпинча бир-биридан узоқ масофа — географик ҳудуд ва минтақаларда юзага келади. Чунончи, Искандар Зулқарнайн ҳақида Оврўпа ҳамда Осиёда кўплаб ёзма ва оғзаки асарлар вужудга келган. Лекин уларнинг қаҳрамони Искандар бўлса-да, воқеа-ҳодисалар баёни турличадир. Шунинг учун мазкур адабий асарлар Искандар ҳақидаги Ғарб ва Шарқ версияларига бўлинади.

Вирд (к. аврод) — қ. аврод.

“Вов” — араб алифбосининг йигирма олтинчи ва араб ёзувига асосланган эски ўзбек алифбосининг ўттизинчи ҳарфи (و)нинг номи. Абжад ҳисобида 6 га тенг. Вов ёзилиш шаклларига кўра уч хил ном билан юритилади: вови қавсий (ёйсимон вов), вови мушаммар (учи қайрилган вов), вови мурсал (чўзилган, узайтирилган вов). Вов ҳарфи ҳам ундош, ҳам унли товуш вазифаларини бажаради:

1. Сўз ёки бўғиннинг турли ўринларига келиб, “в” ундош товушини билдиради. Масалан: وزير вазир, وطن ватан, جواب жавоб, دوات давот, افو афв, سرو сарв, جزو жузв, روشن равшан, نوروز наврўз каби.

2. Сўз ўртасида ёки охирида келиб, “у” ёки “y” товушларини билдиради. Масалан: خورشيد хуршид, بگون бугун, بوتون бутун, دوست дўст, توفان тўфон, ككو каду (ошқовоқ) каби.

3. خ хе билан ا алиф ўртасида келганда “вов” бутунлай талаффуз этилмайди. Бундай ҳолат фақат эроний тиллардан кирган сўзлардагина учрайди. Масалан: خوارزم Хоразм, خواجه хожа, خواهش хоҳиш, خوانيش хониш, خوار хор (“хор-зор” сўзининг биринчи қисми), خواب хоб (уйқу), خوان хон (дастурхон) каби.

4. خ хе билан ي йо ўртасида келганда “вов” бутунлай талаффуз этилмайди. Бундай ҳолат эроний тилларга мансуб бир неча сўзгагина хосдир. Масалан: خویش хеш (қариндош). (Шу “хеш” сўзидан ясалган ҳамма сўзлар шу қоида билан ёзилади).

5. Сўз бошида “вов” у ёки ў унли товушларини билдириб келса, доимо унинг олдига бир алиф орттирилади (او шаклида). Бу қоида фақат туркий ва форсий сўзлар учун қўлланилади. Масалан: اوى уй, اوزوك узук, اولاغ улоғ, اوچماق учмоқ (жаннат), اوزبيك ўзбек, اوتون ўтун, اورمان ўрмон каби.

Вожгуна, хатги вожгуна — қ. тавъамон.

Воиз — ваъз айтувчи, панд-насиҳат қилувчи.

Воизлик — халқ маънавий-маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган анъаналардан биридир. Воизлик ўзбек халқининг тарихида кишиларнинг руҳи ва онгига кучли таъсир кўрсатувчи баркамол санъат даражасига

кўтарилди. Воизлар шаҳарнинг халқ кўп тўпланадиган асосий майдонларида, бозорларда, йирик мадраса ва масжидлар саҳни, ҳовлиси ва бошқа жамоат жойларида ваъз айтганлар. Воизликнинг асосий хусусиятларидан бири оғзакилик бўлган. Баъзи воизлар тайёр матнлардан фойдаланиб, ваъз айтсалар, кўпчилик воизлар бадиҳа билан нутқ сўзлаганлар. Воиз ўз ҳузурида ҳозир бўлган жамоатга айнаи чоғда қайси мавзуда ваъз айтиш кераклигини тингловчиларнинг кайфиятига қараб танлаган. Яна бир характерли томони шундаки, воиз ваъз айтиш жараёнида овоз тусланишлари, турли оҳанг ва урғулар, юз, кўз, қўл ҳаракатлари, гавда силкинишларидан маҳорат билан фойдаланган. Ваъз жараёнидаги бундай руҳий ҳолатлар воизнинг нутқига мусиқий ранг-баранглик, улғворлик, фалсафийлик фазилатларини бахш этади. Воиз ана шундай кучли маҳорат ва ҳиссиёт тугёни билан ўз фикрларини тингловчиларга етказганки, натижада халқ унинг нутқига, ўғитларига беихтиёр маҳлиё бўлиб қолган. Воизлар халқ ўртасида, ижтимоий-маданий ҳаётда бағоят катта ҳурматга сазовор бўлганликлари учун кўпинча уларнинг исмларига “Воиз” сўзи қўшиб айтилган. Воизлик XV–XVI асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда жуда тараққий этган. Бу ҳақда Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган. Мавлоно Муҳаммад Табадконий, Мавлоно Риёзий, Мавлоно Муин Воиз, Воиз Қазвиний, Мулла Калон Воиз Самарқандий, Мавлоно Ҳусайн Воиз, Зайниддин Восифийлар Навоий даврининг машҳур воизлари ҳисобланганлар. Навоий уларнинг воизликдаги маҳоратларига жуда юқори баҳо беради. Шунингдек, бу даврда воизлик назарияси ва талқин услублари ҳақида қатор илмий рисоалар ҳам вужудга келди. Буларга Воиз Қазвинийнинг “Зилолу маҳол”, Қурайш Синдийнинг “Анис ул-воизин”, Мулла Калон Воиз Самарқандийнинг “Равзат ул-воизин”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Даҳ мақола”, “Махзан ул-иншо” рисоаларини кўрсатиш мумкин. Воизлик анъаналари кейинги асрларда йирик маданий шаҳарларда муваффақиятли давом этади.

Волий — араб мамлакатларида вилоят бошлиғи, ҳоким.

Волис — қадимги юнон файласуфи Фалес Милетскийнинг Шарқдаги номи. Милоддан аввалги 624–547 йиллар.

Воқеағу — 1. Ўз кўрган-кечирганлари, бошидан ўтган воқеаларни сўзлаб берувчи, айтиб берувчи, ҳикоячи. 2. Тушни йўйувчи, туш таъбирини айтиб берувчи, таъбирчи.

Воқеанавис — ўз кўрган-кечирганлари, бошидан ўтган воқеаларни, шахсан шоҳид бўлган воқеа-ҳодисаларни изчил, кетма-кет, кунма-кун, ойма-ой, йилма-йил ёзиб борувчи тарихчи, солномачи, адиб.

Воқеанома, воқеатнома — бирор мамлакат тарихида ёки бирор сулоланинг ҳукмронлик даврида юз берган, бўлиб ўтган воқеалар изчил ёзиб борилган тарихий-илмий, адабий мемуар асарлар. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тарихий-адабий мемуар асари ёзилган вақтида “Воқеоти Бобурий”, “Воқеотнома” номлари билан юритилган. Кейинчалик эса “Бобурнома” номи билан шуҳрат қозонган.

Воқиф I — хабардор, билувчи.

Воқиф II — ўз мол-мулкани вақф этганлиги ҳақида расмий ҳужжат олган киши, вақфнома эгаси. қ. вақф, вақфнома.



Галерея — қ. ниғорхона.

Ганжинайи ҳикмат — ҳикмат хазинаси. Шарқ адабиётида мақоллар, ҳикматлар ва ибратли ҳикояларга бой ахлоқий-таълимий асарлар.

Ганжнома — қ. ганжинаи ҳикмат.

Гап — ўзбеклар ва ўзбекларга қўшни бўлган бошқа халқларда дўст, тенгқур, ҳамкасблар ўртасида навбати билан ўтказиладиган зиёфат, меҳмондорчилик, суҳбатли кеча. Гап иштирокчилари ози билан 6–12, кўпи билан 20–30 кишидан иборат “бир тўп”, “бир жўра” бўлиб

уюшадилар. Эски вақтларда баъзан “қирқ жўрали гап” нбораси ҳам эшитилиб турар эди. Бу энг обрўли ва энг катта гап уюшмаси ҳисобланган. Гап ҳафтада ёки ўн беш кунда, узоғи билан бир ойда бир марта ўтказилган. Бундай мажлислар гап қатнашчиларининг уйларида ўтган. Биринчи мажлисда, баъзан эса ҳали биринчи мажлис ўтмасданоқ, гап уюшмаси ташкил бўлаётган вақтда улфатлар ўзларига жўрабоши сайлаб олганлар. Жўрабоши гап навбати тугагунга қадар (агар кўпчилик розилик билдирса, кейинги навбат айланишларида ҳам) гап мажлисларини бошқариб борган. Гап мажлислари ози билан етти соатгача, кўпи билан ўн икки соатгача (оқшомдан тонггача) давом этган. Мажлисхонага ҳамма йиғилгач, дастурхон солиниб, турли таомлар тортилади ва зиёфат бошланади. Гап давомида аскиябозлик, шеърхонлик, китобхонлик, турли мавзуларда ширин суҳбатлар бўлади. Улфатлар ҳар қандай сўз ва ҳаракатларида одоб доирасидан ташқари чиқмайдилар. Зокиржон Фурқат “Гап хусусида” номли мақоласида ўзи иштирок этган гап мажлисларидан бирини таъриф-тавсиф этиб, муганнийлар нағма чалганликларини, ҳофизлар газал ва мухаммасларни ашула қилиб айтганликларини ёзади. Фурқат ўша мақоласида ҳофиз куйлаган газал ва мухаммаснинг матнини ҳам келтиради.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, созанда ва хонандалар гап иштирокчиларининг ўзларидан бўлади. Гапнинг қатъий қоидасига мувофиқ, гап мажлисига бегона киши, ҳатто меҳмон бўлса ҳам, кирмайди. (Башарти, гап бераётган кишининг уйига ўша куни меҳмон келиб қолса, у киши алоҳида жойга ўтқазилади.)

Гап мажлисларининг пайдо бўлиши жуда қадим замонларга бориб тақалади. Ибтидоий даврларда эркаклар яширин жамоалари урф-одатларининг давоми сифатида яшаб келаётган гап кейинчалик маълум касб-ҳунар эгалари ўртасида расм бўлган. Сўнгра гап маросимлари маҳалла ва ҳамқишлоқ тенгқурлар орасида ҳам одат тусига кирган. Тарбия ўчоғи бўлган бундай йиғин иштирокчилари руҳан ва маънан бир-бирларига яқин одамлар бўлган ҳолларда гап маросимларининг

суҳбат мавзулари илмий-маърифий ва маънавий-ахлоқий йўналиш касб этган. Гап давомида улфатлар турмуш тажрибаларини тинглаб, бир-бирларидан сабоқ олганлар, келажак ҳаётлари, яхши ниятли ишларига зўр эҳтирос ва кўтаринкилик билан қараганлар.

Гапхона — гап мажлислари навбати билан гап қатнашчиларининг хонадонларида ўтказилган. Баъзан эса гапни махсус танланган жой — гапхонада ўтказиш ҳам одат бўлган. Гап қатнашчилари жўрабоши қилиб меҳмонхонаси бор кишини сайлаганлар. Жўрабошининг меҳмонхонаси доимий гапхона вазифасини ўтаган. Жўрабоши меҳмонхонаси палос, пояндоз, идиш-товоқ ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган. Гап навбати келган жўра зиёфат учун зарур бўлган барча масаллиқ ва ноз-неъматларни гапхонага олиб келган. Меҳмондорчилик, ўйин-кулгу, ашула, шеърхонлик, ширин суҳбатлар — ҳаммаси шу ерда бўлиб ўтган.

Гарднома — қ. тумор.

Генеалогия — қ. насабнома, шажара.

Геральдика — тарих фанининг ёрдамчи соҳаси бўлиб, қадимги тамға, нишон, белги кабиларни ўрганadi. Чунончи, қадимги туркий халқлар турли тамғаларга эга бўлганлар. Мана шу тамғаларни ўрганиш ҳам мазкур соҳанинг вазифаси ҳисобланади.

Гетерограмма — дастлаб муайян бир тилдаги сўз ифодаси учун хизмат қилган, кейинчалик эса бошқа тилдаги айни маънони ифодалаш учун қўллана бошлаган логографик белги ёки бўгин, шунингдек ҳарф-товуш ёзувидаги белгилар мажмуи. Гетерограммалар одатда бир халқ бошқа халқдан ёзув белгиларини ўзлаштириб, ўша ёзув белгилари орқали ўз тилларидаги маъноларни ифодалай бошлаганда намоён бўлган. Масалан, қадимги форслар оромий ёзувини қабул қилганларида кўп сўзлар оромий тилида қандай ёзилса, ўшандай ёзиб, қадимги форс тилида ўқиганлар. Чунончи, оромий тилидаги подшоҳ (پادشاه) сўзини форслар “шоҳ” деб ўқиганлар. Гетерограммаларга дунёдаги барча ёзувларда бир шаклда ёзилиб, аммо ҳамма тилда алоҳида-алоҳида ўқиладиган рақам белгилари яққол мисол бўла олади. Масалан, “5” рақамини ўзбек тилида *беш*, тожик тилида *панж*, араб

тилида хамс, рус тилида пять, инглиз тилида *файв* (*five*) деб ўқийдилар ва ҳоказо.

Гириҳ — қ. ислимий.

Гиря — дафн маросими, таъзия ва маъракаларда айтиладиган ашулалар. Бунда ҳофизлар, асосан, марсия ва фироқнома шеърларидан фойдаланганлар.

Гирянда — гиря ашулаларини айтувчи ҳофиз.

Глосса — қ. луғат, шарҳ.

Глоссарий — қ. луғат, луғатнома.

“Гоф” — араб ёзувига асосланган эски ўзбек алифбосининг 26 ҳарфи (گ)нинг номи бўлиб, абжад ҳисобида 20 га тенг. “Гоф”ни “коф”дан фарқлаш учун “кофи форсий” деб ҳам аталади. (“Коф”ни “кофи арабий” деб юритилади). “Гоф” “г” ундош товушини ифодалайди: گاوэр гавҳар, گواه гувоҳ, بيگانه бегона, برگ барг каби.

Грамматика — қ. сарфу наҳв.

Гул — бу сўз қўлёмаларга чизилган ҳар қандай безак ва нақшларнинг умумий номи сифатида ишлатилади.

Гулзор, хатти гулзор — араб ёзувининг манзарали услубларидан бири.

Гулчин — қ. хатчўп.

Гуруғлихонлик — ўзбек халқининг маънавий ҳаётида анъанага айланган ўқишлардан, китобхонликлардан бири. Гуруғли ҳақидаги дostonлардан, асосан, халқ китоби шаклига келтирилган нусхалари ўқилган. Китобхонликнинг бу тури шаҳар халқи ўртасида тарқалган эди. Қишлоқ жойларда эса Гуруғли ҳақидаги дostonлар бевосита бахшининг ўз оғзидан эшитилган.

Гўянда — халқ бадий сўз ижрочиларидан бири. Гўяндалар созандалар жўрлигида шеърий қиссаларни оғзаки айтганлар.

Гўяндалик — бадий сўз ижрочилигининг бир тури. Гўяндалик XV–XVI асрларда тараққий қилган. Бу ҳақда Алишер Навоий, Бобур, Восифий асарлари қимматли маълумотлар беради. Гўяндалик қиссахонликдан фарқ қилади. Қиссахонлар насрий ва шеърий қиссаларни баланд овоз билан созсиз айтганлар. Гўяндалар эса, асосан, катта ҳажмли шеърий қиссаларни созандалар жўрлигида ёддан ўқиганлар. Гўяндалар кўпроқ тўй-ҳашам, байрам ва сайлларда қатнашиб, маросимга

тантанали руҳ бағишлаганлар. Навоий “Мажолис ун-нафоис”да Мавлоно Муҳаммад Бадахший гўяндалар ҳақида махсус асар ёзганлигини айтади ва ундан бир байт мисол келтиради. Темурийлар саройларида бадий сўз ижрочилари қаторида гўяндалар ҳам хизматда бўлган. Мирзо Бойсунқур (1395–1433) ўз саройида гўяндаларга ҳурмат кўрсатиб, уларга ҳомийлик қилганлиги ҳақида ҳам Навоий асарларидан билиб олишимиз мумкин. Саройда гўяндалар сақлаш Бобурнинг Ҳиндистондаги подшоҳлик даврида ҳам давом этади. “Бобурнома”нинг 1526 йил воқеалари тавсифида Бобур Ҳиндистоннинг Гувалёр вилоятига сафар қилиб борганида гўяндаларни ҳам бирга олиб боргани ва улар созандалар жўрлигида қисса айтиб берганликларини ёзиб қолдирган.



Дабир — Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида расмий давлат унвонларидан бири. Дабир ҳукмдор саройида давлат аҳамиятига молик бўлган ёрлиқлар, фармонлар, мактуб ва бошқа турли ҳужжатларни ёзиш, тузиш, таҳрир қилиш билан шуғулланувчи махсус ва масъул котиб бўлган. Дабир кўп илмларни, хусусан, иншо ва баён илмларини чуқур ўзлаштирган бўлиб, воқеаларни чиройли услубда ифодалаб ёзиши зарур эди. Айниқса, ҳукмдорларнинг бошқа давлат ҳукмдорлари билан ёзишмаларининг юксак савияда битилишида дабирнинг масъулияти катта бўлган. Шунингдек, айрим ҳукмдор, вазир ва лашкарбошиларнинг шахсий котиблари ҳам дабир деб юритилган. Кейинги асрларда эса айрим хонликларда дабир унвони мирзо ёки мунший деб ҳам юритилган.

Дабиристон — 1. Ўрта асрларда Ўрта Осиё ва Эронда — мактаб. 2. Подшоҳлик ҳузуридаги дабирлар ишлайдиган жой. Яна қ. девон II.

Дабистон — адаб ўрганиш жойи, бошланғич мактаб.

Давлат мадҳияси — қ. мадҳия.

Давлат тақвими — қ. тақвим.

Давовин (б. девон) — 1. Девонлар, шеър тўпламлари. қ. девон I. 2. Ўрта аср Шарқда адаб илмлари таркибига кирган бир қисм (илми давовин). Девон тузишининг мақсади, тартиб қоидалари юзасидан баҳс юритади.

Давот — ёзув асбобларидан бири; сиёҳ қуйиб қўйиладиган идиш, сиёҳдон. Давот метал, ёғоч, суяк, сопол, шиша ва чиннидан ишланган.

Давотсоз — давот яшаш билан шуғулланувчи ҳунарманд.

Давр — араб алифбосида ҳарфларнинг ёзилишидаги эгри чизиқли айлана. Буни доира деб ҳам аталади.

Дай — қадимги Эрон йил ҳисоби бўйича ўнинчи ойнинг номи. Кунлар миқдори 30 кун. Милодий йил ҳисобида 21 декабрдан 20 январгача бўлган кунларга тўғри келади.

Далв — шамсия йил ҳисобида ўн биринчи ойнинг номи. Кунлар миқдори 30 кун. Милодий йил ҳисобида 20 январдан 19 февралгача бўлган кунларни ўз ичига олади.

Далил-ҳужжат — қ. хат-ҳужжат.

Дандона — араб алифбосидаги “син” (س) ва “шин” (ش) ҳарфларининг тишли қисмлари.

Даража — қ. унвон.

Дари тили — 1. Форс-тожик тилининг IX–XI асрлардаги номи. Дари тилида яратилган бадиий адабиётларга Абу Абдуллоҳ Рудакий, Абулқосим Фирдавсий ва уларнинг замондошлари яратган асарлар киради. 2. Афғонистондаги форс-тожик тилининг 1936 йилдан бошлаб расмий равишда қабул қилинган номи.

Дарслик китоблари — Ўрта аср Шарқ мактаб ва мадрасаларида ҳозир биз тушунган маънодаги дарслик китоблари бўлмаган. Мактаб ва мадрасаларда таълим-тарбиянинг асоси ислом ақидаларини ўрганишдан бошланган. Шунинг учун араб, форс, ўзбек тилларидаги диний китоблар дарслик вазифасини бажарган. Мактабларда абжаддан сўнг “Ҳафтияк”, “Қуръон” ва “Чор китоб” ўқитилган. Ўқувчиларга илми адабдан дарс бериш учун Шайх Саъдий, Хожа Ҳофиз, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо

Бедил, Сўфи Оллоёр ва бошқаларнинг китобларидан фойдаланилган. Мазкур китобларнинг унча катта бўлмаган ҳажмдаги қўлёзмаларининг кўплаб нусхаларда бизгача етиб келганлиги уларнинг дарслик вазифасини бажарганлигидан далолат беради. Мадрасаларда ўқитиладиган китоблар “Бидон”, “Кофия”, “Шамсия”, “Ҳидоя”, “Ҳошия” ва бошқалардан иборат бўлган. Талабалар турли табиий ва илмий билимларга доир китобларни ўзлари мустақил ўқиб, ўзлаштирганлар.

Дарсхонлик — қ. мактабдорлик, мударрислик.

Дастур — қўлланма, қоида, тартиб, йўсин.

Дастурнома — қ. дастур ул-амал.

Дастур ул-амал — бирор ишни бажаришда қабул қилинган тартиб, усул ва қоидалар баёни, низомнома, рисола.

Дастур ул-вузаро — вазирларга йўл-йўриқлар.

Дастур ул-илож — муолажа қоидалари. Беморларни даволаш, парвариш қилиш, умуман, улар билан муносабатда бўлишнинг тартиб ва қоидалари.

Дастур ул-мулук — подшоҳларга, ҳукмдорларга мамлакатни идора қилиш, халқ билан қандай муносабатда бўлиш, халқнинг тинчлиги, осойишталиги, фаровонлигини ошириш, ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилиш бўйича йўл-йўриқ, маслаҳатлар бериб ёзилган асар.

Дастнавис — қ. дастхат.

Дастхат — бирор шахс, адиб, шоир, умуман, ҳар қандай ижодкорнинг ўз қўли билан ёзган имзоси, хати, асари.

Дастхат нусха — муайян асар муаллифининг ўзи ёзган (ўзи кўчирган) қўлёзмаси ўша асарнинг дастхат нусхаси ҳисобланади. Дастхат нусхалар манбашунослик ва матншуносликда жуда катта аҳамиятга молик таянч нусха вазифасини ўтайди. Чунки дастхат орқали ижодкорнинг дунёқараши, ижодий такомил аниқ ва равшан намоён бўлади. Ўрта Осиё тарихида ўтган йирик илм-фан, адабиёт намоёндаларининг бир неча нодир дастхатлари бизгача етиб келган. Буларга Хожа Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Мунис, Огаҳий, Муқимий, Фурқат

ва бошқаларнинг дастхат қўлёмаларини кўрсатиш мумкин. Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номли давлат Адабиёт музейида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Гафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор ва бошқа шоир, адиб ҳамда олимларнинг шахсий архивларида уларнинг дастхат мерослари сақланмоқда.

Дафтар — 1. Ёзиш учун китоб шаклида тайёрланиб тикилган бир неча варақ тоза қоғоз. 2. Давлат девонларида ҳисоб-китоб, кирим-чиқим, даромад ва харажат ёзувлари. Бундай дафтар узун қоғоз ўрамадан иборат бўлган. 3. Китоб, мажмуа, ёзилган асар. 4. Йирик тарихий, илмий, адабий асарларнинг ўзича мустақил ёки бир-бирининг узвий давоми бўлган қисмлари, жилд. Масалан, Мирхонд ва Хондамирнинг “Равзат ус-сафо” асари етти дафтарга бўлинади. Баъзи котиблар Навоий “Ҳамса”сини кўчирганда ҳар бир дoston бошланиши олдидан “Биринчи дафтар”, “Иккинчи дафтар...” деб ёзиб қўйганлар.

Дафтардор — давлат девонида кирим-чиқим, олиқ-солиқ, ҳисоб-китоб ишларини олиб борувчи ва шу ишлар ёзиб бориладиган дафтарни сақловчи мансабдор киши.

Дафтарнавис — қозихонада ҳукм, васиқа ва шу каби ҳужжатларни махсус дафтарга ёзиб борувчи, иш юритувчи.

Дафтархона — давлатнинг ҳисоб-китоб ишлари олиб бориладиган идораси. Яна қ. девон II.

Даштий, хатти даштий — араб ёзувининг Усмонли туркийлар учун хос бўлган ёзилиш услуби.

Даъватнома — қ. даъват хати.

Даъват хати — маърака, маросим ёки бирор ишга чақириб юборилган ёзма таклиф, таклифнома.

Дақойиқ, улуми дақойиқ — аниқ, қатъий (риёзиёт, фалакиёт ва бошқа) илмлар.

Дебоча — 1. Қўлёмза китобларнинг турли ранг ва олтин суви билан зийнатланган дастлабки саҳифалари. 2. Куллиёт, девон, баёз, мажмуа ва шу каби китоб (асар) ларга муаллифнинг ўзи ёки котиб томонидан ёзилган муқаддима. Дебочада асарнинг мазмун-мундарижаси

ва муаллифнинг мақсади баён қилинади. Ўзбек адабиёти тарихида Алишер Навоий ёзган дебочалар жуда машҳур ва ҳатто, уларга мустақил, мукаммал асарлар сифатида ҳам қаралади. Навоийдан бизгача “Бадойиъ ул-бидоя”, “Хазойин ул-маоний”, “Девони Фоний”, “Ситтаи зарурия”га ва ниҳоят, “Куллиёт”ига ёзган бешта дебоча етиб келган (“Куллиёт”га ёзган дебочаси мустақил асар сифатида қаралиб, “Муножот” деб номланади). Навоийнинг ўзи тузган иккинчи девони — “Наводир ун-ниҳоя”га ҳам дебоча ёзганлиги маълум бўлса-да, ҳозиргача топилмаган. Навоий “Бадойиъ ул-бидоя”, “Хазойин ул-маоний” ва “Девони Фоний”га ёзган дебочаларида мазкур девонларига киритган шеърий шакллар ва уларнинг мазмуни ҳақида батафсил маълумот беради. Шунинг учун Навоий ўз девонларига ёзган дебочаларини бир ўринда феҳраст (мундарижа) деб атайди.

Девон I — Шарқ адабиётида шеърларнинг ҳар бир байти охириги ҳарфларига қараб араб алифбоси тартибида жойлаштирилган тўплами. Аксарият девонлар муаллиф (шоир)нинг ўзи томонидан тузилади. Агар шоир ҳаётлик чоғида девон тузмаган ёки тузишга улгурмаган бўлса, вафотидан сўнг унинг яқин шогирдлари ёхуд котиблар томонидан тузилган девонлар ҳам бор. Кўпчилик девонлар дебоча билан бошланади. Девонга шоирнинг ҳамма жанрдаги шеърлари кириши мумкин. Шарқ халқлари адабиётида газал жанрининг ривожланиши билан девон қатъий анъанавий шаклга эга бўла борди. Шунинг учун XII асрдан бошлаб тузилган девонларда газал етакчи ўрин эгаллайди. Газалдан сўнг бошқа шеърий жанрлар (мустахзод, мухаммас, қитъа, рубоий, чистон...) жой олади. Ўзбек адабиёти тарихида XV аср биринчи ярмидан Лutfий, Саккокий, Атоий, Гадоий, Юсуф Амирий, Ҳофиз Хоразмийлар ижоди билан девон тузиш анъанаси бошланди. Бу анъанани Алишер Навоий ҳар жиҳатдан такомиллаштирди. У 1495–1496 йилларда бутун ҳаёти давомида ёзган шеърларини тўплаб, тўрт девон (“Ғаройиб ус-сиғар”, “Наводир уш-шабоб”, “Бадойиъ ул-васат”, “Фавойид ул-кибар”) тузди ва уларни “Хазойин

ул-маоний” деган умумий ном билан атади. (“Хазойин ул-маоний”га қадар Алишер Навоий “Бадойиъ ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя” девонларини ҳам тасниф этади. Бу икки девондаги шеърларни Навоий бир оз қайта таҳрир қилиб, кейинчалик “Хазойин ул-маоний” таркибига қўшиб юборган). Навоийдан кейин бир неча ўзбек шоирлари ҳам девон тузганлар (Шайбоний, Бобур, Турди Фароғий, Нишотий, Махмур, Огаҳий, Мунис, Комил, Табибий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва бошқалар). XX аср ўзбек шоирларидан Зокиржон Ҳабибий, Асқарали Чархий, Собир Абдулла, Восит Саъдулла ўз шеърларини девон анъанасига мувофиқ эълон қилдилар.

Девон II — Ўрта Осиё хонликларида давлатнинг барча молия, ҳисоб-китоб ишларини олиб борадиган олий маҳкамаси.

Девонбеги — девоннинг Олий девони ёки айрим вазирлик девонларининг бошлиғи.

Девонбек — қ. девонбеги.

Девоний, хатти девоний — араб ёзувининг XV асрда усмонли турк муншийлари ихтиро қилган бир услуб. Унинг қонун-қоидаларини хаттот Иброҳим Маниф (XV аср) биринчи марта тартибга солган. Мазкур услубни яратишда таълиқ хатидан фойдалангани учун уни “таълиқи девоний” деб ҳам аталади. Бу услуб нисбатан мураккаб бўлиб, ҳарфлар эгри чизиқли қилиб чўзилади ва сатрлар бир-бирининг ичига киргизилади. Девоний хатининг майда ёзилгани девоний-хафий, йирик ёзилгани девоний-жалий дейилган. Амалиётда девоний-жалий кўпроқ ишлатилган. Девоний хатида давлат фармонлари, ҳужжатлари ёзилган.

Девонхона — қ. девон II.

Девонча — бирор шоирнинг шеърларидан тузилган кичик ҳажмли девон, кичик девон. Алишер Навоийнинг кичик ҳажмли терма девонларига “Девончаи Навоий” деб ёзиб қўйилган қайдлар учраб туради.

Деворий ёзувлар — китоба ёзувларининг бир тури. Қадимги ва Ўрта асрларда Шарқда подшоҳлар саройлари, мадрасалар ва шу каби маҳобатли биноларнинг, деворларнинг ички, гоҳо ташқи томонларига уйиб

ёки буюё билан ёзилган зийнатли ёзувлар. Бу ёзувлар баъзан яхлит мазмунга эга бўлган каттароё матн ёки бир неча сўзлардан иборат қисёа жумлалардан тузилган бўлиши мумкин. Араблар келгунга қадар ёзилган деворий ёзувларга Самарқанддаги Афросиёб саройининг деворидаги ички ёзувлар, Панжикентдаги Диваштич саройидаги ёзув қолдиёлари яёёл мисол бўла олади. Ибодатхоналарни зиёрат қилиш учун узоё манзиллардан келган ибодатчилар ёам деворларга ўз исми-шарифлари, ёаердан келганликлари ва айрим қисёа дуоларни ёзиб қолдирганлар. Бундай ёзувларга Термиз яёинидаги Қоратепа будда ибодатхонасидаги битиклар намуна бўла олади. Темурийлар даврида биноларнинг ташёи деворларини манзарали ёзувлар билан безатиш юёори поёонага кўтарилди. Буларга Самарқанднинг Регистон майдоиидаги Улугбек, Тиллакори ва Шердор мадрасаларининг ташёи томонларига ёзилган калима ёамда оятлар мумтоз намуна ёисобланади. Яна ё. китоба ёзувлари.

Дешифровка — қадимги ёзувларда битилган китоблар, матнлар, ёзма ёдгорликларни ўёиб ёиёариш юзасидан олиб бориладиган таёқиёотлар. Жаёон халёларининг ёзув маданияти тарихида дешифровканинг, асосан, уч тури таёқиёотчиларга маёлум: 1. Маёлум тилда, аммо номаёлум ёзувда битилган матнлар. 2. Номаёлум тилда, аммо маёлум ёзувда битилган матнлар. 3. Номаёлум тилда ва номаёлум ёзувда битилган матнлар. Номаёлум матнни ўёиб ёиёаришда билингва ёамда трилингвалар энё қулай ва самарали воситалар ёисобланади. Булардан ташёари номаёлум матнларни ўёиб ёиёаришда ўша ёзув ва тилнинг тарихий тараёёиётига жиддий диёёат қилинади. Уларнинг ёариндош ёзув ва тилларга яёинлиги, ўхшашлиги ёамда бошёа муносабатлари таёёосланади. Ўрта Осиё халёлари тарихида топилган қадимги Хоразмий, суёа, ўрхун-энасоё, уёгур ёзувларидаги матнларни ўёиб ёиёаришда тилшунос ва тарихшунос олимлар билингва ва трилингвалардан фойдаланиш билан бир ёаторда тарихий-ёиёсий услублардан ёам иждоий фойдаланмоёдалар.

Диакритика — қ. ҳаракат.

Диграф — бир тилдаги матнни икки хил ёзувда параллел ёзиш ёки изоҳлаш. Бунга XV асрда Ҳирот, Самарқанд, Язд уйғур хаттотлик мактабларида эски уйғур ёзуви билан кўчирилган ўзбек адабиёти ёдномаларининг матнлари мисол бўла олади. Уларда уйғур ёзувидаги ҳар бир байт остида араб ёзуви билан изоҳлар берилган.

Дидактика — қ. мавъизатнома, насиҳатнома, панднома.

Диний тақвим — қ. тақвим.

Дипломатика — тарих фанининг ёрдамчи соҳаларидан бўлиб, ёзма манбаларни, тарихий ҳужжатларни, уларнинг ҳақиқатга қанчалик тўғри келишини, ёзилган санаси ва шу кабиларни белгилаш билан шуғулланади.

Дискурдус — қадимги юнон табиби Диоскарининг Шарқ манбаларидаги номи.

Додхоқ — арз-ҳол билан келганларнинг аризасини қабул қилиб олиб, подшоҳга етказувчи мансабдор. Шунингдек, додхоқ бошқаларнинг истак ва мақсадларини олий ҳукмдорга оғзаки баён этиш ҳуқуқига ҳам эга бўлган.

Доира — 1. Қўлёзмаларда камдан-кам учрайдиган бадий безаклардан бири. Куллиёт ва девонлар кичик шеърини шакллар (рубойи, қитъа, туюқ, муаммо, фард,)ни бир-биридан ажратиш учун оралиққа қўйилади. Баъзи қўлёзмаларда тўртлик шеърларни махсус доира ичига ёзиш ҳоллари ҳам кўринади. Чунончи, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти Ҳамид Сулаймон фондидаги 316 рақамли Навоий куллиётида “Чиҳл ҳадис” асаридаги 40 та қитъа зарҳал доиралар ичига ёзилган. 2. Аруз илмида баҳрларни гуруҳлаштириб, бир-бирига яқин баҳрларни кетма-кет жойлаштириб тузилган айлана. Биринчи марта Халил ибн Аҳмад ун беш баҳрни ўз ичига олувчи тўрт доира ихтиро қилди. Кейинги арузшунослар ўзлари мустақил йўл тутиб, доиралар сонини турли миқдорда туздилар. Чунончи, Воҳид Табризийнинг “Жомий ул-мухтасар” асарида олтига, Навоийнинг “Мезон ул-авзон”ида еттита, Бобурнинг “Мухтасар”ида тўққизта доира келтирилган. Ҳар бир доиранинг ўзига хос номи

бор. Айрим муаллифларда баъзи доираларнинг номи бир хил бўлса, баъзиларига бошқача номлар қўйилган. Доиралар аруз илмини ўзлаштиришда маълум даражада энгиллик тугдиради.

“Дол” — араб алифбосининг саккизинчи ва араб ёзувига асосланган эски ўзбек алифбосининг ўнинчи ҳарфи (د)нинг номи бўлиб, абжад ҳисобида 4 га тенг. “Дол” ёзилиш шакллариغا кўра уч хил ном билан аталади: доли шатик (кесилган, қисқа “дол”), доли мушаммар (учи қайрилган, букилган “дол”), доли мурсал (чўзилган, узайтирилган “дол”). Биринчи шакли насх услубига, иккинчи шакли сулс, муҳоққақ ва тавқиъ услубларига, учинчи шакл райҳоний услуби учун хос бўлган. “Дол” “д” ундош товушини ифодалайди: ديار диёр, دانه дона, دفتر дафтар каби. Шарқ шеърлятида шоирлар маъшуқанинг зулфи, кокилини “дол” ҳарфига қиёс қиладилар. Масалан:

*Кокулинг элга жаҳонни тийра қилгон дуд эрур,
Ҳар сори зулфунг ики ёнида тушган дол анга.*

(Навоий).

Домона, домана — араб ёзувида баъзи ҳарфларнинг ярим доира шаклидаги пастки қисми, этаги ص (син), ص (сод), ق (қоф) каби.

Домулла, домла — 1. Мактаб муаллими. 2. Ўқимишли кишиларни эъзозлаб, уларга мурожаат қилганда ҳурматлаб айтиладиган сўз.

Донг — 1. Ҳар бир нарсанинг олтидан бир ҳиссаси. Араб ёзувида ҳарфларни ёзишда уларнинг ҳажми, меъёрини белгиловчи ўлчов бирлиги.

Дониш — билиш, билим, маълумот; илм, фан, онг, тафаккур.

Донишвар — қ. донишманд.

Донишманд — чуқур билимли, билимдон; файласуф.

Донишнома — 1. Билим, тафаккур ҳақида ёзилган асар. 2. Абу Али ибн Синонинг машҳур фалсафий асарининг номи. қ. “Таснифот ул-улум”.

Донишойин — қ. донишманд.

Донишомуз — муаллим, билим ўргатувчи.

Доранда — хат ташувчи, хат олиб борувчи.

Дорис — мадрасада дарс берувчи, мударрис.

Дор ул-адолат — адолат уйи. Адолат ишлари кўриб чиқиладиган, муҳокама этиладиган ва ҳукм қабул қилинадиган жой; қозилар ишлайдиган маҳкама, қозихона.

Дор ул-аморат — давлат уйи, ҳукмдор саройи; давлатнинг маъмурий бинолари жойлашган манзил.

Дор ул-илм — илм уйи. Олимлар тўпланишиб илмий мунозаралар, баҳслар, тадқиқотлар олиб борадиган илмий муассаса. Бундай илм уйлари Халифа Маъмун даврида Марв, Дамашқ ва Бағдодда; Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Синолар даврида Бухоро ва Хоразмда; Ғазнавийлар даврида Ғазнада; Амир Темур ва Улуғбеклар даврида Самарқандда; Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро даврида Ҳиротда амалий фаолият кўрсатган.

Дор ул-кутуб — китоблар уйи. Китоблар сақланадиган ва мутолаа қилинадиган жой, кутубхона.

Дор ул-фунун — фанлар уйи. Жуда кўп ижтимоий ва амалий фанлардан таълим берадиган олий ўқув юрти; мадраса, университет.

Дор ул-қазо — ҳукм уйи, қозихона.

Дор ул-ҳикмат — ҳикмат уйи. Илмлар уйи. қ. Байт ул-ҳикмат.

Дор ул-ҳуффоз — ҳофизлар уйи. Қуръонхонлар, яъни қорилар тайёрлайдиган мадраса. Ана шундай мадрасалардан бири Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро томонидан Ҳиротда барпо этилган эди.

Дор ус-салтанат — салтанат уйи. Давлатнинг энг асосий маъмурий ва сиёсий бинолари, ҳукмдорнинг саройи жойлашган шаҳар, пойтахт.

Дор ут-тиловат — тиловат уйи. Қорилар Қуръонни тиловат қиладиган хонақоҳ, қорихона. Шундай тиловат уйларидан бири темурийлар даврида Шаҳрисабзда қурилган.

Дор уш-шифо — даволаш уйи. Беморларни даволаш ва касалликларни текшириш юзасидан амалий ва назарий ишлар олиб борадиган мадраса, шифохона. Шундай

даволаш уйи (мадраса ва касалхона) Алишер Навоий ва Хусайн Бойқаро томонидан Ҳиротда бунёд этилган эди.

Доруға — шаҳар ҳокими. “Шихна” деб ҳам аталган.

Достон — 1. Каттароқ ҳажмли ҳикоя. 2. Жуда қизиқарли, саргузаштнома тарзида ёзилган тарихий асар. 3. Шарқ мумтоз адабиётида маснавий йўли билан ёзилган катта ҳажмли воқеа, шеърий асарлар, қ. маснавий. 4. Халқ оғзаки ижодидаги йирик эпик асарлар.

Достонсаро — достон айтувчи, достон тўқувчи, ҳикоячи.

Достонсаролиғ — достон айтувчилик, достон тўқувчилик, достончилик, ҳикоячилик.

Доҳий — фавқулодда зеҳн ва заковати энг юқори, ҳар тарафлама ривожланган истеъдод соҳиби.

Дубайт — Шарқ шеъриятида ҳажми икки байтдан иборат бўлган кичик жанрларнинг форс-тожикча умумий номи. Бунда кўпроқ ҳажми қатъий икки байтдан иборат бўлган рубоий назарда тутилади.

Дуда — қора сиёҳ тайёрлашда ишлатиладиган қурум, куюнди. Уни зайтун, зигир ёки кунжут ёғига намланган ип — пиликни куйдириш йўли билан олинган.

Дулбарчин ёзуви — қ. ўрхун-энасой ёзуви.

Дуо — 1. Банданинг Худога ёлвориб ўзи ёки бошқалар учун тилак тилаб қиладиган илтижоси. 2. Фотиҳада ўқиладиган Қуръон суралари.

Дуойи салом — 1. Мактабда болаларни ёзишга ўргатишда, хат-савод чиқаришда, муфрадот, мураккабот ва муқаттаотдан кейин ёздириладиган иншо. Ўқувчи (шогирд) дуойи салом ёзишни ўзлаштирганда кейин “хати чиққан” деб ҳисобланган. Шундан сўнг баъзи ўқувчилар айрим ўқув китобларини бошидан охиригача кўчириб, мустақил хат машқига тушганлар. Бундай ҳолларда кўпроқ Хожа Ҳофиз, Навоий, Сўфи Оллоёр каби буюк шоирларнинг китобларини кўчириш тавсия этилган. Хат машқини шу зайлда муттасил давом эттирган шогирдлар кейинчалик котиб ёки мирзо бўлганлар. 2. Бирор кишига салом ва яхши тилаклар йўллаб ёзилган мактуб.

Дуойи фотиҳа — марҳумларга Қуръон сураларидан ўқиб, бахшида қилиш.



Етти қалам — қ. ҳафт қалам.

Етти қироат — қ. қироат.



Ё (йо) — араб алифбосининг йигирма саккизинчи ва араб ёзувига асосланган эски ўзбек алифбосининг ўттиз иккинчи ҳарфи (ی) нинг номи бўлиб, абжад ҳисобида 10 га тенг. “Ёо” ёзилиш шаклларига кўра уч хил ном билан аталади: Ёйи мудаваар (юмалоқ ёо), ёйи маъқус (айлана ёо), ёйи мурсал (чўзилган ёо). “Ёо” ҳарфи ҳам ундош, ҳам унли товуш вазифаларини бажаради.

1. Сўз ёки бўғиннинг турли ўринларида келиб, “й” ундош товушини билдиради: بادگار ёдгор, ياش ёш, جاى жой, سايه сойа, بويراك буйрак каби.

2. Сўз ёки бўғин ўртасида ва охирида қисқа и, э (е) унли товушларини ифодалайди: بيز биз, قيز қиз, بير бер, مين мен, بيردى берди, كىلدى келди, قولى қўли, گولى гули каби.

3. Сўз ўртасида чўзиқ и (ёзувда “ий” бирикмаси) унли товушни ифодалайди: جيران жийрон, بيران бийрон, زيرك зийрак, تيراك тийрак каби.

4. Сўз охирида “-ий” товуш бирикмасини (чўзиқ “и” товушини) ифодалайди (асосан, ундош билан тутаган сўзларда шундай) سياسى сиёсий, مركزى марказий, مقىمى Муқимий каби. Бу қоида унли билан тутаган сўзларда бир оз бошқачароқ бўлади. Унда иккита “йо” кетма-кет ёзилади ёки биринчи “йо”нинг ўрнига ҳамза қўйилади: ناوо — نواى ёки نواى , гадо — گداى ёки گداى , ато — اتاى ёки اتانى каби.

5. Сўз бошида “йо” ҳарфи и, э унли товушларини билдириб келса, доим олдидан бир алиф (ا) шаклида қўйилади. (Мазкур қоида фақат форс-тожикча ва туркий сўзлар учун қўлланилади): ايران Эрон, ايپ ип, ايچك ичак, ايستگاه истгоҳ (бекат), ايلاك элак каби.

6. Баъзи араб сўзларининг охирида келиб, чузиқ "о" талаффуз қилинади: حتى ҳатто, موسى Мусо, عيسى Исо, مصطفى Мустафо, مستسنى мустасно каби. Шарқ шеъриятида шоирлар маъшуқанинг қошини "ё" (йо) ҳарфига қиёс қилганлар. Масалан:

*Новакандоз ўлғали кофир кўзунг, эй қоши ё,
Кимсага жон қолмағай фаҳм айладим андоздин.*

(Навоий)

Ёдгорлик — бу сўз манба тушунчасини англатганда, асосан, адабий ёдгорлик, ёзма ёдгорлик, ёзув ёдгорлиги шаклларида қўлланилади.

Ёдқард — қ. зикр.

Ёднома — адабий мероснинг ёзма шакли, ёзма адабий манбалар, ёзма адабиётнинг ҳамма турдаги асарлари. Кўпинча адабий ёднома, адабий ёдномалар шаклида қўлланилади.

Ёзин — очиқ, равшан ёзилган хат, ёзув.

Ёзишма — ўзаро ёзма алоқа, ўзаро ёзилган хатлар.

Ёзиг — ёзув, хат, мактуб.

Ёзма — ёзув воситаси билан ифодаланган манбалар.

Ёзма адабиёт — бир халқнинг ўз тарихида ёзувдан фойдалана бошлангандан кейин яратган адабиёти.

Ёзма адабий мерос — қ. адабий мерос I.

Ёзма ёдгорликлар — бир халқнинг тарихида ёзув пайдо бўлгандан кейин яратилган ёдгорликлар. Улар турли ёзув ва тилларга мансуб бўлиб, тош, ёғоч, тери ва қоғозга битилган асарлар, ҳужжатлар, танга, муҳр, идиш-товоқ ва бошқаларга туширилган матнлардан иборат бўлиши мумкин. Бу ёдгорликлар муайян халқнинг босиб ўтган тарихидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, урф-одати, эътиқоди, сўз санъати намуналари билан танишишда муҳим манбалар бўлиб ҳисобланади. Яна қ. адабий ёдгорлик, адабий манбалар.

Ёзма манбалар — ёзма манбалар тузилиши, мазмуни ва ҳажмига кўра тўрт хилга бўлинади: 1. Адабий манбалар. 2. Тарихий манбалар. 3. Илмий манбалар. 4. Ҳужжатлар.

Ёзув — тил заминида вужудга келадиган, кўриб
 идрок қилинадиган ва кишилар ўртасида алоқа воситаси
 сифатида хизмат қиладиган муайян белгилар тизимидир.
 Ёзув бундан тўрт-беш минг йил аввал пайдо бўлган.
 Ёзувнинг юзага келиши жамият тарихи билан узвий
 боғлиқдир. Жамият тараққий этиши билан муайян
 масофадаги кишилар бир-бирлари билан ўзаро алоқа
 қилишларига, оғзаки билимлари, ҳаётий тажрибалари
 ва бошқа ахборотларни қайд этиш, уларни сақлаб
 қолишга жуда катта эҳтиёж сезишган. Ана шуларнинг
 ҳаммаси бевосита ёзувнинг пайдо бўлишига олиб келган.
 Олимлар дунёнинг турли минтақаларидан топилган ёзув
 намуналарини ўрганиб, жамият тарихида ёзувнинг
 қуйидаги тўрт тури мавжудлигини таъкидлайдилар: 1.
 Пиктографик (суратли) ёзув. 2. Идеографик (белгили)
 ёзув. 3. Бўгин ёзуви. 4. Ҳарф-товуш ёзуви. Ёзув
 тараққиётидаги энг сўнги босқич — ҳарф-товуш
 ёзуви бўлиб, у энг қулай ва ихчам ёзув ҳисобланади.
 Ёзувларнинг турли халқларда пайдо бўлиш тақдири
 турлича. Бугунги кунда дунёда ёзувнинг 400 яқин тури
 маълум. Лекин ҳамма ёзувнинг тараққиёти, келиб
 чиқиши аниқланмаган. Ҳар бир ёзув тизими жонли бўлиб,
 ўзгариб боради, ривожланади. Ёзув тизимини ўрганиш
 соҳасида иш олиб борилаётганига икки юз йилдан
 ошди. Айрим ёзувларнинг сири тўла очилди, бошқалари
 навбатини кутмоқда. Масалан, шумерларнинг энг
 қадимги, эрамиздан олдинги тўртинчи минг йилликнинг
 охири ва учинчи минг йилликнинг бошида ёзилган
 ҳужжатлари ҳамон жумбоқлигича турибди. Шумерлар
 жамият тараққиётининг илк босқичидаёқ маънавий
 жиҳатдан юксак халқ бўлган. Улар ёзувнинг дастлабки
 ижодкорларидан эдилар. Афсуски, шумерларнинг анча
 кейинроқ ёзилган хатларигина ўқилган, холос. Ўрта Осиё
 тарихида ёзув милоддан аввалги биринчи минг йиллик
 ўрталарида вужудга келди. Мазкур ҳудудда қўлланган
 ёзувларнинг деярли ҳаммаси ҳарф-товуш ёзуви
 гуруҳига мансубдир. Милоддан аввалги VI–IV асрларда
 оромий ёзуви ва форсий миххат қўллана бошлади.
 Милоддан аввалги IV асрдан милодий VIII асргача Ўрта
 Осиё халқлари хоразм, суғд, авесто, моний, пахлавий,

бохтар, урхун-энасой, эски уйғур ва бошқа ёзувлардан фойдаландилар. VIII аср ўрталаридан бошлаб араб ёзуви Ўрта Осиё халқларининг асосий миллий ёзуви бўлиб қолди. Жамиятнинг тарихий тараққиёти билан биргаликда ёзувнинг график белгилари (тасвирий шакллари) ҳам, ёзиш усуллари ва услублари ҳам ривожланиб боради. Бунга Ўрта Осиёда араб ёзувининг бир минг уч юз йиллик тарихини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Босиб ўтилган даврда Ўрта Осиёда кўплаб хаттотлик мактабларининг вужудга келиши, араб ёзувининг кўплаб манзарали (зийнатли) услубларининг пайдо бўлиши, хат таълими ва санъати бўйича машҳур назарийтчиларнинг етишиб чиқиши фикримизнинг далилидир. Бошқача айтганда, араб ёзувининг оддий ҳарфий белгилари бора-бора юксак санъат асари даражасига кўтарилди. Инсоният ёзувни тараққий эттиришда фақат қўл меҳнатига қараб қолмади, бу соҳада секин-аста техник кашфиётларни ҳам юзага чиқара бошлади. Стенограмма (тез хат) ва машинкада ёзишдан фойдаланиш, тошбосма ва михбосма усулларида китоб босиб чиқариш — матбаа ишларининг пайдо бўлиши шулар жумласидандир.

Ёзув адабиёти — қ. ёзма адабиёт.

Ёзув воситалари (материаллари) — кишилар ёзувни ихтиро қилганларидан кейин уни ёзиш учун турли воситалар (материаллар)дан фойдаланганлар. Кўп қўлланган воситаларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: тоғ қоялари, харсанг ва ясси тошлар, махсус йўнилган тош лавҳалар, оловда пиширилган лой лавҳачалар, сопол идишлар ва уларнинг синиқлари, йирик ҳайвонларнинг курак суяклари, ҳайвонлар териси, таёқ шаклида тайёрланган ёғоч, дарахтларнинг пўстлоғи ва япроғи, силиқланган ва маълум шаклга келтирилган металллар (мис, қўрғошин, бронза), тўқима мато, папирус, пергамент ва ниҳоят, қоғоз. Қайси буюм (предмет)дан ёзув воситаси (материал) сифатида фойдаланиш муайян мамлакат ҳамда ўлканинг ўша даврдаги табиий шароитлари, ижтимоий-иқтисодий имкониятлари ва ҳоказоларига боғлиқ бўлган. Ўрта Осиё халқлари тарихида милоддан аввалги VI асрлардан бошлаб милодий VIII асрларгача ёзув воситалари сифатида тоғ қоялари, харсанг ва

ясси тошлар, махсус йўнилган тош лавҳалар, оловда пиширилган лой тахтачалари, сопол буюмлар ва уларнинг синиқлари, таёқ шаклида тайёрланган ёғоч, тери, қисман қайин пўстлогидан фойдаланилган. Шу билан бирга Ўрта Осиёда милоднинг IV асридан бошлаб қоғоз ҳам ёзув воситаси бўлиб хизмат қилиб келмоқда (IV асрга мансуб “Эски суғд хатлари” қоғозга битилган). VII аср охири ва VIII аср бошларидан Ўрта Осиёнинг ўзида (аниқроғи, Самарқандда) олий сифатли қоғоз ишлаб чиқарила бошлади. (VIII аср бошларига келиб Муғ тоғидан топилган суғд ҳужжатларининг кўпчилиги қоғозга ёзилган). VIII–IX асрларда Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларида китобат ишида қоғоздан фойдаланиш кенг йўлга қўйилди.

Ёзув ёдгорликлари — маълум бир халқнинг ўз тарихида қўллаган муайян бир ёзувда яратилган ёдгорликлар. Ўрта Осиё халқлари икки ярим минг йиллик ёзма тарих давомида бир неча ёзувлардан фойдаланган экан. Манбалар қайси ёзувда яратилган бўлса, ўша ёзувнинг ёдгорликлари ҳисобланади. Чунончи, хоразм ёзуви ёдгорликлари, суғд ёзувининг ёдгорликлари, ўрхун-энасой ёзуви ёдгорликлари каби. Ҳар бир ёзувда етиб келган ёдгорликлар қандай савияда ва қанча миқдорда бўлишидан қатъий назар, шу ёзувларни қўллаган халқнинг тарихи, тили ва адабиётини, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, илмий-фалсафий қарашларини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

Ёзув қуроллари — ёзув воситалари (материаллари) нинг нимадан ва қандай тайёрланганига қараб ёзув қуроллари ишлатилган. Ёзув қуроллари турли даврларда ёзув воситаларига мос равишда ўзгариб борган. Ўткир учли металл (қаттиқ нарсаларга ўйиб ёзиш учун), ўткир учли ёғоч таёқча, қамиш таёқча, қамиш перо (қалам), бронза, кумуш ҳамда пўлат перо (қалам), суяк, гоз ёки бошқа паррандаларнинг пати каби буюмлар ёзув қуроли вазифасини бажарган. Ёзиш учун ишлатилган суюқлик — сиёҳ ҳам дунёнинг турли жойларида маҳаллий-табиий шароитларга кўра тайёрланган. Сиёҳ турли усуллар билан хилма-хил моддалар аралашмасидан ҳосил қилинган. Сиёҳлардан фойдаланишда ёзилган хатнинг ўқишга қулайлиги, узоқ муддат сақланиши, иссиқ,

совуқ ва намга чидамлилиги ҳамда чиройлилиги ҳисобга олинган. Ҳурта Осиёда болаларни ёзишга ўргатишда, хаттотликда ишлатиладиган энг зарур ёзув асбоблари сиёҳ, давог, сихпар, лос, қамиш қалам ёки савағич қалам, қаламқат, қаламтарош, қаламдон, мистар, теглик, қоғоз ва жузгирдан иборат бўлган.

Ёзувчи — қ. адиб, муаллиф.

Ёр-ёр — қиз чиқарарда ижро этиладиган, ҳар бир байти “ёр-ёр” рафифи билан тугайдиган қўшиқ. Яна қ. чинка, ўлан.

Ёрлик, ёрлик — 1. Мамлакат ҳаётида амалга ошириладиган бирор муҳим воқеа-ҳодиса (қўшин тўплаш, йўл қуриш, ариқ қазилш ва ҳоказо) ни халққа маълум қилиш учун махсус мансабдорларга ҳукмдор берган ёзма буйруқ. 2. Амирлар ва нуфузли кишиларга амал, унвон, ер-мулк ва турли имтиёз берилганлиги ҳақида подшо, хон, умуман, мамлакат ҳукмдорининг муҳри босилган расмий ҳужжат, фармон.

Ёрликот (б. ёрлик) — ёрликлар. қ. ёрлик.

Ёсо, ёсоқ — қ. ясо, ясоқ.

Ёқутий, хатти ёқутий — машҳур сайёҳ, адиб ва тарихчи Ёқут Ҳамавий (1179–1229) хат санъатидаги услубларни такомиллаштиришга ҳам катта ҳисса қўшган. У алоҳида варақларда ёзиладиган хатларнинг гоёг гузал бўлишига зўр эътибор берган. Кейинги асрларда баъзи хаттотлар қитъа ва иншоларни Ёқут Ҳамавий равишида кўчириб, уларнинг услубини “хатти ёқутий” — “ёқутий хат” деб юритишган.



Жавзо — шамсия йил ҳисобида учинчи ойнинг номи. Кунлар миқдори 31 кун. Милодий ҳисобида 21 майдан 22 июнгача бўлган кунларни ўз ичига олади.

Жавоб, жавобия, жавобнома — қ. татаббуъ.

Жавомий ул-калом — ўзи қисқа, аммо чуқур маъноли сўзлар тўплами, луғат.

Жавомий ул-ҳикоёт — қ. жомий ул-ҳикоёт.

Жавоҳири муфрада — якка-якка гавҳарлар (бу ерда

байт маъносида). Баъзи қўлёмаларда фард жанрига мансуб шеърлар, бир байтдан иборат ҳикматли сўзлар шундай сарлавҳа билан берилади.

Жавоҳирнома — жавоҳирлар (лаъл, ёқут, марварид ва бошқа қатор қимматбаҳо тошлар)нинг шифобахшлиги, зийнатлилиги ва қиммати ҳақида ёзилган қисқа шеърлар, байтлар. Абу Райҳон Беруний ўзининг “Жавоҳирнома” (Минералогия) номли асарида жавоҳирларнинг хусусиятлари ҳақида араб тилида айтилган қисқа шеър ва байтлардан кўплаб намуналар келтиради.

Жавоҳир ул-ҳикоёт — қ. жомиъ ул-ҳикоёт.

Жавҳарнома — қ. жавоҳирнома.

Жадвал, жазвал — Шарқ китобат санъатида энг кўп қўлланилган бадиий безаклардан бири. Жадвал оддий, нафис, зарҳал бўлиши мумкин. Қўлёманинг бир саҳифасидаги матн атрофига алоҳида жадвал ёки ҳар икки саҳифадаги матн атрофига яхлит бир жадвал тортилади. Бир саҳифада матн бир неча устундан (асосан, шеърий асарлар) иборат бўлса, ҳар бир устун биридан жадвал чизиқлари билан ажратиб қўйилади. Девонларда, баёзларда ҳар бир шеър жадвалга олинади. Қўлёмандаги сарлавҳалар ва расм (миниатюра)лар ҳам жадвал билан ажратилади. Оддий жадвал матн атрофига тортилган кўпинча бир йўлли қизил рангдан; нафис жадвал жуда ингичка ва бир неча ранглардан ташкил топган икки, уч, ҳатто тўрт йўлдан; зарҳал жадвал эса олтин суви берилган бир ёки бир неча йўлдан иборат бўлади.

Жадвалкаш — қўлёмаларга нафис ва зарҳал жадваллар чизиб, бадиий жиҳатдан безатувчи ҳунарманд.

Жад(и)й — шамсия йил ҳисобида ўнинчи ойнинг номи. Кунлар миқдори 30 кун. Милодий йил ҳисобида 22 декабрдан 20 январгача бўлган кунларни ўз ичига олади.

Жадовил (б. жадвал) — жадваллар, қ. жадвал.

Жазм — араб ёзуви ҳаракатларидан бири — сукуннинг бошқа номи. қ. сукун.

Жайбий — чўнтак, баъзида жазбий — чўнтак баёз, чўнтакда олиб юришга мўлжаллаб тайёрланган баёз, ён баёз.

Жалий, хатти жалий — жуда йирик, аниқ ёзилган хат. Алоҳида қитъаларга матнлар ёзишда кўпинча шу хатдан фойдаланилади.

Жалийнавис — йирик хатларни ёзувчи (кўчирувчи) хаттот.

Жалийқалам — қ. жалийнавис.

Жангнома — тарихий ва афсонавий жанг воқеалари, тарихда ўтган машҳур лашкарбошиларнинг ҳаёти, тарихий ва афсонавий шахсларнинг мардлик ва қаҳрамонликларидан ҳикоя қилувчи адабий ва тарихий асарлар. Жамшид, Рустам, Амир Ҳамза, Або Муслим ҳақидаги қиссалар; Фирдавсийнинг “Шоҳнома” сига кирган қаҳрамонлик дostonлари. Алишер Навоийнинг “Сади Искандарий”, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” дostonлари ҳам Шарқ адабиётининг жангномаларига яққол мисол бўла олади.

Жангномахонлик — ўзбек халқининг маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган қадимий адабий анъаналардан бири. Кишилар адабий мажлисларда, гап ва тўкмаларда тўпланишиб, жангнома асарларни ўқиганлар. Жангномахонлик кишиларни ватанпарварлик, мардлик, қаҳрамонлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этган.

Жанд — қ. Занд.

Жандара — муқовачилар ишлатадиган асбоб, китоб ҳолига келтирилган қўлёзманинг варақларини маълум муддат сиқиб турувчи мослама, исканжа.

Жаноби олийлари — олий мартабали кишиларга, хорижий меҳмонларга мурожаат қилинганда ҳурмат юзасидан айтиладиган сўз.

Жарр — кўфий хатида ҳарфларнинг пастдан текис тортилган қисми.

Жарида — 1. Дафтар, руйхат дафтари. 2. Китоб, шеър китоби, шеър дафтари.

Жарчи — олий ҳукмдорнинг фармонлари ва подшоҳликда (хусусан, саройда) юз бериб турадиган муҳим воқеаларни халққа эълон қилиб турадиган кичик мансабдор. Подшоҳликнинг бундай хабарлари, кўпинча,

одамлар гавжум бўладиган жойлар — гузаргоҳ, масжид, мадраса, хонақоҳ, бозор, карвонсарой, намозгоҳ, ийдгоҳ, сайлгоҳ, такягоҳларда эълон қилинган.

Жатака — суғд адабий ёдгорликларида қисқа-қисқа ибратли, ҳикматомуз ҳикоялар. Жатакалар суғд ёзма ёдгорликларида мустақил равишда алоҳида-алоҳида учраши мумкин. Йирик суғд ёдномалари таркибида қиссадан ҳисса чиқариш мақсадида киритилади.

Жафф ул-қалам — тўсатдан ёзиш, тўхтовсиз ёзиш; уйламасдан ёзиб ёки айтиб юбориш.

“Же” — араб ёзувига асосланган эски ўзбек алифбосининг ўн тўртинчи ҳарфи (ج) номи бўлиб, абжад ҳисобида 7 га тенг. “Же”ни ج “зе” ҳарфидан фарқлаш учун “зойи форсий” деб ҳам аталади. (ج ни “зойи арабий” деб ҳам юритилади). “Же” ундош товуш “ж” ни англатади: زله жала, مزگان мужгон, مزده мужда каби. Яна қ. ажам ҳарфлари.

Жилд — 1. Катта ҳажмли асарларнинг маълум даражада мустақил қисмлари. Масалан, Мирхонд ва Хондамир томонидан ёзилган “Равзат ус-сафо” тарихий асари етти жилддан иборат. 2. Жуда ноёб қўлёзмаларни яхши сақлаш учун унинг муқовасига ўлчаб тикилган гилоф. Улар, кўпинча, чармдан ёки матодан қилинади. 3. Илгари мактаб ўқувчилари ўқув ашёларини солиб юриш учун матодан тикилган халта. Жилднинг икки ёнидан латта тасмача бириктирилган ва елкага ўтказиб, бўйинга осиб юрилган. Ўқувчиларнинг бундай жилди “ҳомойил” деб ҳам юритилган.

Жилдкор — китоблар ва ўқувчиларга жилд тайёрловчи ҳунарманд.

“Жим” — араб алифбосининг бешинчи ва араб ёзувига асосланган эски ўзбек алифбосининг олтинчи ҳарфи (ج)нинг номи бўлиб, абжад ҳисобида 3 га тенг. “Жим” ёзилиш шаклларига кўра қуйидаги номлар билан аталади: жими мудаввар (юмалоқ жим), жими мушаммар (учи қайрилган, букилган жим), жими чағмоғий (илмоқсимон жим). “Жим” “ж” ундош товушини ифодалайди: جن жин, جمال жамол, گنج ганж, جهان жаҳон, جناب жаноб каби.

Жодурақам — гоят гўзал ва нафис ёзган хаттотларга нисбатан шу сифат қўлланилади.

Жолинус — қадимги Рим табиби ва табиатшуноси Гален Клавдийнинг Шарқдаги номи. Милоднинг 131–201 йиллари.

Жомий ул-амсол — мақол ва ҳикматли сўзлардан, масал ва ибратли ҳикоялардан тузилган тўпلام.

Жомий ул-аҳодис — пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўзларидан тузилган тўпلام, ҳадислар тўплами.

Жомий ут-таворих — 1. Бир қанча давлат ва мамлакатларнинг узоқ босиб ўтган тарихини жуда кенг ҳамда батафсил ёритиб берувчи мукамал тарихий асар; тарихий воқеалар тўплами. Бундай асарлар ўз даврига нисбатан умумжаҳон тарихини ёритиш мақсадини ҳам ўз олдига қўяди. 2. Рашидуддин Фазлуллоҳ томонидан 1302–1310/11 йилларда яратилган тарих китоби. Асар форс тилида бўлиб, 3 қисмдан иборат.

Жомий ул-улум — 1. Илмлар тўплами. Шарқда мавжуд бўлан илмларнинг ҳар бирига қисқа-қисқа таъриф берувчи асар. 2. Фахриддин ар-Розий (1149–1210) томонидан Хоразмшоҳ Эларслон (1172–1193)га атаб ёзилган асар. Таркиби 60 илм (боб)дан иборат. Асарда шариат илмлари билан бир қаторда тарих, сарфу наҳв, аруз, кофия, мантиқ, табобат, жавоҳиршунослик, зироат, фалакиёт, риёзиёт, ахлоқ, сиёсат, ҳарб иши, шатранж ва бошқа илмларга таъриф берилган.

Жомий ул-фатово — фатволар мажмуи. Айрим қозихоналарда қозилар томонидан турли масалалар бўйича чиқарилган фатволар махсус дафтарларга тартиб билан изчил ёзиб борилган. Кейинчалик ўша фатволар махсус котиблар томонидан кўчирилиб, китоб ҳолига келтирилган. Фатволардан тузилган қўлёзма мажмуалар кўплаб учрайди.

Жомий ул-ҳикоёт — насиҳатомуз, ибратли ҳикоятлардан тузилган мажмуа, тўпلام.

Жонийлар — 1599 йилдан 1753 йилгача Бухоро хонлигини идора қилган Аштархонийлар сулоласи баъзи илмий адабиёт ва тарихий манбаларда шундай

ном билан юритилади. 1556 йилда Астрахон хонлигини Россия босиб олгандан кейин, у ердан Бухорога кучиб келган Ёрмуҳаммадхоннинг угли Жонибек султоннинг номидан олинган. қ. Аштархонийлар.

Жоруллоҳ — хоразмлик буюк тилшунос, адиб ва шоир Маҳмуд Замаҳшарий (1074–1144)нинг фахрий унвони. “(Илм ва ҳикматда) Аллоҳнинг қўшниси” деган маънони беради.

Жузв — 1. Бўлак, қисм, парча (бутун эмас). 2. Қўлёзма варақларини муқовалаш вақтида бирлаштириладиган алоҳида-алоҳида қисмлар. 3. Китобнинг бир бўлаги, китобнинг бир неча вараги.

Жузвдон — қоғоз ва бошқа ёзувлар, ҳали муқовага олинмаган қўлёзма варақлари солиб қўйиладиган чармдан ишланган анжом, жузъгир.

Жузвиёт — 1. Парчалар, бўлак-бўлак масалалар. 2. Бир неча қисмдан иборат катта асар ёки бирор ижодкор асарларининг алоҳида-алоҳида кўчирилган нусхалари, куллийётнинг бўлаклари. Жузвиёт куллийёт (қ.)нинг зидди ҳисобланади. Баъзан “куллийёту жузвиёт” деб бирга ишлатилади.

Жузъ — қ. жузв.

Жузъгир — қ. жузвдон.

Жузъиёт — қ. жузвиёт.

Жумла — бир ёки бир неча сўзлар тизмасининг мантиқий боғланиши, бирикиши натижасида ифодаланган тугал фикр, гап.

Жумал (б. жумла) — жумлалар, қ. жумла.

Жумалу абжад ҳисоби — қ. абжад ҳисоби.

Жумад ул-аввал — ҳижрий йил ҳисобида бешинчи ойнинг номи. Кунлар миқдори 30 кун.

Жумад ул-охир — ҳижрий йил ҳисобида олтинчи ойнинг номи. Бу ойнинг номи жумад ус-соний деб ҳам юритилади. Кунлар миқдори 29 кун.

Жумад ус-соний — қ. жумад ул-охир.

Жунг — адабий асарлардан олинган парчалар, термалар ҳамда шеърлар ёзиб бориладиган катта дафтар, қўлёзма китоб.

Забар — араб ёзуви сатр усти белгиларидан фатҳанинг форс-тожикча номи. қ. фатҳа.

“Забур” — тўрт муқаддас китобнинг бири. Довуд алайҳиссаломга нозил бўлган дейилади.

Зайл — бирор асар ёзиб тугаллангандан кейин унга қўшилган илова, қўшимча.

Закий — ўткир ақл-идрокли, билимдон, донишманд, заковатли киши.

Закотнома — ислом динининг беш асосий рукнларидан тўртинчиси закот ҳисобланади. Закот ҳар бир қодир мусулмон киши моддий бойлиги нисобга етса, рамазон ҳайитидан олдин ўша бойлигининг қирқдан бир қисмини мухтожларга эҳсон тарзида беради. Закотни рамазон ойидан бошқа вақтларда берса ҳам бўлаверади. Лекин бу ойда берилган закотнинг савоби бошқа ойларда берилганларига қараганда етмиш баробар ортиқдир. Закот жамиятдаги турли табақалар — бойлар, тижоратчилар, ҳунарманд, деҳқон ва чорвадорлардан белгиланган турли миқдорда олинади. Закот бериш қоидалари ҳақида бир қанча рисолалар ёзилган. Булар “Закотнома” деб юритилади. Шундай асарлардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўзбек тилида шеърий йўл билан ёзган асаридир. У “Мубаййин” асарининг тўртинчи қисми ҳисобланади.

Замзама — овоз чиқармай ўқиладиган намоз, ибодат.

Замма — араб ёзувида сатр усти белгиларидан бири. Вергул шаклида (') ундош ҳарфлар устига қўйилиб, шу ҳарфдан кейин қисқа “у” унли товуши борлигини билдиради. Масалан: هُنر ҳунар, مَرْغ мурғ, كُتُب кутуб (китоблар) каби. Замма араб ёзувида ундош товушларга қўйилишидан ташқари, айрим ҳолларда сўз бошида келган алиф ва айн устига ҳам қўйилади. Бу ҳолда замма қуйидаги вазифаларни бажаради: а) агар сўз бошида алиф замма олган бўлса, қисқа “у” унлисини билдиради: أُنُق уфқ, أُلُغ улоғ (аравага, қўшга қўшиладиган ёки миниладиган ҳайвонлар); б) агар сўз бошида айн замма

олган бўлса, худди юқоридаги каби қисқа “у” унлисини билдиради: *عمر* умр, *عزر* узр каби. Замма форс-тожик тилида *печ* деб аталади.

“Занд” — зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”га сосонийлар даврида паҳлавий тилида ёзилган шарҳларнинг номи. “Жанд” деб ҳам юритилади. Яна қ. “Авесто”.

Занжирак — қўлёзма китоблар муқовасининг усти (юзи)даги безаклардан бири. У ўйма занжирсимон жадвалдан иборат. Бу жадвал муқованинг қиррасига яқин ёки бир оз узоқроқ жойлаштирилган бир ёки бир неча йўлдан иборат бўлиши мумкин.

Зарандуд, хатти зарандуд — олтин суви билан ёзилган хат, олтин каби ялтиратиб ёзилган хат.

Зарафшон — китобат санъатида бадиий безаклардан бири. Қўлёзмаларнинг саҳифаларини тўлалигича ёки фақат матн ёзилган жадвал ичидаги асосий қисмни, саҳифанинг ҳошия қисмини олтин суви сепиб, ялтиратиш. Олтин суви сатрларнинг оралиқларига ва жадвал чизиқларининг ўрталарига ҳам берилиши мумкин.

Зарб ул-масал — 1. Кенг маънода халқ оғзаки ижодидаги мақол, матал, масал, таълимий ва ахлоқий ҳикоялар. 2. Мақоллар ва маталлардан кенг фойдаланиб, ёзма адабиётда яратилган насрий ва шеърий асарлар. Масалан, Гулханий ҳамда Рожийнинг “Зарб ул-масал” асарлари.

Зарварақ — 1. Қўлёзма китобнинг бошланишида олтин суви берилган биринчи саҳифаси. Агар икки саҳифа яхлит зарафшон қилинса, қўш зарварақ деб аталади. 2. Олтин суви юритилган махсус қоғоз.

Зардушт йил ҳисоби — исломга қадар Марказий Осиё ва Ўрта Шарқда кенг амал қилинган қуёш тақвими. Унда 12 ойнинг ҳар бирида 30 кун ҳисобга олинган. Йил 360 кундан иборат бўлиб, қуёш (эклиптик) йилдан ортган 5 кун янги йил (наврўз) арафасидаги байрам кунлари деб улуғланган. Баъзан шу 5 кун алоҳида 13-ой сифатида ҳисобланган. Зардуштий йил ҳисобида ойларнинг номлари зардуштийлик илоҳиёт тизимидаги Худолар номи билан аталган: Фарвардин, Ордубиҳишт, Хурдо,

Тир, Мурдоод, Шаҳриёр, Меҳр, Обон, Озар, Оташ, Баҳмон, Испандармат. Бу тақвимда ойнинг 30 куни ҳар бири алоҳида номланган. Кун номлари ҳам зардуштийлик илоҳиёт тизими асосида маъбудлар номлари қаторидан иборат. Чунончи: 1-кун — Аҳура Мазда куни, 2-кун — Ваҳу Мана куни, 3-кун — Арта вахишта куни, 4-кун — Хшатра Варта (шаҳриёрлик) куни ва Ҳ.К.

Зардушт йил ҳисоби соф қуёш тақвими ҳисоблансада, астрономик вақтга нисбатан 210 йилда бир марта қўшимча (кабиса) йил киритиш ҳисобидан тўғрилаб турилган. Зардушт тақвимининг қадимги суғдача варианты Муғ тоғидан топилган суғда ҳужжатлари асосида ўрганилган. Ушбу тақвимнинг қадимги Хоразм маҳаллий варианты ҳақида Абу Райҳон Беруний тўлиқ маълумот берган.

Зардуштнома — Зардушт динининг қоидалари, ибодатлари, дуолари; зардушт динининг асосий китоби “Авесто”дан олинган парчалар, қисмлар ҳақида ёзилган шарҳлар, изоҳлар. Бундай асарлар Сосонийлар даврида паҳлавий тилида ва кейинроқ дарий тилида ҳам кўплаб ёзилган. Афсуски, ҳозиргача зардуштномалардан жуда оз қисми сақланиб қолган.

Заржадвал — қўлёзма китобларга олтин суви билан чизилган жадвал.

Заркор — қўлёзма саҳифаларига олтин суви берувчи, олтин суви билан нақш солувчи ҳунарманд.

Заркаш — қ. заркор.

Заркуб — қ. заркор.

Зармуҳра — қўлёзма саҳифаларини зарҳаллашда қўлланиладиган махсус дастага ўрнатилган ақиқ (тош).

Зарнигор — қ. зарҳал.

Заррин — қ. зарҳал.

Заррин, хатти заррин — қ. зарандуд, хатти зарандуд.

Зарринқалам — хаттотлик санъатининг ғоят нозик ва нафис сирларини эгаллаган машҳур хаттотларга берилган унвон. Зарринқалам сўзи шу унвонга сазовор бўлган хаттотлар номига қўшиб айтилган. Масалан, XVI асрда Бухорода етишган машҳур хаттот Маҳмуд Шаҳобий шу унвонга сазовор бўлган (бу хаттотнинг Анбарин унвони ҳам бўлган).

Зарфишон — қ. Зарафшон.

Зарҳал — олтин суви юритилган, олтин билан зийнатланган (саҳифа).

Зафарнома — галаба ҳақида, умуман, жанговор юришлар ҳақида ёзилган тарихий ёки адабий асарлар. Масалан: Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”си (1402–1404), Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”си (1425) каби. Ўрта асрларда Шарқ муаррих ва адiblари зафарнома руҳидаги кўплаб асарлар ёзганлар.

Заъф — 1. Хаттотлик санъатида ҳарфларнинг жуда ингичка, нозик ёзилган унсурлари (элементлари). 2. Хаттотнинг хат ёзишда қалам тортиш қуввати.

“Зе” — араб алифбосининг ўн биринчи ва араб ёзувига асосланган эски ўзбек алифбосининг ўн учинчи ҳарфи (ز)нинг номи бўлиб, абжад ҳисобида 7 га тенг. “Зе” ҳарфи “з” ундош товушини ифодалайди. Форс-тожикча ва туркий сўзлардаги “з” товуши шу ҳарф билан ёзилади: زور зўр, آزاد озод, آرزو озиқ, غاز гоз каби.

Зебонавис — қ. зебоқалам.

Зебоқалам — гўзал, чиройли ёзувчи хаттотлар шу сифат билан юритилган.

Зер — араб ёзуви сатр ости белгиларидан бири — касранинг форс-тожикча номи. қ. касра.

Зеру забар — бу ҳар икки сўз арабча касра ва фатҳанинг форс-тожикча номлари бўлиб, улар араб ёзуви сатр усти ва ости белгиларининг умумий номи — ҳаракатлар маъносида ҳам ишлатилади. Чунончи: зеру забар қўйилган луғат, Алишер Навоийнинг зеру забар қўйиб кўчирилган “Ғаройиб ус-сиғар” девони каби.

Зиёратнома — қ. Ташрифнома.

Зиж — юлдузларнинг ҳаракат ва ҳолатларини кўрсатувчи фалакиёт жадваллари. VIII-XV асрларда Ўрта Осиё мунажжимлари томонидан кўплаб зижлар тузилган. Чунончи: Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий (783–850), Аббос ибн Саид ал-Жавҳарий (IX аср), Абу Райҳон Беруний (973–1048), Умар Ҳайём (1048–1131), Жамшид ал-Коший (XIV–XV асрлар), Муҳаммад Тарағай Улуғбек (1394–1449) зижлари.

Зикр — сўзлаш, тилга олиш, эслаш. Тасаввуфда тариқат пирлари ҳамда муридларнинг кундалик ўқиб

юрадиган махсус калима ва дуолари. Ҳадиси шарифда барча зикрларнинг афзали — “Ла илаҳа иллаллоҳ” (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ) ибораси, дейилган. Зикр икки хил амалга оширилади: 1. Зикри хафий ёки зикри дил. Бунда зикр тил билан талаффуз қилинмай, фақат дил билан пинҳоний ижро этилади. 2. Зикри жаҳрий ёки зикри лисоний. Бунда зикрни тил билан баланд овоз чиқариб ошкора айтилади. Нақшбандия тариқатида биринчи усул — зикри хафий ихтиёр этилган.

Зикрхона — тасаввуф аҳлининг зикр ўқишлари қиладиган жойи. Зикр ўқишлари кўпроқ хонақоҳларда ўтказилган.

Зилқаъда — қ. зул-қаъда.

Зилҳижжа — қ. зул-ҳижжа.

Зироат, илми зироат — Шарқда деҳқончилик иши.

“Зо” — араб алифбосининг ўн еттинчи ва араб ёзувига асосланган эски ўзбек алифбосининг йигирманчи ҳарфи (ظ) бўлиб, абжад ҳисобида 900 га тенг. “Зо” ҳарфини Ўрта Осиё халқлари араб алифбосидаги бошқа “з” лардан ажратиш учун “изғи” номи билан атайдилар. “Изғи” “з” ундош товушини ифодалайди. “Изғи” фақат араб тилидан кирган сўзларда ёзилади: ظلم зулм, نظم назм, حافظ ҳофиз каби.

Зог, зок — муқовачилиқда чармни қорайтириш учун ишлатилдиган бир турли бўёқ, модда.

“Зод” — араб алифбосининг ўн бешинчи ва араб ёзувига асосланган эски ўзбек алифбосининг ўн саккизинчи ҳарфи (ض) бўлиб, абжад ҳисобида 800 га тенг. “Зод” “з” ундош товушини ифодалайди. “Зод” фақат араб тилидан кирган сўзларда ёзилади. ضرور зарур, ضربه зарба, عريضة ариза каби.

Зойча — мунажжим ва раммоллар ром очиш учун амал қиладиган, дуолар ёзилган хона-хона жадвал.

Зокир — зикр айтувчи, зикр тушувчи, зикрхон. қ. зикр.

“Зол” — араб алифбосининг тўққизинчи ва араб ёзувига асосланган эски ўзбек алифбосининг ўн биринчи ҳарфи (ذ) нинг номи бўлиб, абжад ҳисобида 700 га тенг. “Зол” “з” ундош товушини ифодалайди. “Зол” фақат

араб тилидан кирган сўзларда ёзилади: *نكر* зикр, *منكور* мазкур, *ذاكر* зокир каби. Шарқ шеърлятида шоирлар “зол”нинг шакли ва устидаги нуқтасини маъшуқанинг холли яногига ўхшатадилар.

Зоҳид — умрини фақат тоат-ибодатга бағишлаган киши.

Зоҳирий, илми зоҳирий — дунёвий фанлар, аниқ фанлар. Илми ботинийнинг зидди.

Зубдат ул-масоил — бир қанча масалаларнинг энг муҳими, энг зарури; бир неча масалалардан чиқарилган умумий хулоса, натижа.

Зубдат ул-таворих — “тарихларнинг қаймоғи”, хулосаси; бирор сулола ёки шу сулолага мансуб ҳукмдорнинг давлат бошқаруви даврида юз берган энг муҳим воқеа-ҳодисалар баёни; қисқача тарихий асар.

Зубдат ул-ҳикоёт — “ҳикоятларнинг қаймоғи”, сараси, танланган ҳикоятлар; қисқа ва ибратли ҳикматлардан тузилган мажмуа.

Зул-жиноҳайн — “икки қанот эгаси”; ҳам ботиний, ҳам зоҳирий илмларни эгаллаган олим.

Зулфи арус, хатти зулфи арус — араб ёзувининг зийнатли услубларидан бири.

Зул-лисонайн — икки тилнинг эгаси, икки тилда асар ёзган ижодкор. Ўзбек адабиётида қатор шоирлар ҳам ўзбек, ҳам форс-тожик тилида асарлар ёзганлар. Алишер Навоий ҳам зуллисонайн шоир бўлиб, “Фоний” тахаллуси остида форс тилида кўплаб шеърлар яратган. Кейинчалик бу шеърлар тўплами — “Девони Фоний” форс-тожик адабиёти тарихидан мустаҳкам ўрин олди. Шарқ адабиётидаги зул-лисонайнлик анъанасини ўзбек шоирлари XX аср бошларига қадар муваффақиятли давом эттирдилар.

Зул-қарнайн — “икки томоннинг эгаси”. Бу ерда икки томон деганда Ғарб ва Шарқ тушунилади. Искандар Румий ўз юришлари давомида Ғарб ва Шарқдаги жуда кўп мамлакатларни фатҳ этди. Шунинг учун у Шарқ халқлари орасида Зулқарнайн лақаби билан машҳур. Тарих, ёзма адабиёт ва халқ оғзаки ижоди асарларида Искандар Зулқарнайн ёки тўғридан-тўғри Зулқарнайн деб юритилади. Яна қ. Искандарнома.

Зул-қаъда — ҳижрий йил ҳисобида ун биринчи ойнинг номи. Зил-қаъда деб ҳам юритилади. Бу ой рамазон ва қурбон ҳайити ораллиғида бўлганлиги учун Урта Осиё халқларида “ора ойи” номи билан ҳам машҳур. Кунлар миқдори 30 кун.

Зул-ҳижжа — ҳижрий йил ҳисобида ун иккинчи ойнинг номи. Зил-ҳижжа деб ҳам юритилади. Бу ойнинг унинчи кун қурбон ҳайит бўлганлиги учун халқ ўртасида “қурбон ойи” номи билан аталади. Кунлар миқдори 29 кун, кабиса йилида 30 кун.

Зун-нурайн — “икки нурнинг эгаси”. Тўғри йўлдан борган халифаларнинг (Хулофои рошидийн) учинчиси — Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳунинг лақаблари. Бу ерда икки нур сўзи Усмон ибн Аффон пайгамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг икки қизлари (Руқия ва Умму Гулсум)га уйланганликларидан хабар беради. Ислом динига доир тарихий асарларда, маноқибларда ва қиссаларда Усмон ибн Аффон ҳақида сўз борганда тўғридан-тўғри “Зун-нурайн” ёки “Усмони Зун-нурайн” деб ёзилади.

Зуфунун — “фанлар эгаси”, кўп фанларни билувчи киши. Ўзбек халқ китобларидан бири “Қиссаи Зуфунун” деб аталади. Унинг қаҳрамони Зуфунун ҳарбий фанларни чуқур эгаллаган машҳур лашкарбоши сифатида тасвирланади.

И

Иббарх — мил. авв. II асрда яшаган юнон астрономи Гиппархнинг Шарқ манбаларидаги номи.

Ибн — қ. куня.

Ибодат — ислом динида Аллоҳнинг бандаларига буюрган амалларини бажариш. Бунда биринчи уринда иймон келтириш туради. Бунинг учун мусулмонлар Аллоҳнинг биру борлигига ишониб, “Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур расулуллоҳ” (“Ёлғиз Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир”) тавҳид калимасини қалбларига жо этишлари ва тил билан

ўқиб юришлари зарурдир. Иккинчи ибодат — ҳар куни беш вақт намозни адо этиш. Учинчи ибодат — рамазон ойида рўза тутиш. Тўртинчи ибодат — бир йилда бир марта эҳтиёждан ортиқча молнинг қирқдан бирини мухтожларга закот бериш. Бешинчи ибодат — қурби етса, умрида бир марта Маккаи Мукаррамага бориб ҳаж қилишдир.

Ибодат тили — ҳар қандай диний муқаддас китоблар (асл матни)нинг ибодат ва дуолар ўқиладиган тили. Чунончи, зардушт динида авесто тили, ислом динида араб тили, яҳудий динида иброний тили ибодат тили ҳисобланади.

Ибора — 1. Бирор тушунча ёки фикр англатувчи сўзлар бирикмаси. 2. Тугал маъно англатувчи қисқа ифода, таъбир. 3. Сўз, матн.

Иборот (б. ибора) — иборалар, қ. ибора.

Ибратнома — қ. панднома.

Ижмоъ — ислом динининг учинчи манбаи ҳисобланади. Қуръон ва ҳадисларда аниқ кўрсатма берилмаган, айтиб ўтилмаган ҳуқуқий масалалар бўйича мужтаҳид ва фақиҳларнинг тўпланиб, яқдиллик билан чиқарган ҳукмлари.

Ижмол — бирор фикрни, мулоҳазани жуда қисқа ва лўнда баён қилмоқ, хулоса қилмоқ, хулоса чиқармоқ. Ижмол тафсилнинг зидди ҳисобланади.

Ижод — 1. Маънавий ва моддий бойликлар яратиш, вужудга келтириш, яратувчилик. 2. Бирор нарсани ўйлаб чиқармоқ, кашф этмоқ, яратилган асар, ижодий маҳсулот.

Ижодиёт — 1. Ижодий иш билан боғлиқ бўлган фаолият. 2. Бирор шахс ёки бирор соҳага мансуб асарлар мажмуи. Чунончи: Алишер Навоий ижодиёти, Муқимий ижодиёти, халқ оғзаки ижодиёти, бадий ижодиёт, илмий ижодиёт каби.

Ижодий таърих — қ. асарнинг ижодий таърихи ва ўрни.

Ижоза — машҳур хаттотлар ўзлари тарбиялаб етиштирган шогирдларнинг дастлабки кўчирган қўлёзмасининг матнини кўздан кечириб, уни маъқуллаб, бундан кейин китобат қилиш ишлари билан

шугулланишига ёзма равишда ижоза — оқ йул тилаганлар. Бу ижоза устоз хаттот қалами билан шогирд кучирган қўлёзманинг дастлабки ёки охирги варагига ёзиб қўйилган.

Ижтимоийёт — кишилик жамияти, унинг ҳаёти қонуниятларини ўрганувчи фанлар мажмуи.

Изофа, изофат — форс-тожик ва араб тилларида аниқланмиш билан ундан кейин жойлашган аниқловчининг бир-бири билан боғланиши. Аниқланмиш билан аниқловчи форс-тожик тилида “и” (ўзбекча талаффузда унлилардан кейин “йи”) боғланмаси, араб тилида “ал” боғланмаси (“ал” сўз олдида алоҳида келганда олд қўшимча бўлади) орқали боғланади. Чунончи: шаҳри азим, ойнайи жаҳон, дор ул-фунун, дор ул-бақо, шайх ул-ислом каби. Ўзбек тилига форс-тожик ва араб тилларидан жуда кўп изофали бирикмалар ўзлашган. Уларнинг бир қисми бир тушунчани билдирадиган, бир урғу билан талаффуз этиладиган яхлит бир сўзга айланиб қолган; дардисар, обиҳаво, дорулфунун, фавқулодда каби.

Изоҳ — 1. Айрим сўз, ибора ва воқеа-ҳодисаларга бериладиган қисқа тушунтириш, тавсиф. 2. Матннинг айрим жойларига киритиладиган қўшимча маълумот. Қўлёзма манбаларда муаллиф, мусанниф, котиб ёки мазкур манбани мутолаа қилган шахс томонидан айрим сўз, ибора ва жумлаларга изоҳлар ёзиб қўйиш ҳоллари кўп учрайди. Одатда бундай изоҳлар матннинг ҳошиясига қайд этилади. Изоҳ шарҳ (қ.)дан фарқ қилади ва унга нисбатан қисқа бўлади.

Изоҳот (б. изоҳ) — изоҳлар. қ. изоҳ.

Изғи — қ. “Зо” (ظ).

Ийдгоҳ — рамазон ва қурбон ҳайитларининг намози ўқиладиган масжид. Бундай масжидлар халқ кўп тўпланганлиги учун шаҳарнинг кенг ва яланг жойига, баъзан шаҳар ташқарисига ҳам қурилган.

Ийдлик — 1. Илгари вақтларда мактабдорлар рамазон ва қурбон ҳайитларидан бир неча кун олдин алоҳида қоғозга байт ёки тўртлик ёзиб, мактаб боласи орқали

ота-онага юборганлар, улардан инъом кутганлар. Бу қоғоз “ийдлик” ёки “ийднома” деб аталган. 2. Ийдликни олган ота-она ўз фарзандининг домласи ёки отинойисига юборган ҳадяси.

Ийднома — қ. ийдлик I.

Иккилик — 1. Икки мисра (байт); ҳар бир банди икки мисрадан тузилган шеър. 2. Шарқ адабиётида фақат бир байтдан ташкил топган мустақил шеърий шакл, фард. 3. Маснавий (қ.).

Иксир, илми иксир — қ. кимё, илми кимё.

Иликхонлар — XI–XII асрларда Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган Қорахоний подшоҳларнинг унвонлари (999–1212 йиллар). Яна қ. Қорахонийлар.

Илм — фан, билим, маърифатнинг бирор соҳасига доир маълумотлар мажмуаси. Ўтмишда кўп ҳолларда “илм” сўзи фанларнинг номига (форс-тожик ёки араб изофаси билан) қўшиб айтилган. Чунончи: илми адаб (адабиёт, филология), илми масоҳат (геодезия), илми наботот (ботаника), илми ҳайъат (астрономия), илми ҳайвонот (зоология), илми ҳикмат (фалсафа, физика, механика) каби.

Илмий матн — қ. танқидий матн.

Илмий-танқидий матн — қ. танқидий матн.

Илон, илон йили — мучал ҳисобида 6-йилнинг номи.

Илоҳиёт — диний илмлар мажмуи.

Имзо — 1. Қўлёзма китобнинг сўнгги саҳифасида (агар бир қўлёзмага бир неча асар кирган бўлса, ҳар бир асарнинг сўнгида) котиб томонидан (баъзан котиб муаллиф ёки мусаннифнинг ўзи бўлиши ҳам мумкин) мазкур қўлёзма кўчирилган вақт (сана), жой ва ўз исмини қайд этиши. 2. Мактуб, васиқа, фармон, фатво ва бошқа расмий ҳужжатларни кучга киритиш учун қўл қўйиш, муҳр, тамға босиш. Имзо ҳужжатнинг тагига ёки орқа томонига қўйилиши мумкин.

Имло — 1. Сўз ва сўз бирикмаларини, гап ва унинг қисмларини, қўшимчаларни тўғри ёзиш ҳақидаги қоидалар, умуман, тўғри ва мукамал ёзиш. 2. Бирор кишига айтиб туриб ёздиритиш. 3. Белги, ишора.

Имлою савод — қ. хат-савод.

Имом — 1. Хулофои рошидийн (тўғри йўлдан борган халифалар)нинг унвонлари. 2. Тўртинчи халифа Али ибн Абу Толиб авлодларининг унвонлари. 3. Исломдаги тўрт мазҳаб бошлиқларининг унвонлари. 4. Масжидда намозни бошқариб борувчи киши.

Имом-хатиб — қ. хатиб.

Имоми Аъзам — буюк имом. Исломда тўрт мазҳаб бўлиб, уларнинг энг қадимийси Имоми Аъзам ёки ҳанафия мазҳаби деб юритилади. Бу мазҳабнинг асосчиси Нўъмон ибн Собитдир. У кишининг унвонлари Имоми Аъзам (улуғ имом), лақаблари Абу Ҳанифадир. Мазҳаб номи ҳам Нўъмон ибн Собитнинг унвон ва лақаблари билан юритилади. У киши Кўфа шаҳрида ҳижрий 80 йилда туғилганлар. Кўфа шаҳрида энг катта уламолардан дарс олганлар. Имоми Аъзам туғилган вақтларида ҳали саҳобаларнинг барҳаётлари бор эдилар. Жумладан, Имом Аъзам Кўфа шаҳрида тўққиз нафар саҳоба билан сўзлашганлар. Бу мазҳабдан бошқа мазҳабларнинг асосчилари қуйидагилар: Моликия мазҳабининг асосчиси Имоми Молик ибн Анас (93 йилда туғилганлар), Шофия мазҳабининг асосчиси Имоми Шофий (150 йилда туғилганлар), Ҳанбалия мазҳабининг асосчиси Имоми Аҳмад ибн Ҳанбал (164 йилда туғилганлар). Демак, Имоми Аъзам Пайғамбар асри — Саодат асрида дунёга келганликлари, саҳобалар билан мулоқотда бўлганликлари ва шахсан ўзлари тобеъинлардан бўлганликлари сабабли юқоридаги имомларнинг энг улуғи ҳисобланадилар. Кейинги имомлар Имоми Аъзамни ўзларига устоз деб биладилар. Имоми Аъзамнинг мазҳаблари бошқа мазҳабларга қараганда энг улуғ мазҳаб деб тан олинган. Чунки Имоми Аъзам томонларидан айтилган барча масалалар Қуръони Карим ва ҳадисларга мувофиқдир. Шунинг учун бизнинг Туркистон мусулмонлари қарийб бир минг уч юз йилдан буён Имоми Аъзам мазҳабига амал қилиб келадилар. Айни вақтда бутун дунёдаги бир ярим миллиард мусулмонларнинг етти юз миллиондан ортиғи ҳам Имоми Аъзам мазҳабини тан олган.

Имоми жилав — сафар ва юришлар вақтида хон ва рикоб аҳлига хизмат қиладиган имом.

Имом уа-дунё — “дунё имоми”. Буюк муҳаддис Имом ал-Бухорийнинг унвонларидан бири.

Имом ул-муҳаддисийн — муҳаддисларнинг имоми. Буюк муҳаддис Имом ал-Бухорийнинг унвонларидан бири.

Индекс — қ. лугатнома.

“Инжил” — тўрт муқаддас китобнинг бири. Исо алайҳиссаломга нозил бўлган дейилади.

Июятнома — 1. XV–XVIII асрларда Марказий Осиё давлатларида бирор солиқ ва жаримадан озод бўлганлик ёки бирор имтиёз олганликни кўрсатувчи расмий ҳужжат. 2. Қўқон хонлигида нуфузли кишилар сафарга чиққанларида қатагон қилинган жойлар (нодир ўсимлик ва ҳайвонларни сақлаш, кўпайтириш учун ажратилган махсус ерлар)дан йўл-йўлакай фойдаланиш учун берилган рухсатнома. 3. Улуғ ва табаррук кишилардан келган севинч ва илтифот мактуби.

Июқ — Қўқон хонлигида хоннинг хос ва сирдош мулозими.

Интерполяция — асарга котиб, таржимон ёки уни мутолаа қилган киши томонидан кейин қўшилган, асарнинг асл нусхасида бўлмаган сўз, ибора, матн. Бундай изоҳ ва қайдлар, асосан, қўлёзманинг ҳошиясига ёзилади. Шунинг учун интерполяция сўзи ўзбек тилида ҳошия ёзувлари тушунчасига тўғри келади.

Интерпритация — изоҳлаш, шарҳлаш, талқин қилиш, бирор нарсанинг маъносини, туб моҳиятини очиб бериш, аниқ ва қисқа қилиб тушунтириш.

Интихоб — қ. мунтахаб.

Интихоб ут-таворих — қ. мунтахаб ут-таворих.

Иншо — 1. Ижод, сочма асар. 2. Ёзув, хат, мактуб. 3. Давлат девонларида дабир, мунши ва мирзолар томонидан ёзилган (ёки тузилган) расмий ҳужжатлар. 4. Эски мактабда болаларни ёзишга ўргатишда муфрадот, мураккабот ва муқаттаотдан кейин тўртинчи босқич. Бунда болалар ота-онага ва бошқа яқин кишиларига турли хатлар, дуойи салом ёзишга ўргатилган.

Иншо, илми иншо — илми адабнинг қисмларидан бири бўлиб, сочма (насрий) асарлар, расмий ҳужжатлар, мактублар яратишда сўз санъатидан фойдаланиш қоидалари ҳақида баҳс юритилади.

Иншонавис — давлат девонида расмий ҳужжатларни ёзувчи (ёки тузувчи) дабир, мунши ва мирзалар.

Иншонома — қ. иншо 3.

Ипаклос — қ. лос.

Ипакқоғоз — қ. қоғоз.

Ир, йир — 1. Халқ оғзаки ижодига мансуб қўшиқларнинг мусиқа билан куйланиши; халқ қўшиқлари. 2. Куй, ашула, мақом.

Ирсол — ҳарфларни ҳуснихат билан ёзишдаги ҳолатлардан бири; ҳарфни сатр бўйлаб чўзиш; насх, райҳоний, настаълиқ ва бошқа услубларда сатр тўлдириш мақсадида амалга оширилади.

Ирсол ул-масал — байтда мақол ишлатиш. Форсий ва туркий адабиётларда қисқача ирсоли масал (мақол келтириш) деб аталади.

Ирфон — билиш, ўрганиш; билимни кенг ва чуқур, тафаккур билан ўрганиш; билим, маърифат.

Исавий йил ҳисоби — қ. милодий йил ҳисоби.

Иршод — кўрсатма, йўл-йўриқ. Диний илмлар бўйича мустақил равишда масала, маъруза, нутқ айтиш учун машҳур уламолар томонидан мулаларга бериладиган кўрсатма. Иршод ёзма ва оғзаки тарзда бўлиши мумкин.

Искандар — қадимги Юнонистоннинг машҳур лашкарбошиси Александр Македонскийнинг Шарқдаги номи (милоддан аввалги 356–323 йиллар). Александр Македонский Шарқ ёзма ва оғзаки манбаларида Искандар Зулқарнайн, Искандар Румий, Искандар Мақдоний номлари билан ҳам юритилади.

Искандарнома — Ғарб ва Шарқда Искандар Зулқарнайннинг ҳаёти ва ҳарбий юришлари ҳақида ёзилган асарлар туркуми. Булар тарих, ёзма ва оғзаки адабиётнинг турли жанрларида яратилган.

Ислимий — қўлёзмаларнинг бадиий безакларида учрайдиган нақш турларидан бири. Чизиқлар бир-бирига узлуксиз уланиб, ўралиб кетадиган ўсимликсимон,

жимжимадор нақш. Бу нақш форс-тожик тилида “гирих” ва ўзбек тилида “урама” деб ҳам аталади.

Иснод — ровийлар занжири, пайгамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларини ривоят қилган одамларнинг тартибий рўйхати.

Истилоҳ — илм-фан, касб-ҳунарнинг бирор соҳасига хос муайян бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ёки сўз бирикмаси, атама.

Истилоҳот (б. истилоҳ) — истилоҳлар, атамалар. қ. истилоҳ.

Истиғфор — “Астағфируллоҳ ал-азийм” ... деб бошланувчи тавба дуосининг номи.

Исфанд — қадимги Эрон йил ҳисоби бўйича ўн иккинчи ойнинг номи. Кунлар миқдори 29 ёки 30 кун. Милодий йил ҳисобида 21 февралдан 22 мартгача бўлган кунларни ўз ичига олади.

Ит, ит йили — мучал ҳисобида II йилнинг номи.

Итмом — тамомлаш, тамом бўлиш, тугалаш, охирига етказиш. Котиблар баъзан қўлёзмани кўчириб тугатгач, “сўз итмомга етди”, деб ёзиб ҳам қўядилар.

Итқи — қ. “То” (ط).

Ихвониёт — Ўрта аср араб адабиётида дўстлик, биродарлик ҳақидаги шеърлар. Бирор шоир ўзининг бир дўстига шеър билан мурожаат қилиб, ҳурматини, садоқатини, хайрихоҳлигини изҳор қилади. Ихвониёт назмда, баъзан насрда ёзилиши мумкин. Абу Мансур ас-Саолибий “Ятимат уд-даҳр” тазкирасида X–XI асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросондаги арабийнавис шоирларнинг ихвониёт шеърларидан намуналар келтирган. Чунончи: Абулфатҳ ал-Бустийнинг “Ятимат уд-даҳр” муаллифи Абу Мансур ас-Саолибийга, шоир Абу Наср ал-Утбийга ва бошқаларга ёзган ихвониёт шеърлари берилган.

Ихшид — Суғд ҳокимларининг насаби, унвони. Араблар Самарқандга келгунга қадар ўн уч ихшид ҳокимлик қилганлиги тарихий манбаларда ёзилади. Араблар истилосидан кейин ҳам IX аср охиригача айрим суғд вилоятларининг ҳокимлари ихшид унвонини сақлаганлар.

Иштиқоқ — 1. Ўрта аср шарқида адаб илмлари таркибига кирувчи бир бўлим. Бу илм бир ўзақдан қатор янги сўзлар ҳосил қилиш юзасидан баҳс юритади. Чунончи, араб тилида бир ўзақдан юздан ортиқ сўз ҳосил қилинади. Масалан: катаба (ёзмоқ) ўзагидан ясалган сўзлар — китоб, кутуб, котиб, куттоб, мактаб, макотиб, мактуб, мактубот ... каби. Форс-тожик тилидан мисол: дил — бедил, дилафкор, дилафруз, дилбанд, дилбаста, дилдор, дилкаш, дилнавоз, дилрабо, дилором, дилхоҳ ... каби. Ўзбек тилидан мисол: бош — бошлиқ, бошоқ, бошоқчи, бошчи, бошқа, бошвоғ, бошпана ... каби. 2. Бадиийлик илмида лафзий санъатлардан бири. Бу санъатнинг моҳияти шундан иборатки, унда муаллиф байт ёки алоҳида гапларда ўзаги бир бўлган сўзларни икки ёки ундан ортиқ марта ишлатади, маънога зарар етмаган ҳолда товушлар уйғунлигини ҳосил қилади. Қуйидаги байтда Алишер Навоий бир ўзақдан ясалган бедил ва дилхоҳ сўзларидан фойдаланади:

*Дема охирки, йўқтур ишқ савдосида бир бедил,
Они кўргилки, борму ҳусн бозорида дилхоҳе.*

Ишқнома — қандай шеърий шаклда ёзилган бўлишидан қатъий назар, ишқий мавзуда ёзилган асарлар ва шундай асарлардан тузилган мажмуа, тўплам.

Иқлидус — қадимги юнон риёзиёт олими Евклид (Эвклид)нинг Шарқдаги номи, милоддан аввалги III аср.

Иқоъ — 1. Шарқ мусиқа назариясининг бир соҳаси — илми иқоъ. Бу соҳа зарб ва усулларнинг ўлчовларидан баҳс юритади. Илми иқоъ кўп жиҳатдан илми адвор билан узвий боғланиб кетади. Шунинг учун айрим мусиқа рисоаларида илми иқоъ ўрнида адвори иқоъ (оҳангдошлик доиралари) деб ҳам ёзилади. Яна қ. адвор. 2. Арузнинг вазн ўлчовлари ифодаси.

Иқтибос — ўз фикрини исботлаш, далиллаш, қувватлаш учун Қуръони Карим оятларидан ва Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларидан фойдаланиш; бошқа муаллифларнинг асарларидан бирор парчани айнан кўчирма қилиб олиш. Иқтибос “муқтабас” деб ҳам аталади.



Йил — қ. тақвим.

Йил ағдариш — мучал ҳисоби.

Йил ҳисоби — қ. тақвим.

Йилнома — воқеа-ҳодисалар йилма-йил баён қилинган, йилма-йил ёзиб борилган тарихий асарлар. Масалан, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур “Бобурнома” асари ҳам йилнома усулида яратилган. Асар Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистонда 1494–1529 йилларда юз берган тарихий воқеаларни ўз ичига олади.

Йиров — бу сўз Ўрта асрларда, хусусан, Навоий даврида “катта ҳажмли халқ дostonларини куйловчи бахши” маъносини англатган. Жумладан, Навоий бир асарида Ҳусайн Бойқаро саройида бўлиб ўтган катта анжуманлардан бирини таърифлайди. Унда ўз даврининг қатор санъаткорлари қаторида йиров ҳам бор эди. Навоий йировга мурожаат қилиб:

*Эй йиров, сен ҳам ишингни кўргуз,
Ўтуғон бирла улуг ирни туз.*

дейди. Бу байтда “улуг ир” — катта ҳажмли халқ дostonи, йиров эса “унинг куйловчиси, ижро этувчиси” маъносида келмоқда.

Йиғма матн — бирор асарнинг турли даврларда кўчирилган бир неча қўлёзмаси олинади. Улардан энг эътиборли ва мукаммали таянч нусха қилиб танланади. Шу таянч нусхада тушиб қолган энг муҳим парчалар бошқа нусхалардан олиб тўлдирилади. Тайёр бўлган нусха йиғма матн деб аталади. Туркийшунос олим А.Н.Кононов 1948 йилда Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг йиғма матнини эълон қилди. Йиғма матн тўла маънода илмий-танқидий матн бўла олмайди. Чунки, йиғма матнда асарнинг танлаб олинган барча қўлёзма нусхалари бошдан-оёқ, сўзма-сўз матншуносликда қабул қилинган қоидалар асосида қиёсланиб, таҳлил этиб чиқилмайди.

“Йо” — қ. “ё” (йо).

Йул — қўлёзма саҳифаларида сатр ва мисраларнинг жойланиши. қ. матн жойланиши.

Йулнома — қ. сафарнома.



Кабиса йили — қ. йил.

Кадхудо — қишлоқ жамоасининг бошлиғи, оқсоқоли.

Каёнийлар — Эрон тарихида мил. ав. 558 йилдан 330 йилгача ҳукмронлик қилган Аҳмонийлар давлатининг Шарқ анъанавий тарихларидаги номи. Алишер Навоий ҳам шу анъанага амал қилиб, ўзининг “Тарихи мулуки ажам” асарида Эрон подшоҳларини тўрт табақага ажратиб, улардан иккинчисини Каёнийлар деб атайдди. Каёнийлар сулоласи Оврўпада ва ҳозирги илмий адабиётларда Аҳмонийлар номи билан юритилади. қ. Аҳмонийлар.

Календарь — қ. тақвим.

Калим (“и” чўзиқ айтилади) — сўзловчи, гапирувчи; ҳамсуҳбат, ҳамгап.

Калим (“и” қисқа айтилади) (б. калима) — калималар, сўзлар, нутқлар.

Калима — 1. Сўз, нутқ. 2. Ибодати исломияда махсус дуо ва ибораларга қўлланувчи сўз. Масалан: Калимаи таййиба, калимаи шаҳодат, калимаи тавҳид, калимаи истиғфор ва бошқалар.

Калимот (б. калима) — калималар, сўзлар.

Калом — сўз, нутқ.

Калом, илми калом — мусулмон илоҳиёт илмининг дастлабки номи. қ. илоҳиёт.

Каломи шариф — қ. Қуръон.

Каломуллоҳ — қ. Қуръон.

Калонтар — шаҳар ҳукмдорларидан бири.

Каллиграф — қ. хаттот.

Каллиграфия — қ. хаттотлик, ҳуснихат.

Камина — одоб ва камтарлик юзасидан “мен” сўзи ўрнида ишлатилади.

Каминайи камтарин — камтарлик юзасидан мактубларда “мен” сўзи ўрнида ишлатиладиган ибора.

Канз ул-кутуб — 1. Котиблар хазинаси. Бу ерда котиблар деганда кўпроқ давлат девонидаги маъмурий ва масъулиятли ҳужжатларни, ёзишмаларни тайёрловчи дабирлар, муншийлар назарда тутилмоқда. Улар ўз иш фаолиятларини юритишда нималарга амал қилишлари, йўл-йўриқлар баён этилади. 2. Абу Мансур ас-Саолибийнинг бир асарининг номи.

Канз ул-луғот — сўзлар хазинаси, сўзлар тўплами.

Карта — қ. харита.

Касбнома — қ. касб-ҳунар рисоалари.

Касб-ҳунар рисоалари — касбнома, корнома ҳам дейилади. Ўтмишда ҳар бир касб-ҳунарнинг тартиб-қоидаларини баён қилувчи рисола (устав)лар кенг тарқалган. Чунончи: деҳқончилик, дурадгорлик, сартарошлик, қассоблик, темирчилик ва ҳоказо касб-ҳунарларнинг қўлёзма рисоалари кўп учрайди. Жумладан, деҳқончилик рисоласида бу касбнинг энг улуг касблардан эканлиги, бир қанча пайгамбарлар деҳқончилик билан машғул бўлганликлари; деҳқон ҳар доим ҳалоллик, поклик ва садоқат билан ўз ишини адо этиши, деҳқончиликнинг ҳар бир жараёнлари — омов билан ер ҳайдашдан бошлаб, хирмон кўтаргунга қадар ўқилиши зарур бўлган дуолар ёзилган.

Касра — араб ёзувида сатр остига қўйиладиган белги, форс-тожик тилида “зер” дейилади. Бу белги ундош ҳарфнинг остига ётиқроқ кичкина чизиқча (.) шаклида қўйилади ва қисқа и, э, (е) унли товушларини билдиради. Чунончи: كِتَاب китоб, دِل дил, قِش қиш, عَاقِل оқил каби. Яна қ. ҳаракатлар.

Катаба — 1. Имзо. 2. қ. хотима.

Каталог — қ. феҳраст, фихрист.

Катиба — қ. китоба.

Кашш — хаттотликда қаламни тортиш ҳолати.

Кашмирий, хатти кашмирий — настаълиқ хатининг Ҳиндистонда тарқалган ўзига хос услуби.

“Кашф уз-зунун” — қ. Ходи Халифа.

Кашшоф — 1. Очувчи, кашф этувчи. Бирор сўз, жумла

ёки асарнинг маъносини чуқур очиб берувчи. 2. Маҳмуд Замахшарийнинг Қуръони Каримни тафсир қилувчи машҳур асари номи.

Кемух — қўлёзма китобнинг муқовасига қопланган бир турли чарм, усти ғадир-будур, кўк рангда бўлади. Китобга нам ўтказмайди.

Кенгаш — туркий халқлар давлатчилиги тарихида, хусусан, Амир Темур ва темурийлар даврида олий ҳукмдорга жуда яқин, ишончли кишилар ишгиригида давлатнинг энг муҳим ишлари, фавқулодда масалалари юзасидан қилинадиган маслаҳат йиғилиши. Кенгашдан каттароқ йиғилиш машварат, машваратдан каттаси қурултой деб аталган.

Килк — қалам, қамиш қалам.

Кириллица — қ. рус-славян ёзуви.

Киса, кисса — 1. Ҳамён, чўнтак. 2. Сипоҳларнинг хат солиш учун камарларига осиб юрадиган махсус ғилофлари.

Киссадўз — кисса (хат солинадиган ғилоф) тўқиш билан шугулланувчи ҳунарманд.

Кисро — Эронда ҳукмдорлик қилган сосонийлар сулоласидан Ануширвондан кейин Яздигирд III гача бўлган подшоҳларнинг Араб манбаларидаги номи (579–631 йиллар).

Китоб — 1. Муайян ўлчамда қирқилган варақларга матн ёзилиб, жузв-жузв ҳолида тикилиб, муқовага олинган (қўлёзма ёки босма) асар. Китобнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши ёзув ҳамда ёзув воситаси бўлган қоғознинг такомиллашиши билан узвий боғлиқдир. Ёзув воситаси сифатида қоғознинг кашф этилиши китоб тарихида янги давр очди. Қоғоз китобнинг кўпайиши ва тарқалишига кенг имконият яратди. VII асрнинг ўрталаридаёқ Самарқандда қоғозли китоблар бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ўрта Осиёда IX–X асрлардан бошлаб китоб яратиш иши ғоят тараққий этди. Ўзбекистон қўлёзма хазиналарида ҳозирги энг қадимги қўлёзма китоб Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасидаги ҳижрий 344, милодий 955–956 йилда кўчирилиб, тайёрланган “Ғариб ул-ҳадис” номи

асардир. Китоб яратишда хаттотлик, музаҳҳиблик, мусаввирлик, саҳҳофлик каби касб-ҳунарлар ажралиб чиқди. Улар ўзларининг мустақил йўналишларига эга бўлдилар. 2. Ўрта асрларда Шарқ олимлари “китоб” сўзини “илм, асар, мажмуа” маъносида ҳам қўллаганлар. Чунончи: “Китоб ул-арз” (Ер ҳақида китоб — “География”) — Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий асари, “Китоб ул-мадинат ул-фазила” (Фозил шаҳар ҳақида китоб) — Абу Наср Форобий асари, “Китоб ул-жамоҳир фи маърифат ил-жавоҳир” (Қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар тўплами, «Минерология») — Абу Райҳон Беруний асари, “Китоб уш-шифо” — Абу Али ибн Сино асари. 3. Йирик қомусий асарнинг катта бир бўлими. Масалан, Абу Али ибн Синонинг “Китоб ул-қонун фит-тибб” асари олти китобдан иборат.

Китоб бозори — қ. саҳҳофлик.

Китоб босиш — қ. тошбосма.

Китоб дукони — қ. саҳҳофлик.

Китоб растаси — қ. саҳҳофлик дукони.

Китоб назмининг баёни — ўзбек адабиёти тарихида айрим шоирлар асарнинг ёзилиш сабаблари, муқаддима қисмини шундай сарлавҳа билан атаганлар.

Китоб рафи — китобларни тахлаш учун китоб токчалари оралиғига қўйилган тахталар.

Китоб сандиги — Ўрта асрларда китобларни яхши ҳолатда сақлаш учун махсус китоб сандиқларидан фойдаланилган. Абу Али ибн Сино ўз таржимаи ҳолида Сомонийлар ҳукмдори Нуҳ ибн Мансурнинг сарой кутубхонасини таърифлаганда, шундай ёзади: “...Ҳар бир хонада китоб сандиқлари турар, китоблар эса устма-уст тахлаб қўйилган эди”.

“Китоб сўзи” — китобий тилга, яъни фақат адабий тилга оид, жонли сўзлашув тилида қўлланмайдиган сўз, ибора ва бирикмалар.

Китоб тожири — қ. тожири кутуб.

Китоб токчаси — хонадонларда китоб тахлаш учун уй деворларига мослаштириб қилинган махсус токчалар.

Китоб туганчиси — айрим шоирлар асарнинг хотимасини шундай ном билан атаганлар.

Китоб хоналари — Ҳрта асрнинг энг йирик кутубхоналарида китоблар фан соҳалари бўйича алоҳида-алоҳида хоналарда сақланган. Абу Али ибн Сино Сомонийлар сарой кутубхонасидаги китоб хоналарини шундай таърифлайди: “Мен кўп хоналардан иборат кутубхоналарга кирдим. Ҳар бир хонада китоб сандиқлари турар, китоблар эса устма-уст тахлаб қўйилган эди. Хоналарнинг бирида араб китоблари, шеърлари, бошқасида фикҳга оид (асарлар) турарди. Шу тартибда ҳар бир хонада маълум бир фанга оид китоблар (тўпланган эди)...”.

Китоба — тоғ қоялари, улкан тошлар, ҳайкаллар пойига; қабр тошлари, сарой, масжид, мадраса, хонақоҳ, работ, мақбара ва бошқа муҳташам биноларнинг девор ва пештоқлари, дарвоза, эшик ва устунларига, асосан, ўйиб (камдан-кам бўрттириб) ёзилган хатлар. Тарихда кўпчилик китоба ёзувлари жуда йирик, ҳашаматли ва улғвор кўринишларда яратилган. Ҳрта Осий ва унга қўшни бўлган ҳудудларда қарийб икки ярим минг йиллик тарихга эга бўлган китобалар сақланган. Аҳмонийлар даври (милоддан аввалги 558–330 йиллар) да бунёд бўлган Беҳустун ва Нақши Рустам китобалари Эрон ва Ҳрта Осиё халқларининг энг қадимги китоба ёдгорликлари ҳисобланади. Милоднинг I асрига мансуб китоблар Афғонистоннинг Бағлон вилоятидаги Сурх кўтал деган жойдан ва Термиз яқинидаги Айритомдан топилган. Қадимги туркий китобалар — Култегин, Билга хоқон, Тўнжук, Унгин ёдномалари VII–VIII асрларга оиддир. Самарқанддаги Афросиёб сарой деворларидан VII–VIII асрларга тегишли китобалар очилди. Ҳрта ва кейинги асрларда Ҳрта Осиё меъморий обидаларида пештоқ ва деворларни, дарвоза, эшик ва устунларни зийнатлашда китобалар асосий безаклардан бири бўлиб қолди. Шунинг учун меъморчиликда китобалар ёзувли безак ёки ўймакорлик ёзуви деб ҳам юритилади. Меъморчиликда китоба ёзувлари бир неча усул билан ҳосил қилинган. Китоба қандай материал (ёғоч, тош, гишт, ганж ва бошқалар)нинг юзасига ёзилишига қараб, унга мос тушадиган ўйма ёки бўёқлар билан ёзиш усули

танланган. Китоба ёзувлари дастлаб кўфий хатида, XIII–XIV асрлардан деярли сулс хатида, XIX аср ва XX аср бошларида эса камдан-кам настаълиқ хатида битилган. Қадимги китобалар ижтимоий-сиёсий, тарихий воқеалардан хабар бериши билан ноёб ҳужжатлар ҳисобланади. Айрим китобалар яхлит адабий мазмунга эга бўлгани учун жуда қимматлидир. Меъморчилик китобаларида кўпроқ Қуръон суралари ва оятлар акс этган.

Китобат – 1. Ёзиш, кўчириб ёзиш, кўчириб олиш, китобдан нусха кўчириш. 2. Илгари оғзаки равишда яшаб келган ёки айрим бўлаклари хатга олинган бўлса ҳам, деярли тарқоқ бўлган асарнинг матнларини узил-кесил, яхлит бир китоб ҳолида ёзма шаклга келтириш. Чунончи, зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто” милоддан аввалги йилларда оғзаки шаклда яшаб келарди. “Авесто” сосонийлар даврида — милодий III асрда китобат қилиниб, ёзма шаклга эга бўлди. Ислом динининг муқаддас китоби — Қуръон учинчи халифа Усмон ибн Аффон ташаббуси билан китобат қилинди ва милодий 651 йилда ягона китоб ҳолига келтирилди. Бу нусха Қуръоннинг таянч нусхаси бўлиб қолди. 3. Ўрта аср шарқида адаб илмлари таснифидан ўрин олган бир бўлим (илми китобат). Бу соҳани илми хат деб ҳам юритилади. қ. хат, илми хат.

Китобат иши — қўлёзма яратиш билан боғлиқ бўлган барча жараёнлар. Бу ишда бир неча касб эгалари иштирок этган: қоғозрез қоғозлардан маълум ўлчамга эга бўлган варақлар тайёрлаб берган, хаттот матнни кўчирган, музаҳҳиб олтин суви бериладиган ўринларни афшонлаган, лаввоҳ лавҳа, унвон, сарлавҳа ва жадвалларни зийнатлаган, мусаввир белгилаб қўйилган саҳифаларга расм ишлаган, саҳҳоф қўлёзмани муқовалаб китоб ҳолига келтирган, агар лозим бўлса, мужаллид мато ёки чармдан китобга жилд тиккан. Шундай қилиб китоб иши бир неча ҳунарман ва санъаткорларнинг ҳамкорликда олиб борадиган ижодий ва амалий меҳнат фаолиятларидан иборат бўлган. XIV–XV асрлардан бошлаб Ўрта Осиёнинг йирик маданий марказларида

бадний қулёзмалар яратиш тараққий эта бошлади. Худди шу даврдан китобат иши китобат санъати даражасига кутарилади.

Китобат тарихи — қ. асарнинг китобат тарихи ва урни.

Китобатчилик — қ. китобат иши.

Китобашунослик — тарих ва филология фанларининг ёрдамчи соҳаларидан бири бўлиб, тоғ қоялари, метал, тош, ёғоч ва шу каби қаттиқ металлларга ўйиб, бўрттириб ёки бўёқ билан ёзилган битикларни — китоба ёзувларни ўрганади, эпиграфика. Китобашунослик манбаларини ўрганиш қадимшунослик, тарих, адабиёт, санъатшунослик, тилшунослик ва бошқа фанлар учун муҳим маълумотлар беради. Ўрта Осиё ва унга қўшни бўлган мамлакатлар ҳудудидан аниқланган китобаларнинг дастлабки намуналари милоддан аввалги мингйилликнинг ўрталарига мансуб. Милодий биринчи минг йилликнинг бошларидан хоразмий, суғд, брахми, кхарошти, тохар, сурёний, эски уйғур, ўрхун-энасой ёзувларида бизгача сақланиб қолган битиклар Турон-Туркистон халқларининг тарихи ва маданиятини ўрганишда жуда қимматлидир. VIII асрлардан бошлаб эса Ўрта Осиёда деярли барча китоба ёзувлари араб ёзувида битилди. Китобашунослик Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистоннинг турли жойларидан китобаларни излаб топиш, агар тупроқ остида қолиб кетган бўлса, қазилари олиб бориш; ёдгорликнинг шикастланган қисмларини қайта тиклаш; китобанинг қайси ёзувга мансублиги, сатрларнинг жойланиши тартиби, матн ҳарфларининг шакли, ўлчами, ёзилиш услубини ва шу асосда матн тили ҳамда яратилган даврини аниқлаш, узил-кесил ўқиб чиқиб, матнни тиклаш, зарурат бўлса, таржима қилиш; китобанинг фан ва маданият тарихида тутган ўрнига баҳо бериш ва ниҳоят, нашрга тайёрлаб, эълон қилиш соҳасида маълум ютуқларга эришди.

Китобдон — қ. китобийюн.

Китобдор — Ўрта асрларда давлат, вақф, мадраса ихтиёридаги энг йирик кутубхонанинг бошлиғи. Машҳур

мусаввир Мирак Наққош 1469 йилдан эътиборан Ҳусайн Бойқаро саройидаги кутубхонанинг китобдори бўлган.

Китоби мамолик ва масолик — қ. китоби сурати арз.

Китоби сурати арз — Шарқда ўрта асрларда “Китоби сурати арз” (Ернинг кўриниши, тузилиши ҳақида китоб), “Китоби мамолик ва масолик” (Мамлакатлар ва йўллар ҳақида китоб) иборалари ҳозирги тушунчамиз бўйича “география” сўзининг маъноларига тўғри келади.

Китобий — китобий тилга, яъни ёзма нутққа хос, оддий сўзлашув тилида ишлатилмайдиган сўз ва иборалар.

Китобий, хатти китобий — Ғарб ва Шарқ мамлакатларида матбаа пайдо бўлиб, араб ёзувида ҳам китоблар босила бошлагач, асосан, насх хатидан фойдаланилди. Шунинг учун араб ёзувининг насх услуби “хатти китобий” деган ном билан ҳам аталган.

Китобий достонлар — қ. халқ китоблари.

Китобиёт — китобшуносликнинг ҳозирги даврдаги энг муҳим илмий ва амалий соҳаси ҳисобланган библиография фанига тўғри келади. Утмишда ҳам Шарқ кутубхоналарида, йирик олим ва шоирларнинг илмий ва амалий фаолиятларида китобиёт билан узвий боғлиқ ишлар амалга оширилган. Бизгача ҳужжатлар орқали етиб келмаган бўлса-да, Бухоро, Самарқанд, Марв ва бошқа шаҳарлардаги кутубхоналарда мавжуд бўлган қўлёзма китобларнинг махсус кўрсаткичлари (феҳрастлари) бўлган, деб комил ишонч билан айтиш мумкин. Абу Али ибн Сино ўз таржимаи ҳолида Нуҳ ибн Мансурнинг сарой кутубхонасида олимларнинг асарлари бўйича тузилган рўйхати мавжудлигини шундай ёзади: “... кейин биздан олдин ўтган олимлар китоблари рўйхатини ўқиб чиқдим ва ундан кераklarини талаб қилдим”. Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний асарларининг рўйхати ўз замонида тузилган бўлиб, бу маълумотлар фан тарихи учун ғоят қимматлидир. Ғиёсиддин Хондамир “Мақорим ул-ахлоқ”да Алишер Навоий асарларининг қисқача изоҳли рўйхатини келтиради. Алишер Навоийнинг ўзи эса “Хамсат ул-мутахаййирийн”да устози Абдураҳмон Жомий асарларининг рўйхатини беради. Китобиёт тарихи учун қимматли бўлган бундай маълумотлар кейинги асрларда ҳам учраб туради.

Китобиюн — олимларнинг илмий фаолиятлари, фан соҳалари, алоҳида муаммо ва мавзулар бўйича асарларнинг махсус кўрсаткич (фехраст)ларини тузувчи китобиюн олими.

Китобфурушлик — қ. саҳҳофлик.

Китобхона — 1. Китобат иши бажариладиган, китоб тайёрланадиган махсус устахона. Бундай устахонанинг кичикроғи саҳҳофлик деб юритилган. 2. қ. Кутубхона.

Китобхонлик — ўзбек халқининг кундалик маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган адабий анъаналардан бири ҳисобланади. Саводли кишилар гап-гаштакларда, йиғинларда, махсус адабий мажлисларда тўпланган халққа турли бадиий асарларни ўқиб берганлар, айрим ўринларини изоҳлаб, шарҳлаб тушунтирганлар, китобхонлик йиғилишларида қандай асарлар тингланиши, мутолаа қилинишига қараб турлича номлар билан аталган. Жангнома асарларни ўқиш — жангномахонлик, халқ қиссаларини ўқиш — қиссахонлик, Алишер Навоий асарларини ўқиш — навоийхонлик, Муҳаммад Фузулий асарларини ўқиш — фузулийхонлик, Мирзо Абдулқодир Бедил асарларини ўқиш — бедилхонлик деб аталган ва ҳоказо. Китобхонликлар адабиёт ихлосмандлари ва оддий халқнинг маънавий дунёсини бойитишда катта аҳамиятга эга бўлган.

Кобулшоҳлар — Кобул шаҳрини VI–VII асрларда (араб истилосига қадар) бошқарган ҳокимларнинг унвонлари.

Кодификация — қ. китобат I.

Колофон — қ. хотима.

Комментарий — қ. шарҳ.

Корнома — қ. касб-ҳунар рисоалари.

Коргоҳи монавий — машҳур рассом ва наққош Моний (Моний ибн Фатак, милодий 216–276 йиллар) корхонаси, устахонаси. Юксак маҳорат билан чизилган суратлар ҳақида сўз борганда коргоҳи монавий (монавий коргоҳи) деб рамзий қиёс қилинади.

Корхонаи наққоший — мусаввирлар, лаввоҳлар, музаҳҳиблар, жадвалкашлар ишлайдиган устахона. Умуман, бадиий китобат санъати устахоналарининг корхонаси.

Котиб — қўлёзмаларни оққа кўчирувчи, кўчириб ёзувчи, нусха олувчи, китобат қилувчи шахс, мирза, хаттот. Котиб сўзи хаттот сўзи билан маънодош бўлса-да, котиб фақат матн ва оддий қўлёзмаларни кўчирувчига нисбатан қўлланган. Хаттот сўзи эса ҳуснихат санъати қоидаларини чуқур эгаллаган, бир неча хат услубларини (айниқса, настаълиқни) яхши эгаллаган моҳир котиб — ёзув санъаткорига нисбатан айтилган. Аммо, шундай бўлса-да, машҳур хаттотлар ҳам ўзларини котиб деб атаганлар ва шу сўзни ўз исми шарифларига қўшиб, имзо чекканлар. Чунончи: Абдулжамил котиб, Абдуманнон котиб, Шомурод котиб. Яна қ. хаттот.

Котиб Чалабий — қ. Хожи Халифа.

Котиблик — қ. хаттотлик.

Котибхона — 1. Бир неча котиблар китоб кўчириш билан шуғулланадиган махсус хона. Тарихий манбаларда Қўқон хонлиги саройида котиблар ишлайдиган хона котибхона деб ёзилган. 2. Туркистонда китоб босиш пайдо бўлгандан кейин матбаа ҳузурида китобларни тошбосма учун кўчириб, тайёрлаб берувчи котиблар ишлайдиган бўлим.

“Коф” — араб алифбосининг йигирма иккинчи ва араб ёзувига асосланган эски ўзбек алифбосининг йигирма бешинчи ҳарфи (ك) бўлиб, абжад ҳисобида 20 га тенг. “Коф” ёзилиш шаклларига кўра тўрт хил ном билан аталади: кофи мусаттаҳ (ёнлама коф), кофи мунҳаний (эзилган коф), кофи долий (долга ўхшаш коф), кофи ломий (ломга ўхшаш коф). “Коф” “к” ундош товушини ифодалайди. Масалан: كُن кун, كوز кўз, كوكلام кўклам, كتاب китоб каби.

Кофия — араб тили сарфу наҳви (грамматикаси)дан етарли даражада, тўлароқ ўзлаштириш учун ёзилган дарсликлар. Кофия мадрасаларда араб тилини ўрганиш бўйича асосий қўлланма ҳисобланади. Яна қ. сарфу наҳв.

Коши(н) тарош — Шарқ меъморчилигида турли рангдаги кошин (махсус пиширилган чиннисимон тахтача)ларни кесиб, улардан ёзувли гуллар ва нақшлар ишловчи уста, ҳунарманд.

Кошгарий, хатти кошгарий — араб ёзувининг Шарқий Туркистонда қўлланган услуби.

Кохин — 1. Авесто матнларини зардушт маросимларида ёддан ўқувчи дуохонлар. Яна қ. Муг. 2. Гойибдан хабар бериш, жониворларнинг овозига қараб фол очишни даъво қилувчи сеҳргар.

Кубравия — Шайх Нажмиддин Кубро (1145–1221) томонидан асос солинган тариқат. қ. тариқат.

Куллиёт — шоир ёки адиб асарларининг бир муқовага олинган яхлит, мукамал тўплами. Шарқ китобатчилигида куллиёт тузиш XIII асрдан анъана бўла бошлади. Куллиётлар, кўпинча, муаллифларнинг ўзлари томонидан тузилган. Баъзи куллиётлар эса ижодкорнинг вафотидан кейин бошқа кишилар (кўпроқ котиблар) томонидан тузилган. Жумладан, Абдураҳмон Жомий ўзи тузган куллиётига 37 асарини киритган. Алишер Навоий асарларининг ҳам жаҳон қўлёзма хазиналарида ундан ортиқ куллиётлари мавжуд. Алишер Навоий умрининг охирида ўз асарларининг куллиётини тузди ва унга фақат ўзбек тилидаги 26 асарини киритди. Бу куллиёт Ҳиротда 1496–1500 йилларда тасниф этилди. Уни улуг хаттот Дарвеш Муҳаммад Тоқий беш йил давомида кўчириб тугаллади. (Туркия, Истанбул, Тўпқопи кутубхонаси. Сақланиш рақами — 808. Ҳажми 802 варақдан иборат). Кейинги асрларда тасниф этилган Алишер Навоий куллиётлари унчалик мукамал эмас. Лекин улар шоирнинг асосий йирик асарлари (“Ҳазойин ул-маоний”, “Ҳамса”, “Лисон ут-тайр”, “Маҳбуб ул-қулуб”)ни ўз ичига олганлиги учун нотўлиқ куллиёт, деб юритилаверади.

Кун — қуёшнинг уфқ (горизонт)дан чиқиб, ботгунга қадар ўтган вақт. Кун ва тун (кеча-кундуз) эса қуёшнинг эртанги уфқдан чиқишига қадар ўтган вақт, яъни 24 соатни ўз ичига олади. Кеча-кундуз (сутка)нинг бошланиши кечқурун қуёш ботишидан ҳисобланади. Ўрта Осиё ва Эрон халқлари, асосан, қуёш тақвимида фойдаланганлиги учун бир йил 12 ой, 365 ёки 366 кундан иборат бўлган. Қадимги туркий йил ҳисобида ой кунларининг махсус номи бўлмаган. Ҳар бир ойнинг

кунлари биринчи кун, иккинчи кун, учинчи кун, ... тартибида ҳисобланган. Авесто (қадимги Эрон) йил ҳисобида бир ойдаги 30 куннинг алоҳида-алоҳида номи бўлган. Қадимги хоразмий ва суғд йил ҳисобларида ҳам ойнинг ҳар бир куни алоҳида номга эга бўлган. Хоразмий ва суғд йил ҳисобларида ойдаги 11 куннинг номи бир хил аталган. Қолган 19 кун эса ҳар икки тақвимда алоҳида номларга эга бўлган.

Кундинавис — меъморчиликда китоба ёзувларини тайёрловчи наққош, ҳунарманд.

Куня, кунят — Яқин ва Ўрта Шарқ халқларида олим ва шоирларнинг исмидан олдин қўшилиб келиб, ҳурмат-эҳтиром ва самимиятни ифодаловчи сўзлар, лақаблар. Бундай сўзларга абу (ота), ибн (ўғил), умм (она), бинт (қиз) киради. Булардан абу ва ибн энг кўп ишлатилади. Абу куняси аби, або, бу шаклларида ҳам келади (қ. Абу). Ибн сўзи исмдан олдин қўйилади: Ибн Сино — Сино ўғли, Ибн Рушд (Рушднинг ўғли) каби. Ибн баъзан ибни, бин, бинни шаклларида ҳам келади. Насабномаларда авлодларнинг шажарасини бир-бирига боғлашда *ибн* сўзи ишлатилади. Масалан, шоир ва олим Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг насаби Амир Темургача шундай боғланади: Бобур ибн Умаршайх ибн Султон Абу Саид ибн Султон Муҳаммад ибн Мироншоҳ ибн Амир Темур. Кейинги асрларда айрим манбаларда ибн сўзи билан биргаликда арабча валад (бола, фарзанд, ўғил), тожикча писар (ўғил) сўзлари ҳам ишлатила бошлагани кузатилади. Масалан: Абдулкарим валади Абдурраҳим (Абдулкарим Абдурраҳим ўғли), Носир писари Қосим (Носир Қосим ўғли) каби. XVII–XVIII асрлардан бошлаб туркий тиллардаги манбаларда ибн, валад, писар сўзлари ўрнида ўғил, ўғли сўзини ишлатиш одат тусига кира бошлаган. Каримжон Раҳимжон ўғли, Содик Сиддик ўғли каби. Умм (она), бинт (қиз) сўзлари аёллар исмидан олдин қўшиб айтилади. Умму Гулсум — Гулсумнинг онаси, Бинти Рухсора — Рухсоранинг қизи каби. Бинт сўзи насабномаларда она авлоди шажарасини бир-бирига боғлашда ишлатилади. Чунончи, Баҳринисо бинти Саодат бинти Рихсия бинти Зулфия бинти Карима.

Куррос — 1. Ҳуснихат санъати қоидаларидан бири куррос сўзи курси сўзининг кўплиги бўлиб, “мутаносиблик, мувофиқлик, ёндошлик” маъноларини англатади. Куррос қоидаларига кўра, сатрдаги бир хил ҳарфларнинг ёзилишида мувофиқлик бўлиши керак. Чунончи, сатрдаги сўзларда “лом” ҳарфи неча марта иштирок этган бўлса, уларнинг ҳаммасида “лом”нинг баландлиги бир хил бўлиши талаб этилади. 2. Дафтар ёки варақлар тахлами. Уларнинг ҳар бирида 8, 10 ёки 12 варақ бўлган. Бу ҳолат Шарқ қўлёзмаларининг ҳажм ўлчови ҳисобланган. Қўлёзма таркибига кирган ҳар бир дафтар бошланишида унинг тартиб рақами ёзиб қўйилган.

Куттоб (б. котиб) — котиблар. қ. котиб.

Кутуб (б. китоб) — китоблар. қ. китоб.

Кутуби арбаа — қ. муқаддас китоблар.

Кутуби арзий — ер китоблари, дунёвий илмларга оид китоблар, асарлар, илмлар.

Кутуби самовий — қ. муқаддас китоблар.

Кутубхона — қадимда қўлёзма (ҳозирги даврда деярли босма) асарларни сақлаш, тартибга солиш ва улардан фойдаланишни таъминловчи маданий-маърифий муассаса. Кутубхона ёзма ёдгорликлар сақланадиган жой сифатида қадим замонларда пайдо бўлган. Ўрта Осиёнинг кўп давлатлари, хусусан, Хоразм, Сугдиёна ҳам ўз кутубхоналарига эга эди. Бу кутубхоналар араб истилоси (VII–VIII асрлар) даврида талон-тарож қилинган. IX–XV асрларда Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг йирик шаҳарларида бутун шарққа машҳур бой кутубхоналар ташкил бўлган. Улардан Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Улугбек, Алишер Навоий каби улуг сиймолар фойдаланганлар ва шу билан бирга китобат қилиш ҳамда кутубхоналарни бойитиш ишларига ҳам ҳомийлик қилганлар. Бу ўринда Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг хизматларини эсга олиб ўтиш кифоя. Ал-Хоразмий Бағдоддаги “Байт ул-ҳикмат” қошидаги кутубхонага раҳбарлик қилади. У Хазария, Византия ва Ҳиндистонга

уюштирилган илмий сафарларни бошқариш билан бирга, ўша мамлакатлардан кўплаб қўлёмалар олиб келишга муваффақ бўлади. Натижада ал-Хоразмий "Байт ул-ҳикмат" кутубхонасининг қўлёмаларини тўрт юз минг жилдага етказишда салмоқли ҳисса қўшади. Бухоро, Марв, Самарқанд, Ҳирот, Хива, Қўқон шаҳарларидаги ҳукмдорлар саройида сарой кутубхоналари бўлган. Сарой кутубхоналарида мўътабар ва ноёб китобларга худди хазина мулки сифатида қаралган. X асрда Бухорода Сомонийларнинг сарой кутубхонаси жуда машҳур бўлган. Абу Али ибн Сино 997 йилда амир Нуҳ ибн Мансурни даволагани учун сарой кутубхонасидан фойдаланишга мушарраф бўлади. Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида ўша кутубхонани қуйидагича таърифлайди: "Бир куни шоҳдан кутубхонага киришга ва у ердаги тибга оид китобларни мутолаа қилишга рухсат сўрадим. Шоҳ менга рухсат берди. Мен кўп хоналардан иборат кутубхонага кирдим. Ҳар бир хонада китоб сандиқлари турар, китоблар эса устма-уст тахлаб қўйилган эди. Хоналарнинг бирида араб китоблари, шеърлари, бошқасида фикҳга оид (асарлар) турарди. Шу тартибда ҳар бир хонада маълум бир фанга оид китоблар (тўпланган эди). Кейин биздан олдин ўтган олимлар китоблари рўйхатини ўқиб чиқдим ва ундан кераklarини талаб қилдим. У ерда шундай китобларни кўрдимки, кўпчилик ҳатто, уларнинг номларини ҳам эшитмаган бўлса керак. Ўзим ҳам уларни бундан аввал кўрмаган эдим, бундан кейин ҳам учратмадим. Ўша китобларни ўқиб, улардан баҳраманд бўлдим". Сарой кутубхоналарида нодир қўлёмалар фақат сақланиб қолмай, балки у ерларда ҳам китобат ишининг барча жараёнлари амалга оширилган. Ҳатто, кутубхонада илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб борилган. Чунончи, темурий шаҳзодалардан Бойсунқур Мирзо (Шохруҳнинг учинчи ўғли)нинг саройидаги кутубхонада олиб борилган тадқиқот ишлари Шарқ матншунослиги тарихида алоҳида из қолдирган: Бойсунқур Мирзонинг ташаббуси билан улуг форс-тожик шоири Абдулқосим Фирдавсий "Шоҳнома"сининг кўп қўлёмалари тўпланиб, улар бири-бирига қиёс қилиниб, ишончли илмий матн яратилади.

Натижада уша вақтгача ушбу асар матнида мавжуд бўлган чалкашликлар бартараф этилади. Ҳусайн Бойқаро сарой кутубхонасида хаттот, лаввоҳ, музаҳҳиб, мусаввир, саҳҳофларнинг алоҳида-алоҳида устахоналари бўлиб, улар яхлит бир китобат корхонасини ташкил қилган. Алишер Навоий асарларининг биринчи марта китобат бўлган “тўнғич” нусхалари, хусусан, “Илк девон”, “Бадойиъ ул-бидоя”, “Наводир ун-ниҳоя”, “Хамса”, “Ҳазойин ул-маоний” ва ўзи тасниф этган “Куллиёт” қўлёзмалари Ҳусайн Бойқаро сарой кутубхонасининг бебаҳо хазинаси сифатида қадрланган. Кейинги асрларда ташкил топган Бухоро, Хива ҳамда Қўқон сарой кутубхоналарининг бойлиги ва шуҳрати ҳам Ўрта асрлардаги сарой кутубхоналаридан қолишмаган. Кутубхоналарнинг иккинчи катта гуруҳи вақф кутубхоналари эди. Бу кутубхоналарни китоблар билан тўлдириб бориш, уларга зарур бўлган ёрдам кўрсатиш вақф ерларидан келадиган даромадлар ҳисобига бўлар эди. Вақф кутубхоналари, асосан, йирик мадраса ва жомеъ масжидлари қошида бўлган. Мадраса кутубхонасида, кўпроқ, талабалар учун зарур бўлган турли фанларга доир дарслик китоблари ва илмий асарлар сақланган. Масжид кутубхонаси эса, асосан, диний китоблардан иборат бўлган. Булардан ташқари яна бир учинчи гуруҳ кутубхона — амир, қози, уламо, шоир ва олимларнинг шахсий кутубхоналари ҳам бўлган. IX асрда Бағдодда Али ибн Яҳё ибн Мунажжим деган олим ўз шахсий кутубхонаси билан машҳур бўлиб, бу кутубхона “Ақл хазинаси” номи билан аталган. Ундан Бағдодга бориб яшаган Ўрта Осиёлик олимлар ҳам баҳраманд бўлганлар. Сақланиб қолган тарихий маълумотларга суяниб, Ўзбекистонда XV асрдан кейин мавжуд бўлган қуйидаги йирик шахсий кутубхоналарни кўрсатиш мумкин: Шайх Муҳаммад Порсо (1419 йилда вафот қилган) XV аср бошида Бухорода шахсий кутубхона ташкил қилган. Айрим маълумотларга қараганда, унинг кутубхонасида илм-фаннинг турли соҳаларига доир юз мингга яқин қўлёзма асарлар мавжуд бўлган. Остонақул Қушбеги (XIX аср иккинчи ярми) Ҳисор шаҳрида

яшаган. У Бухоро ва Ҳисор тарихига оид асарларни тўплаган. Қушбеги вафотидан кейин унинг шахсий кутубхонасидаги китоблар Бухоро амирининг сарой кутубхонасига олиб келинган. Юнусжон Дада Муҳаммад Қўқон шаҳрида шахсий кутубхонаси билан машҳур бўлган. У кўпроқ Фарғона тарихига оид манбаларни тўплаган. Хўжажон Рожий Марғилоний (1834–1918) — Марғилон қозиси. Шахсий кутубхонасида кўпроқ тарихий васиқалар, фатволар, ҳужжатлар тўпланган эди. Шарифжон Маҳдум Садр Зиё (1867–1931) — Бухоронинг энг сўнгги қозикалони. Маърифатпарварларнинг хусусий кутубхоналари ҳам мавжуд эди. Бундай кутубхоналардан бирига Бухоронинг машҳур қозикалони, олим ва шоир Шариф Садр Зиё ўз кутубхонасига Ўрта аср олим ва шоирларининг жуда ноёб қўлёзмаларини тўплаган эди. Садр Зиё кутубхонасидаги қўлёзмалар Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти ва Тожикистон ФА Шарқшунослик институти хазиналарига олинган.

Кушон ёзуви — қ. бохтар ёзуви.

Кушон – Бақтрия ёзуви — қ. бохтар ёзуви.

Кўрагон, Кўрагоний — 1. Ҳам ота, ҳам она томонидан подшозода бўлган киши лақаби. 2. Амир Темурнинг лақаби. Амир Темур 1370 йилда Чингизхон авлодидан бўлган Қозонхоннинг қизи Сарой Мулк Хонимга (эл-улус уни ҳурматлаб, “Биби Хоним” деб атаган) уйланади. Шундан кейин бутун умри давомида Амир Темурнинг номига “Кўрагон” (мўғулча “хон куёви”) деган фахрли лақаб қўшиб айтилган.

Кўрагонийлар — Соҳибқирон Амир Темурнинг “Кўрагон” лақабидан олинган бўлиб, теурийлар сулоласи тарихий, илмий ва адабий манбаларда шу ном билан ҳам юритилади. Яна қ. Кўрагон.

Кўфий, хатти кўфий — араб ёзувининг набатий ёзувидан ажралиб чиққан дастлабки ва энг қадимги тури. Кўфий хати IV аср охири ва V аср давомида шакланган. Қиррали ва бурчаксимон ёзилиш хусусиятига эга бўлган кўфий хати исломнинг дастлабки даврларида халифаликнинг икки йирик маркази — Кўфа ва Басрада

ёйилиб, алоҳида улуғворлик касб этди. Бу услуб деярли китобалар, тош ва металллар, муҳр ва тангалар, айниқса, биноларнинг пештоқ ва деворларида буюқ билан ёки уйиб ёзишда кенг қўлланилди. VII аср кўфий хатининг энг гуллаган даври бўлиб, Қуръони Каримнинг шу вақтда китобат килинган бир неча мусҳафлари сақланиб қолган. Ҳуснихатнинг ривожланиши билан хатти кўфийда ҳам ҳарфларнинг баландлиги, қалинлиги ва шакли борган сари такомиллашди. Натижада, бу услуб ҳаддан ташқари чиройли нақшларга айланди. Кўфий хати кейинги асрларда кам қўлланадиган бўлиб қолди. Ундан меъморчиликда безак (зийнат) мақсадларида ҳамда танга, муҳр ёзувлари ва халқ амалий ҳунармандчилик буюмларида ёзувли нақшлар яратишда фойдаланилди. Кўфий хати XIV асрдан китобат ишларида мутлақо истеъмолдан чиқди. Унинг ўрнини насх ва бошқа услублар олди. Кўфий хати Ўрта Осиё халқларининг ёзув маданиятида VII асрдан бошлаб узоқ тарихни босиб ўтди.

Кҳарошти ёзуви — ҳинд тармоғига мансуб бу ёзув милoddан аввалги I – милодий IV асрлар давомида жанубий Ўзбекистондаги Кушон подшолиги даврида будда динининг тарқалиши билан қисман қўлланган. 1972 йили Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги Далварзинтепадан топилган олтин ёмбилар ва буюмлар сиртидаги ўлчов бирликлари ҳамда уларнинг атамалари, 1967 йилдан кейин Термиз яқинидаги Қоратепа будда ибодатхонасидан топилган буюмлар (сопол парчалари) сиртидаги хўжалик номлари кҳарошти ёзувида битилган. Шунингдек, жанубий Ўзбекистоннинг юқорида айтилган жойларидан бошқа ерларида олиб борилган археологик қазилар вақтида ҳам кҳарошти хати битилган баъзи буюмлар қўлга киритилган. Кҳарошти ёзувидаги матнлар ҳинд тилига мансуб. Шундан маълум бўладики, милoddнинг дастлабки асрларида ҳинд тили жанубий Ўзбекистонда будда жамоалари ўртасида тушунарли бўлган. Кҳарошти ёзувида топилган буюм ҳамда ашёлар Ўзбекистон ва бошқа ерларда сақланмоқда.



Лаба — муқованинг қопқоғи. Бу қопқоқ муқованинг узоқ ва яхши сақланиши учун ишланган, у кўп ҳолларда қалин ва сифатли чармдан, гоҳо ёғочдан ҳам қилинган.

Лабаки — муқованинг бурчак қирраси. Муқованинг қирраси титилиб кетмаслиги учун шу ерга махсус мустаҳкам чарм ишлатилган. Лабаки алоҳида ранги билан ҳам муқова сатҳидан ажралиб туради.

Лаввоҳ — қўлёманинг бошланишига (матн тепасига), қўлём таркибига кирган ҳар бир асарнинг, баъзан эса, боб ва фаслларнинг бошланишига лавҳа ишловчи ҳунарманд. Лаввоҳ айрим ҳолларда жадвал тортиш ва ҳошияга зарҳал нақшлар чизиш ишларини ҳам бажарган. Шунинг учун лаввоҳ сўзи музаҳҳиб сўзи ўрнида ёки музаҳҳиб лаввоҳ сўзи ўрнида ишлатилаверган.

Лавҳ — 1. Китобни қўйиб ўқиш учун тахтадан ясалган махсус мослама, курси. 2. Янги савод чиқараётган мактаб болаларининг хат машқ қиладиган тахтаси, ёзув тахтажаси.

Лавҳа — 1. Силлиқланган тош, маъдан ёки ёғоч тахта устига хотира учун ёзилган қисқа тарихий маълумот, матн, хат. Чунончи, қабртошлари лавҳаси. 2. Шарқ китобат санъатида асосий бадий безаклардан бири. Лавҳа қўлёманинг бошида, агар қўлём таркибига бир неча асар кирган бўлса, ҳар бир асарнинг аввалида, баъзан эса боб ва фаслларнинг бошланишида ҳам ишланиши мумкин. Лавҳа матн бошланган саҳифанинг ярми ёки учдан бир қисмида эни бўйлаб чизилган нақшдан иборат бўлади. XIV–XVI асрлар Шарқ китобат санъатида лавҳа, асосан, тилла сувидан ишланган. XVII–XIX асрлар қўлём лавҳалари кўпроқ оддий бўёқлардан иборатлиги билан ажралиб туради.

Ладунний, илми ладунний — Алишер Навоий асарларида ладунний улум (ладунний илмлар) шакли ҳам бор. Бу илм асосида гўё табиат ва инсон сирларини уринмасдан, ҳаракат қилмасдан, устоз таълимини олмасдан, Худо тарафидан ато қилинган, Худо берган

зеҳн асосида билиш мумкин, деган ақида ётади. Илми ладунний илми каромат, каромати илмия ва илми азалий ҳам дейилади.

Ламъа — шуъла, ёрқинлик, равшанлик, порлоқлик. Бу сўзни Абдурахмон Жомий ва Жалолиддин Даввонийлар ўз асарларида боб, фасл ўрнида ишлатганлар.

Ламаъот (б. ламъа) — ламъалар. қ. ламъа.

Латифа — гўзал ва кулгили, лутфларга бой қисқа ҳикоялар, ажойиб ва қизиқ гаплар.

Латойиф (б. латифа) — латифалар. қ. латифа.

Латойифот (б. латифа) — латифалар. қ. латифа.

Лақаб — 1. Кишига ифтихор, ҳурмат, ҳазил ёки ҳажв йўли билан берилган қўшимча ном. Бу ном кишининг асл исмига қўшиб айтилади ва ёзилади. Лақаб кишиларга уларнинг турли-туман белги-хусусиятларига қараб қўйилади. Шунга кўра лақаблар кишиларнинг қайси халқ ёки уруғга мансублиги, қаердан келганлиги, улардаги жисмоний камчиликлар, юриш-туриш, феъл-атвор, гапириш, кийинишдаги ўзгачалик ва бошқа белгиларни акс эттиради. Кишиларнинг ҳаётларида содир бўлган айрим фавқулодда тасодифий воқеа-ҳодисалар ҳам уларга лақаб бўлиб қолиши мумкин. Масалан: Билол Ҳабаший (ҳабаш халқидан чиққан исломда биринчи муаззин), Абу Наср Туркий (Абу Наср Форобийнинг Бағдоддаги лақаби, Туркистондан борганлиги учун), Аҳмад Барлос (темурийлар давридаги кўп ҳарбий бошлиқлар барлос уруғидан бўлгани учун улар барлос лақабини олганлар). 2. Тахаллус (қ.). 3. Унвон (қ.).

Литография — қ. тошбосма.

Лиф, лифа — хурмо дарахтининг пўстлогидан тайёрланадиган ип. Хаттотликда лос (қ.) ўрнида ҳам ишлатилиб, давотга солиб қўйилади.

Логорифм — қ. муаммо.

Лок — ўсимлик мойларидан тайёрланадиган суюқ модда бўлиб, саҳҳофликда муқова (кўпроқ чарм муқова) юзасини ялтиратиш, пардозлаш учун ишлатилган.

“Лом” — араб алифбосининг йигирма учинчи ва араб ёзувига асосланган эски ўзбек алифбосининг йигирма еттинчи ҳарфи (ل) номи бўлиб, абжад ҳисобида 30

га тенг. "Лом" ёзилниш шакллариға кура икки хил ном билан аталади: ломни мудаввар (юмалоқ лом), ломни мурсал (узайтирилган лом). "Лом" "л" ундош товушини ифодалайди: لۇ лола, لولا бола, لولول булбул каби. Шарқ шоирлари шеърингта маҳбубанинг кокилини "лом" ҳарфинга қиёс қиладилар:

*"Алиф" каби қадинг ул ики "лом"и зулф ичра курунган,
Уддум алар васфин айламактин лол.*

(Алишер Навоий).

"Лом-алиф" — араб алифбосидаги ل (лом) ва ا (алиф) ҳарфларининг бирикмаси — لا (ло). Алишер Навоий لا (ло) ни мустақил ҳарф ҳисоблаб а (ҳойи ҳавваз)дан кейин ва لا (ло)дан олдин жойлаштиради. Алишер Навоий لا (ло) га "Лом-алифнинг лола руҳлари лобаси" деб сарлавҳа қуйиб, "Ҳазойин ул-маоний"нинг ҳар бир девонида иккитадан (жамъи саккизта) ғазал бағишлайди.

Ломия (б. ламъа) — айрим фалсафий-тасаввуфий асарларда бир неча бобларга қуйилган умумий сарлавҳа, асарнинг бўлими. Бир ломия, тахминан, етти-саккиз кичик бобдан, баъзан ун бобдан иборат бўлган.

Лос — шайла тортганда ажралиб чиқадиган калта-калта ипак толалар, хом ипакнинг чиқиндилари. Лос сиёҳдонга сиёҳни қуюқ сақлаш ва қаламни юмшоқ ботириш учун солиб қуйилади. Хаттотликда баъзан лос ўрнида лифадан ҳам фойдаланилади.

Лутф — 1. Мулойимлик, хушмуомала, яхши мулозамат, раҳмдиллик, марҳамат. 2. Илми бадияда маънавий санъатлардан бири. Бу санъат сўз уйинига асосланган усул бўлиб, шоир матн (байт)да икки ё ундан ҳам ортиқ маънога кўчиши мумкин бўлган бир сўз ёки сўз бирикмаси орқали ўқувчи онгида янги-янги маънавий ҳиссиётлар уйғотишга муяссар бўлади. Чунончи, Мавлоно Лутфийнинг қуйидаги байтида лутф санъатининг латофати намоён бўлган:

*Сен бор, эй рақиб жоним эрур ушбу эв ичра,
Мен кетмон эшикиндин агар чиқмаса жоним.*

Бу ерда “чиқмаса жоним” бирикмаси икки маъно ташимоқда: а) севимли ёр; б) ҳалок бўлмоқ, жони чиқмоқ маъносида. Мавлоно Лутфийнинг барча шеър (ғазал, туюқ, фард)лари ажойиб сўз ўйинлари — лутфкорлик билан тўлиб тошган. Мавлоно Лутфий шеъриятининг бу фазилатига ўз замонасида Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва Гиёсиддин Хондамирлар юқори баҳо берганлар. Эҳтимол, шоир шунинг учун ҳам ўз тахаллусини Лутфий (лутф устаси) деб олишни маъқул кўргандир.

Луқмон — мил. авв. VI аср иккинчи ярми ва V аср бошларида Жанубий Италиянинг Кротон шаҳрида Алкмеон исми бир табиб яшаган. Уша вақтда Кротон шаҳри юнонлар тасарруфида бўлган. Алкмеон юнонлар орасида биринчи бўлиб тиббиёт мактаби очган, шогирдлар етиштирган. У “Табиат ҳақида”, яъни одам табиати — мижози ҳақида махсус асар ёзган. Бу асарида Алкмеон беморларни даволашда, асосан, тўрт ҳолат: сўз таъсири, гиёҳлар хосияти, мижоз муътадиллиги, бош миядаги назла (хилт)нинг кўпайиш ва озайишига катта эътибор берган. Алкмеон беморларни даволашда мазкур усулларни қўлаганлиги билан танилган. Унинг “Табиат ҳақида” китоби Буқрот (Гиппократ), Афлотун (Платон) ва бошқа табиб — файласуфларга жуда маъқул бўлган. Улар Алкмеон асаридан мумкин қадар фойдаланишган. Афсуски, Ўрта асрлар, яъни Абу Али ибн Синолар давригача Алкмеоннинг бу асари яхлит китобат ёки бошқа бирор тилга таржима ҳолида етиб келмаган. Алкмеон асари йўқолиб кетган бўлса-да, (айрим парчалари сақланиб қолган бўлиши ҳам мумкин), аммо унинг (олимнинг) номи дастлабки, оддий даволаш усуллари ҳамда содда тиббий тажрибаларнинг соҳиби сифатида шуҳрат қозониб, халқ ўртасида яшаб қолаверади. Алкмеоннинг бу шуҳрати Арасту, Буқрот, Суқрот ва бошқа юнон файласуфларининг асарлари ва номлари қаторида Ўрта асрларда Шарқ халқлари (араблар, форслар, туркий халқлар) тилларига кўчиб ўтган. Бу кўчиб ўтишда тарихий шахс Алкмеоннинг номи арабча талаффузга мувофиқ ал-Луқмон ёки Луқмон

шаклига ўзгарган. Унинг табобатдаги донишмандлиги, ҳозик табиблиги назарга олиниб, “ҳаким” сўзи билан бирга Луқмони Ҳаким деб юритиладиган бўлган. Луқмон араб, эрон, туркий халқларнинг тарихий ва бадий адабиётларидан мустаҳкам ўрин олган. Шу жумладан, Алишер Навоийнинг адабий ва илмий меросида, хусусан, “Сабъаи сайёр”, “Сади Искандарий”, “Тарихи мулуки ажам”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарларида Луқмон буюк донишманд-файласуф, табиб сифатида талқин этилади. Чунончи, Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида Луқмон ҳақида “... анинг сўзларидиндурким, тўрт минг сўз йиғибтурлар ва сўз била ихтисор (қисқартириш) қилибтурлар”, деб ёзади. Бу эса Луқмоннинг беморларни даволаш усуллари ҳақидаги ҳикматли сўз, маслаҳатларининг турли даврларда тузилган тўпламларидан дарак беради. Луқмонга нисбат берилган ҳикматли сўз ва ҳикоятлар бир қанча тарихий ва адабий асарлардан ўрин олган. Луқмон ҳикматли сўзларининг жамланган “Луқмоннинг юзта фойдали маслаҳати” номли қўлёзма халқ орасида кенг тарқалган. Ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам Луқмон номи жуда машҳур. Халқ ўртасида кўпроқ “ҳаким” сўзи билан Луқмони Ҳаким шаклида юритилади. Луқмони Ҳаким халқ эртаклари, ҳикоятлари ҳамда ҳикматларида табиб ва донишманд сифатида гавдаланади. Луқмон ҳақидаги ҳикоят ва ҳикматларнинг аксарияти Луқмон билан савол-жавоб тарзида тузилган. Шундай қилиб, Луқмон қадимги юнон табобатининг асосчиси Алкмеон бўлиб, Урта асрларда Шарқ халқларига ал-Луқмон, Луқмон, Луқмони Ҳаким номлари билан ўтган. У асрлар давомида ёзма ва оғзаки ижодиётда халқ табобатининг буюк донишманди тимсолига айланиб кетган. Унинг беморларни оддий даволаш усуллари — “васият”лари, ўғитлари, ҳикматларида ўз ифодасини топган ва сақланиб қолган.

Луғавий — 1. Луғатга, сўзга оид; сўзнинг асл, туб маъноси. 2. Луғатшунос, луғат илми мутахассиси.

Луғат — 1. Сўз, калима. 2. Бирор тилдаги барча сўзлар мажмуи, сўз хазинаси, сўз бойлиги. 3. Шарқда илми

адабнинг қисмларидан бири (илми луғат). Луғат бирор тилдаги сўзларнинг маълум тартибда (одатда, алифбо тартибида) жамлаб, изоҳлаб ёки бошқа тилга таржима қилиб берилган тўплами, асар, китоб. Ўрта Осиёда луғат тузиш анъанаси қадимдан бошланган. X асрда фороблик Абу Носир Жавҳарий араб қабилалари орасида юриб, тўплаган сўзлари асосида араб тилининг “Тож ул-луға ва сахҳоҳ ул-арабия” деган изоҳли луғатини тузган. XI асрда Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Девону луғотит-турк” (Туркий сўзлар тўплами) китобини ёзди. Бу асар туркийча-арабча луғат бўлиб, қадим туркий тиллардаги сўзларнинг талаффуз меъёрлари ва маънолари араб тилида батафсил изоҳлаб берилади. XII асрда Маҳмуд Замахшарий луғат илмига буюк ҳисса қўшди. У араб тилининг изоҳли луғати “Асос ул-балоға”ни яратди. Олим бу асарида араб тилидаги сўзларни ўз ўрнида ишлатиш, қоидага мувофиқ сўзлаш ва ёзиш, сўзнинг асл ва мажозий маънолари ҳақида маълумот беради. Замахшарийнинг “Муқаддамат ул-адаб” асари ҳам Ўрта Осиё луғат илмининг тараққиётида бениҳоя катта аҳамиятга эга. Асарда араб сўзлари форс, эски туркий, мўғул тилларидаги маънодош сўзлар билан қиёсланади. Ҳатто, айрим сўзларнинг маъносини қиёслашда қадимги хоразмий тилидан ҳам мисоллар олинган. Алишер Навоийнинг улкан мероси, сўз бойлигини ўрганишга қизиқиш XV асрдан бошлаб Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия каби улкаларда кўпроқ ўзбекча-форсча, ўзбекча-туркча луғатларнинг тузилишига сабаб бўлди. Буларга Толий Ҳиравийнинг “Бадойиъ ул-луғат”, Мирзо Меҳдийхоннинг “Санглоҳ”, Шайх Сулаймон Бухорийнинг чигатойча-туркийча луғатлари ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Алишер Навоий асарлари қўлёзмаларининг бош қисмида, хотимасида; кўпинча ҳошияларида олим, шоир ва адабиёт мухлислари томонидан мутолаа вақтида қайд этилган бундай луғатларнинг ҳажми 2–3 саҳифадан ториб 10–15 саҳифагача боради. XV асрдан кейин ўзбек луғатчилигида изоҳли ва таржима луғатларининг деярли ҳаммасига Алишер Навоий асарлари манба бўлди.

Лугатлар Шарқ китобат ишининг энг муҳим турларидан ҳисобланади. Боблар, фасллар, лугат мақоласининг бош сўзи доимо ажралиб туриши учун асосий матндан бошқа сиёҳ (кўпинча қизил, қирмизи)да ёзилади. Лугатларда сўзни тўғри ўқиш мақсадида насх хатидан фойдаланилади. Бош сўз ва унинг маъносини очиб бериш учун келтирилган адабий парчалар (мисоллар) жуда аниқ талаффуз этилиши учун ҳаракатлар ҳам қўйилади. Манбаларда лугат, лугат китоби ўрнида *фарҳанг* сўзи ҳам ишлатилади.

Лугат моддаси — таржима, изоҳли ва бошқа турдаги лугатларда ҳар бир сўзга ёзилган изоҳ лугат моддасини ташкил қилади.

Лугатнавис — лугат тузувчи, лугатшунос олим.

Лугатнома — катта ҳажмли лугатларга кирган бош сўзларнинг алоҳида олиб тузилган рўйхати. Бу рўйхат лозим бўлган сўзни мазкур лугатдан тезлик билан топиб, ундан фойдаланишни осонлаштиради. “Девону луғотит-турк”, “Гиёс ул-луғот” ва бошқа машҳур лугатларга лугатномалар тузилган.

Луғз, луғаз, луғуз — қ. чистон.

Луғот (б. лугат) — лугатлар, қ. лугат.

❧ М ❧

Мабдаъ — ҳар қандай нарсанинг келиб чиқиш, бошланиш жойи. Чунончи, шеърнинг биринчи байти ҳам мабдаъ ҳисобланади. Шунинг учун баъзан матлаъ ўрнида мабдаъ сўзи ҳам ишлатилади. қ. матлаъ.

Мабҳас — 1. Мубоҳаса, мунозарага сабаб бўлган мавзуъ, масъала. 2. Китоб ёки рисолада бўлим.

Мавлавий — аслида “эга, соҳиб” маъноларини берувчи бу сўз тасаввуф олимлари ва шоирларига ҳурмат юзасидан қўшиб айтиладиган унвон. Бунда устоз, пир деган мазмун назарда тутилади. Мазкур унвон Шарқда тасаввуфнинг икки улуг намояндаси Жалолиддин Румий ва Абдураҳмон Жомийларга Мавлавий Румий, Мавлавий Жомий тарзида қўшиб айтилиши одат тусига кирган.

Жалолиддин Румий тасаввуфнинг мавлавия тариқатига асос солган. қ. тариқат.

Мавло — тасаввуфда Аллоҳнинг номларидан бири сифатида қўлланади.

Мавлоно — олимлар ва шоирларга мурожаат қилинганда, улар ҳақида сўз борганда ёки уларнинг номлари ёзма равишда зикр этилганда, ҳурмат юзасидан қўшиб айтиладиган унвон. Чунончи: Мавлоно Лutfий, Мавлоно Алишер Навоий, Мавлоно Зайниддин Восифий, Мавлоно Хондамир каби.

Мавлуд, мавлуди шариф — исломда пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг таваллуд кунлари муносабати билан ўтказиладиган маросим. Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг дунёга келишлари араблар орасида “Оми фил” (фил йили) деб машҳур бўлган фил воқеасининг биринчи йили — рабиъ ул-аввал ойининг 9-душанба кунига тўғри келади. Мазкур сана милодий ҳисоб бўйича 571 йил 21 апрелга мусовий бўлиши аниқланган. Ўз-ўзидан маълумки, ой ва кунлар сурилиб тургани сабабли, ҳар йили рабиъ ул-аввал ойининг 9-санасига душанба кунини мувофиқ келавермайди. Шунинг учун бутун мусулмон оламида рабиъ ул-аввал ойининг иккинчи душанба кунини Муҳаммад алайҳиссаломнинг туғилган кунлари деб қабул қилинган. Шундан келиб чиқиб, ҳар йили рабиъ ул-аввал ойининг иккинчи душанбаси қайси (8-дан 14-гача бўлган) кунларнинг бирига тўғри келса, ўша кунни *мавлуди шариф* деб аталади ва маросим ўтказилади.

Мавоиз (б. мавъиза) — мавъизалар. қ. мавъиза.

Мавъиза, мавъизат — панд-насиҳат, ўғит; бадий асарнинг ҳикматомуз ўринлари.

Мавъизатнома бутунлай бошдан-охир панд-насиҳат, ўғит билан ёзилган адабий асар. Чунончи: Қобус ибн Вашмгирнинг “Қобуснома”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асарлари мавъизатнома ҳисобланади.

Мавъизот (б. мавъиза) — мавъизалар. қ. мавъиза.

Мавқуф — “тўхтатилган, тўхтатиб қўйилган” маъносида бўлиб, котиб қўлёзмани кўчираётганида матннинг бирор

ерига тушунмаса ёки маъносига шубҳа билан қараса, уша ерни кўчирмай "манкуф" деб ёзиб қўяди. Матнинг шубҳали ўрни бошиқа нуسخадан текширилиб қўрилади ва шундан сўнг ёзиб қўйилади.

Мадорис (б. мадраса) — мадрасалар, қ. мадраса.

Мадд, мадда — араб ёзувида сатр усти белгиларидан бири. Ўзбек тилида чўзги деб ҳам аталади. Бу белги хусусида биз юқорида алиф ҳарфи муносабати билан танишган эдик. Мадд, сўзнинг бошида алифнинг устига ётиқ алиф ($\bar{ا}$) шаклида қўйилади ва алифни чўзик "о" унлисига айлантириб ўқилади: $\bar{ا}$ одам, $\bar{ا}$ озод, $\bar{ا}$ от, $\bar{ا}$ обод, $\bar{ا}$ ошно каби. Яна қ. алиф.

Мадда зиллаҳу — арабча дуо жумласи бўлиб, "Аллоҳ соясини (умрини) узайтирсин" маъносини беради. Барҳаёт улуғ одамлар помидан кейин қўшиб ёзилади.

Маддоҳ — 1. Олий ҳукмдорни мадҳ этувчи, уни мақтовчи, ҳукмдор помига ёзилган шеърларни ўқувчи. Улар, кўпинча кўча, майдон, бозор ва шунга ўхшаш одамлар гавжум бўладиган жойларда ҳукмдор ва унинг давлатини мақтаганлар. Бундай маддоҳлар ўрта асрларда ҳукмдорларнинг саройларида ҳам бўлган. 2. Диний, кўпроқ тасаввуф руҳидаги шеърларни махсус қироат билан ўқиб юрувчи дарвешлар, қаландарлар.

Мадраса — дарс олинадиган жой, дарсгоҳ. Ислом динининг юзага келиши ва тарқалиши билан вужудга келган олий ўқув юрти. Қатор мусулмон мамлакатларида бўлгани каби, Туркистонда ҳам IX–X асрлардан масжидлар билан бир қаторда қурила бошлаган. IX–XII асрларда, айниқса теурийлар даврида Туркистонда маҳобатли мадрасалар бунёд этилди. Мадраса бир ёки икки қаватли бўлиб, алоҳида ҳужралардан ташкил топади. Бу ҳужраларда талабалар ҳам яшайди, ҳам илм олади. Мадраса ҳовлисининг тўрида очиқ айвон бўлиб, бу ёзги дарсхона вазифасини ўтаган. Мадрасага мактабни битирган, бирор фанни чуқур ўзлаштиришга лаёқатли шогирдлар қабул қилинган. Мадрасада диний илмлар билан биргалиқда дунёвий фанлар ҳам ўқитилган. Ҳар бир фанни ўқитиш алоҳида мударриснинг зиммасига юклатилган. Айрим мударрислар фақат

бир фандан эмас, балки бир неча фандан талабаларга сабоқ берганлар. Йирик мадрасаларда мударриснинг ёрдамчиси — мутакрир (ассистент)и бўлиб, у ўтилган дарсларни талабаларга такрорлатган, олган билимини мустақкамлашга ёрдам берган. Талабалар фанларни ўзлаштиришдаги қобилиятларига қараб уч гуруҳга — “аъло” (юқори), “авсат” (ўрта) ва “адно” (қуйи)га бўлиниб, таҳсил олганлар. Уларга бериладиган пул (стипендия) ва бошқа моддий таъминотлар қайси гуруҳга мансублигига қараб берилган. Мадрасаларда мавсумий ўқиш вақти мударрис томонидан белгиланган, бироқ кўпчилик мадрасаларда ўқиш кузда бошланиб, баҳорнинг охиригача давом этган. Ҳаво иссиқ бўлган пайтларда дарс ҳовлидаги дарсгоҳда ўтказилган. Бунда талабалар тўғарак шаклида ўтириб, устознинг маърузасини тинглаганлар. Мадрасаларда қандай фанлар ўқитилишини, уларнинг дастурини бош мударрис белгилаган. Темурийлар давридаги машҳур мадрасаларда диний илмлар билан бир қаторда аниқ фанларга ҳам жиддий эътибор берилган. Бунга яққол мисол, Мирзо Улуғбек, унинг сафдошлари ва шогирдларининг Самарқанд мадрасаларида фалакиёт, риёзиёт, ҳикмат (физика) соҳасида талабаларга берган билимларидир. Диний илмлар орасида сарфу наҳв, ақоид, тафсир, ҳадис, фикҳ, мантиқ, фалсафа ва бошқалар муҳим ўрин тутган. Мадрасада асосий фанлар араб тилида, айрим фанлар форс тилида ўқитилган бўлса-да, XIX аср ва XX аср бошларида Туркистондаги мадрасаларда эски ўзбек тилида ҳам дарслар олиб борилган. Мусулмон оламидаги мадрасаларда ўқиш муддати қатъий бўлмаган. Айрим мадрасаларда ўқиш тўрт-беш йил, ҳатто ўн йилга қадар ҳам чўзилган. Бироқ Туркистон шаҳарларидаги мадрасаларда талабалар кўпинча тўрт-беш йил атрофида таҳсил олганлар. Талаба муайян фанларни ўз даврига нисбатан пухта ўзлаштиргандан кейин ўқиш даврини тугатган. Талаба мадрасани тугатаётганида бир неча мударрис унинг билимини савол-жавоблар орқали имтиҳондан ўтказишган. Шу билан талабанинг келажак фаолиятига устозлар оқ фотиҳа берганлар. Мадрасани тугатиш маросими “Хатми кутуб” (китобларни ўқишни

тамомлаш) деб аталган. Кўпчилик мадрасаларда кутубхона мавжуд бўлган. Бу кутубхона мударрислар ва талабаларга хизмат қилган. Мадрасада ўқув-ўқитув, таълим-тарбияни ташкил қилишни бош мударрис, мадрасага зарур бўлган жиҳозлар мударрислар ва талабаларнинг моддий таъминотлари билан мутавалли шугулланган. Мадрасалар таълим-тарбия, илм-маърифат ўчоғи бўлиши билан бирга Шарқ меъморчилигининг ноёб, мухташам ва маҳобатли ёдгорликлари ҳам ҳисобланади. Бунинг далили сифатида Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент шаҳарларидаги мадрасаларни кўрсатиш мумкин. Ўтмишда ҳукмдорлар, хонлар, беклар, мулкдор ва бойлар ўзларининг шахсий маблағларига мадраса қуриб қолдиришни шарафли бурч деб ҳисоблаганлар. Шунинг учун кўпчилик мадрасалар кимнинг ташаббуси ва маблағи билан қурилган бўлса, ўша кишининг номи билан юритилиб, машҳур бўлиб кетган. Шўро тузуми даврида мадрасаларга худди масжидлар каби ўта паст назар билан қаралди ва 20-йилларнинг бошларидаёқ ўқишлар бутунлай тугатилди. Уларнинг кўпчилиги бузиб ташланди ёки хароб ҳолга келиб қолди. 1911 йилда Тошкентда 26 та мадраса мавжуд бўлган бўлса, 1990 йилгача улардан фақат учтаси сақланиб қолган, холос. (Ҳазрати имомдаги “Бароқхон”, Чорсудаги “Кўкалдош”, Бешёғочдаги “Абулқосимхон” мадрасалари). 1943 йилда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ташкил бўлгач, 1944 йилдан Ўзбекистонда иккита мадраса фаолияти қайта тикланди. Улардан бири Бухорода (Мир-араб мадрасаси) ва иккинчиси Тошкентда (Олий маъҳад) барпо бўлди. Бироқ ҳар икки мадрасада жуда оз сонли талабалар ўқитилиб, имом-хатиблар тайёрланди. 1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мусулмонларга диний эркинлик берилиши билан уларнинг мадрасада таълим олишлари учун ҳам шароит яратилди. Аввалги сақланиб қолган мадрасалар таъмирланиб, улар қаторида кўплаб янги мадрасалар қурилиб, ишга туширилди. Ҳозир фаолият кўрсатаётган мадрасаларда ислом дини, тарихи, қоидалари ва бошқа илоҳиёт фанлари билан бир қаторда дунёвий, замонавий илмлар ҳам таълим дастуридан ўрин олган.

Мадҳал — кириш, муқаддима. Бирор асарга ёзилган қисқа сўзбоши.

Мадҳ — араб қасидаларининг насаб ва васфдан кейинги — учинчи қисми. Қ. қасида.

Мадҳия — давлат бирлиги, мустақиллиги, шу давлат ҳудудида яшовчи халқларнинг яқдиллигини шарафлаб, олқишлаб айтиладиган куй ва қўшиқ. Қадимги ва Ўрта асрларда давлат мадҳияси ҳозирги биз тушунган маънода бўлган эмас. Тарихий манбалар, адабий асарлар ва халқ дostonларида хабар берилишича, мамлакат ҳаётида юз берган энг улуғ воқеалар турлича нишонланган. Мамлакатга янги ҳукмдор тайинланиши, қўшиннинг юришларидан галаба билан қайтиши, олий мартабали элчи ва меҳмонларни кутиб олиш ва кузатиб қўйиш, байрам ва ҳайитларда халқ сайлларини бошлаш, маҳобатли бино ва иншоотларни қуриб тугаллаш ва ишга тушириш, шаҳар ва қалъаларни қуришга киришиш, каналлар қазиб, унга сув чиқариш ва бошқа улуғ воқеалар ўзига хос тантанали равишда нишонланган. Бунда овози жуда узоқларга тараладиган ногоралар, карнай-сурнай ва шуларга яқин келадиган мусиқа асбоблари (ҳарбий оркестр) жанговар куйларни ижро этиб турган. Баъзи ҳолларда шоирлар мазкур воқеани муборакбод этиб, шеър ўқиганлар. Бироқ тантанали жанговар мусиқа куйларига мослаб шеър ўқиш анъанавий тус олмаган эди. Даврлар ўтиши билан давлат мадҳиясининг ижро этилиши муайян қоидаларга ва доимий бир қўшиқ матни билан ижро этиладиган бўлди. XVIII аср охири (француз инқилоби)дан бошлаб жаҳондаги кўп мамлакатлар ўз мадҳияларига эга бўла бошладилар. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ўзининг ҳақиқий давлат мадҳиясига эга бўлди. Унинг сўзини шоир Абдулла Орипов, мусиқасини бастакор Мутал (Мутаваккил) Бурҳонов ёзди. Маҳфия 1992 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бир овоздан маъқулланиб, қабул қилинди.

Мажлис — Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” (Нафисларнинг (шоирларнинг) мажлислари) тазкирасида “боб” маъносида келган. Алишер Навоий ўз тазкирасини саккиз мажлис (боб)га ажратади.

Мажлиснавис — Олий ҳукмдорнинг кенгаш ва машваратларида навбатма-навбат ҳозир бўлиб, мажлисда кўрилган ва ёзилган муҳим масалалар ва айрим ишлар тафсилотини махсус дафтарга ёзиб олиб, сақловчи сарой котиби. Бундан ташқари подшоҳга арз қилинган ишлар, қабул этилган қарор (ҳукм), хуллас, мамлакат аҳамиятига молик ишлардан тортиб, то шахсий гапларгача қайд этиб бориш зиммасига юклатилган девон хизматчиси.

Мажмуъа — 1. Турли мавзуларга доир кичик ҳажмли шеърий ёки насрий асарлар (ёхуд улардан парчалар) ёзиб бориладиган қўлёзма китоб, шарқ китобат ишининг бир тури, мажмуъа, умуман қўлёзма тўплам маъносига тўғри келади. Лекин мавзу ва таснифда изчилик бўлмаслиги ҳамда бошқа қатор хусусиятлари билан баёз ва качкулдан тубдан фарқ қилади. Агар қўлёзма китоб таркибига рисоалар кирган бўлса, “Мажмуъаи расойил” (Рисоалар тўплами), ҳикоятлар кирган бўлса “Мажмуъаи ҳикоёт” (Ҳикоятлар тўплами), ривоятлар кирган бўлса “Мажмуъаи ривоёт” (Ривоятлар тўплами) деб юритилган ва ҳоказо. Баъзи шоирлар “тазкира” сўзи ўрнига “мажмуъа” сўзини ишлатганлар. Чунончи: Фазлий Намангоний XIX аср биринчи ярмида Қўқон адабий муҳитида яшаган юздан ортиқ шоирга берилган шеърий таъриф ва уларнинг шеърларидан намуналарни ўз ичига олувчи тазкирасини “Мажмуъаи шоирон” (Шоирлар тўплами) деб атайди. Хоразмлик олим ва шоир Аҳмад Табибий ҳам Хоразмда XX аср бошларида яшаган ўттиз уч шоирга берилган шеърий таъриф ва улар ижодидан олинган шеърларни жамловчи тазкирасини “Мажмуъат уш-шуаро” деб номлайди. 2. Мусаввирликда фақат бир мавзу бўйича чизилган расмлар тўплами. Мирак Наққош, Камолиддин Беҳзод ва бошқа мусаввирлар чизган расмлардан тузилган мажмуъалар сақланиб қолган.

Мажмуъаи ашъор — қ. баёз.

Мажолис (б. мажлис) — мажлислар. қ. мажлис.

Маймун, маймун йили — мучал ҳисобида 9 йилнинг номи.

Макотиб (б. мактаб) — мактаблар. қ. мактаб.

Макотиб (б. мактуб) — мактублар. қ. мактуб.

Мактаб — ҳар қандай даврда хат-савод чиқарадиган муассаса. Қадимшунослик бўйича олиб борилган тадқиқотларидан маълум бўлишича, Туркистонда мактаблар ёзув тараққиёти билан ёнма-ён шаклланиб келган. Бунга Бухоро, Самарқанд, Марв, Панжикентдан топилган сопол парчаларидаги ҳарфлар рўйхати — дастлабки алифбелар мисол бўла олади. Жумладан, Панжикентдан суғд алифбеси ёзилган VII асрга мансуб сопол парчаси, VII аср охири ва VIII аср бошларига мансуб Марвдан топилган араб ҳарфлари рўйхати — алифбе сақланиб қолган. VIII аср ўрталаридан Туркистон шаҳарларида исломнинг тарқалиши билан масжидлар ҳузурида мактаблар ташкил қилина бошланди.

Туркистон мактаблари асосан бир хонадан иборат бўлгани учун кўпинча мактабхона деб ҳам юритилган. Мактабга болаларни беришда уларнинг қатъий бир ёшига эътибор берилмаган. Ота-оналар ўз болаларини баъзан беш-олти ёшда, баъзан етти-саккиз ёшда, баъзан ўн ёш атрофларида ҳам мактабга берганлар. Мактаб болалари ўқувчи, кўпинча шогирд номи билан юритилган. Масжид ҳузуридаги мактабда ўғил болалар ўқиган. Унда масжиднинг имоми ёки имом бўлмаса ҳам, яхшигина саводли киши болаларга сабоқ берган. Бу киши домла (домулла) ёхуд мактабдор деб юритилган. Қиз болалар мактаби, асосан, хонадонларда жойлашган бўлган. Бу мактабда домланинг хотини ёки бошқа бирор саводли аёл сабоқ берган, уни отин ёки отинойи деб юритилган. Мактабда ўқиш эрталабдан пешингача, ўқиш мавсуми куздан баҳоргача давом этган. Байрам ва ҳайитларда шогирдларга бир неча кун “озодлик” (таътил) берилган. Мактабда билим олишнинг дастлабки босқичи араб ҳарфларини алифбо тартибида ёд олишдан бошланган, сўнгра араб ҳарфларининг абжад тартиби ёдлатилган. Бунинг учун ўқувчиларга меҳробсимон тахтанинг бир томонига алифбо, иккинчи томонига абжад йирик ҳарфлар билан ёзиб берилган. Шогирдлар ана шу тахтадан алифбо ва абжадни ўзлаштирганлар. Бу босқич тугагач, ўқувчилар Қуръоннинг еттидан бир қисми олиб тузилган “Ҳафтияк” китобини ўқий бошлаганлар.

Ана шу жараёнда домла ёки отинойи шогирдларга беш вақт намоз ўқиш ва кундалик ибодат қоидаларини ҳам ургатишни бирга олиб боради. “Ҳафтияк”ни яхши, равон ўқишни ўрганган ўқувчилар бошқа адабий китобларни ўқишга киришганлар. Мактабларда адабий китобларни ўқиш турли даврларда турлича бўлган. XV асргача Шайх Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон” асарлари, Ҳофиз Шерозийнинг девони ўқилган. XV асрдан кейин тўпламлар дарслик вазифасини бажарган. XVIII асрдан эса Сўфи Оллоёрнинг “Сабот ул-ожизийн” шеърий китоби ҳам ўқитилиб келинган. Шогирдлар Қуръони Карим сураларини, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Алишер Навоий асарларини бемалол ўқий оладиган бўлгандан кейин домла ва отинойилар уларни хат ёзишга ўргатганлар. Бу иш тўрт босқичда олиб борилган. Биринчи босқич — ҳарфларни алоҳида-алоҳида ёзишга ўргатиш. Буни “муфрадот даври” деб айтилган. Иккинчи босқич — ҳарфларни бир-бирига қўшиб ёзишни ўргатиш. Бунда иккита, учта баъзан тўртта ҳарфлардан сўзлар таркиб топиши ёзиб, машқ қилинади. Умуман олганда, бу босқичда ҳарфий бирикмалар, алоҳида сўзларни мустақил ёзиш ўргатилади. Бу даврни “мураккабот” деб аталади. Учинчи босқич — “муқаттаъот”. Бу босқичда шогирдлар бир байт, икки байтдан иборат шеърларни, айрим жумлаларни ёзишга ўргатилади. Тўртинчи босқич — “иншо”. Бу босқичда шогирдлар энди ўзлари мустақил ижод қилишга ўргатилиб, яқин кишиларига дуойи салом ва бошқа турли мавзудаги мактубларни қоғозга туширадилар. Ана шу босқичларни босиб ўтган шогирд ҳуснихатдан ҳам маълум даражада маълумот олиб, “хати чиққан” ҳисобланади. Айрим мактабларда домла ва отин ойилар кундалик турмушда доимо керак бўладиган бошланғич ҳисоб дарсини ҳам ўргатадилар.

Ана шу юқорида айтиб ўтилган таълим дастурини пухта ўзлаштирган шогирд хат-савод чиқариб, бошланғич мактаб даврини тугатган бўлади. Мактабни тамомлаш “хатми мактаб” деб аталган. Масжид ҳузурида очилган мактабларнинг домласига вақф даромадларидан

ҳисоблайдилар. Мусулмонларда жума дам олиш куни шанба дам олиш бўлиб, шанба ҳафтанинг биринчи куни; яҳудийларда шанба дам олиш бўлиб, якшанба ҳафтанинг биринчи куни; насроний (христиан)ларда якшанба дам олиш бўлиб, душанба ҳафтанинг биринчи куни ҳисобланади.

“Ҳафтияк” — Қуръоннинг еттидан бир қисмидан иборат алоҳида китобча. 13-14 сурадан ташкил топган. Эски мактабларда ўқув китоби сифатида фойдаланилган. Ўқувчилар араб алифбосини таниганларидан сўнг, яъни абжадхонлик даврини босиб ўтганларидан кейин “Ҳафтияк”ни ўқишга бошлаганлар. “Ҳафтияк”дан сўнг Қуръон бошдан-охир ўқиб туширилган.

Ҳафтранг қоғоз — Ўрта аср китобатчилигида қўлланилган ҳар хил рангли, яхши сифатли қоғоз. Бундай қоғоз кўпроқ баёзлар ҳамда бир қатор шоирлар шеърлари мажмуасидан иборат китоблар тайёрлашда ишлатилган.

Ҳафт авранг — етти тож. Форс-тожик шоири Абдурахмон Жомий “Хамса”сининг номи. қ. хамса.

Ҳафт қалам — етти қалам (услуб). XV асрдан бошлаб баъзи хат назариётчилари настаълиқни ҳам машҳур олти услуб (хутути ситта)га қўшиб ҳисоблаб, етти қалам (услуб) деб юритадилар. қ. хутути ситта.

Ҳашт беҳишт — саккиз жаннат. Форс тилида ижод қилган ҳинд шоири Амир Хисрав Деҳлавий “Хамса”сининг номи. қ. Хамса.

Ҳашт қалам — саккиз қалам (услуб). Кейинги асрларда шикаста хат услуби ҳам машҳур услубларга қўшилган олти услуб (хутути ситта) ва настаълиқ билан бирга саккиз қалам (услуб) деб юритилади.

“Ҳидоя” — буюк фикҳ олими Бурҳонуддин Маргиноний асарининг қисқартирилган ва халқ ўртасида машҳур бўлган номи. Бу асарнинг тўла номи “Ҳидоя фи фуруъ ал-фикҳ” (Фикҳ соҳалари бўйича қўлланма) деб аталади. Араб тилида ёзилган. Маргинонийга қадар ҳам ва ундан кейин ҳам ҳидоялар ёзилган. Бироқ Маргиноний ҳидояси бутун мусулмон оламида жуда катта шуҳрат қозонган.

Айнисқа, бу асар сунъийликнинг ҳанафия мазҳаби кенг ёйилган Марказий Осиё, Шимолий Кавказ, Урал, Волга бўйларида кенг тарқалди ва жуда қадрланди, ҳозир ҳам қадрланиб келмоқда. “Ҳидоя” тўрт жилддан иборат. Ҳар бир жилд яна бобларга бўлинади. “Ҳидоя”да исломнинг асосий маросим талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар, оила ва никоҳ билан боғлиқ масалалар батафсил ёритилган. Уларнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий меъёрлар ва жазо чоралари белгиланган. Шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, мулкӣ, молиявий муносабатларида ҳуқуқий масалалар, шулар жараёнида содир бўладиган жиноят ва жазо ишлари, уларни кўриб, ҳукм чиқарувчи қозилик ва маҳкама идоралари фаолиятига оид масалалар ҳам асосий ўрин эгаллаган. “Ҳидоя” яратилгандан буён то ҳозиргача ислом оламидаги ҳуқуқ олий ўқув юртларида ва мадрасаларда мусулмон қонуншунослиги — фикҳ бўйича асосий қўлланма, дарслик сифатида ўқитиб келинмоқда. Мазкур асар инглиз ва рус тилларига тўла таржима қилинган, айрим қисмлари бошқа тилларга ҳам ўтирилган.

Ҳидоятнома — тўғри йўлни, Аллоҳ томонидан белгиланган тўғри йўлни, яъни ислом дини кўрсатмаларини жуда қисқа ва аниқ баён қилувчи, уларни амалда бажаришга даъват этувчи асарлар; шу соҳалар бўйича қўлланмалар, йўл-йўриқлар.

Ҳикам (б. ҳикмат) — ҳикматлар. қ. ҳикмат.

Ҳикмат — 1. Ўта донишмандлик билан айтилган нозик, қисқа ва чуқур маъноли сўз. Улар шеърий ва насрий бўлиши мумкин. Ҳикматлар шаклан қисқа, маънан чуқурлиги билан халқ мақолларига яқин туради. Ҳикматларни яратувчиси — маълум бир муаллиф, ижодкордир. Халқ мақолларининг яратувчиси эса халқдир. Шарқ шоирлари, олимлари юзлаб, минглаб ҳикматлар айтганлар. Чунончи, Алишер Навоийнинг шеърий, насрий, илмӣ асарлари ҳикматларга ниҳоятда бойлиги билан ажралиб туради. Шоир ва олимларнинг баъзи ҳикматлари халқ тилида кўп айтилиб юрганидан мақоллар қаторига ўтиб кетиши ҳам мумкин. Шундай

ҳолларда ҳикматни биринчи бўлиб айтган муаллифнинг номи унутилиб кетади. 2. Туркий тасаввуф шоирларнинг шеърлари туркий тасаввуф адабиётида Аҳмад Яссавий биринчи бўлиб ўз шеърларини ҳикмат деб атади. Кейинчалик унинг шеърлар тўплами “Девони Ҳикмат” (Ҳикмат девони) деган ном билан машҳур бўлиб кетди. Шунинг учун Аҳмад Яссавийдан кейин ўтган барча тасаввуф шоирларининг шеърлари ҳикмат деган умумий ном билан юритилади. 3. Ўрта асрларда Шарқда фалсафа фани ва у билан боғлиқ соҳалар ҳикмат деб айtilган. 4. Физика, механика ва шунинг каби бошқа аниқ фанлар ҳам Ўрта аср Шарқида ҳикмат деган умумий ном олган эди.

Ҳикматнома — кишиларга панд-насихат, ўғит, ибрат, сабоқ берадиган шаклан қисқа, маъноси ўта чуқур ва кучли, бадий жиҳатдан нозик ҳикматли сўзлар, масаллар, ҳикматлар тўплами.

Ҳикоёт (б. ҳикоя, ҳикоят) — ҳикоятлар. қ. ҳикоя.

Ҳикоят, ҳикоя — 1. Бирор кимса, нарса воқеа-ҳодиса ҳақида оғзаки берилган маълумот, таъриф-тавсиф; бирор нарсанинг оғзаки баёни. 2. Шарқ мумтоз адабиётида ҳаёт ҳодисалари ихчам ва қисқа ифода этиладиган насрий ёки шеърӣ асар. Ҳикоянинг келиб чиқиши халқ оғзаки ижодидаги афсона, эртак, латифаларга бориб тақалади. Шунинг учун Шарқ шоир ва адибларининг асарларида берилган ҳикояларнинг кўпчилигида асосий манба халқ оғзаки ижоди бўлиб ҳисобланади. Ўзбек адабиётида Рабғузӣининг “Қисас ул-анбиё”, Навоӣининг “Хамса”, “Лисон ут-тайр”, “Маҳбуб ул-қулуб” ва бошқа асарлари, Пошшохожанинги “Гулзор” ва “Мифтоҳ ул-адл” асарлари ҳикояларга бой, Навоӣ ўз асарларида ҳикоялардан ижтимоӣ-сиёсий, ахлоқӣ-фалсафӣ фикрларини бадий жиҳатдан кучайтириб, ўқувчининг хотирасида мустаҳкам ўрнашиб қоладиган қилиб бериш учун фойдаланади. Чунончи, “Ҳайрат ул-аброр”да Навоӣ йигирмата ижтимоӣ-фалсафӣ масалани таърифлар экан, шу масалаларнинг ҳар бирига боб охирида биттадан ҳикоя илова қилади. Айрим ҳолларда ҳикоянинг ҳажми бир оз катталашиб кетса, унга қисса сўзи ишлатилади.

Чунончи, Рабғузийнинг “Қисас ул-анбиё” асарида айрим қиссалар росмана қиссага тўғри келса, айримлари ҳикояга тўғри келади. Навоий “Лисон ут-тайр”да кўплаб ҳикоялар берган. Уларнинг ичида ҳажм жиҳатдан энг каттаси “Шайх Санъон ҳикояти”дир. Бу ҳикоя “Шайх Санъон қиссаси” номи билан шуҳрат қозонган.

Ҳиротий, хатти ҳиротий — настаълиқ хатининг XV аср иккинчи ярмида Ҳирот хаттотлик мактабида ривожланган ва шаклланган кўриниши. Ҳирот хаттотлик мактаби Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқароларнинг ташаббуслари билан ташкил топди. Бу мактабнинг намояндалари Султонали Машҳадий, Али ибн Нур, Абдулжамил Котиб, Дарвеш Муҳаммад Тоқий, Султон Муҳаммад Нур, Султон Муҳаммад Хандон ва бошқа хаттотлар эди. Уларга Султонали Машҳадий бошчилик қилади. Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Ҳусайн Бойқаро асарлари мазкур котиблар томонидан китобат қилинди. Султонали кўчирган Навоий девонлари, Абдулжамил кўчирган Навоий “Хамса”сининг тўнғич нусхаси, Дарвеш Муҳаммад Тоқий кўчирган Навоий “Куллиёт”и Ҳирот хаттотлик мактабининг нодир қўлёзмалари ҳисобланади. Ҳирот хаттотлари настаълиқ хатининг амалий ва назарий тараққиётига улкан ҳисса қўшдилар. Шу сабабли уларнинг хат санъатидаги маҳоратлари “Хатти ҳиротий” номини олди.

Ҳисоб — риёзиётнинг сонларнинг оддий ҳоссалари ҳамда улар устида бажариладиган амаллар (қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш)ни ўрганувчи бошланғич соҳаси. Яна қ. риёзиёт.

Ҳисоби абжад — қ. абжад, абжад ҳисоби.

Ҳисорий, хатти ҳисорий — араб ёзувининг кўрғон шаклида ёзилган безакли услуби. Бу услуб айрим қоғозларга — қитъа сифатида камдан-кам ёзилган.

“Ҳо” (ҳойи ҳутти) — араб алифбосининг еттинчи ва араб ёзувига асосланган эски ўзбек алифбосининг тўқизинчи ҳарфи (ح)нинг номи. Юмшоқ “ҳ” ундош товушини ифодалайди. Абжад тартибида “ҳутти” сўзи таркибида келади. Араб ёзувида яна бир юмшоқ “ҳ” (ه) ундош товуши бор. Бу товуш ҳарф абжад тартибида

“ҳавваз” таркибида келади. Демак, араб ёзувида иккита юмшоқ “ҳ” ундош ҳарфлари мавжуд. Ёзувда дарҳол ажратиб олиш учун улар доимо абжаддаги сўзларни қўшиб “ҳойи ҳутти” ва “ҳойи ҳавваз” деб бирга айтилади. “Ҳойи ҳутти”нинг абжад ҳисобидаги сон қиймати 8 га тенг. Шарқ мумтоз шоирлари шеърятда маҳбубанинг зулфи (чаккадаги қайрилма сочи)ни ҳойи ҳуттига ташбиҳ қиладилар.

“Ҳо” (ҳойи ҳавваз) — араб алифбосининг йигирма еттинчи ва араб ёзувига асосланган эски ўзбек алифбосининг ўттиз биринчи ҳарфи (◌)нинг номи. Абжад тартибида “ҳавваз” сўзи таркибида келади. Шунинг учун бу ҳарфнинг номи доимо “ҳойи ҳавваз” деб юритилади. “Ҳойи ҳавваз” сўзнинг турли ўринларида келиб, юмшоқ “ҳ” ундош товушини билдиради. Масалан: *شاه* шоҳ, *همراه* ҳамроҳ каби. “Ҳойи ҳавваз” сўз охирида ундошлардан кейин келиб, тил олди “а” унлисини билдиради. Масалан: *اداره* идора, *چاره* чора, *خانه* хона, *باله* бола каби. “Ҳойи ҳавваз”нинг абжад ҳисобидаги сон қиймати 5 га тенг.

Ҳожи — исломнинг бешинчи рукни — ҳаж амалини бажарган, муқаддас Макка ва Мадина шаҳарларини зиёрат қилган киши. Ҳожи сўзи ҳаж амалини адо этган мусулмон кишининг исми олдидан ёки кейинидан қўшиб айтилади. Масалан, Ҳожи Абдулазиз, Убайдуллоҳ ҳожи каби.

Ҳоким — 1. Ўрта асрлардан бошлаб Шарқ мамлакатларида шаҳар ёки вилоятни идора этиш учун марказий ҳукумат томонидан тайинланган мансабдор шахс. Айрим даврларда ҳоким бек номи билан ҳам юритилган. 2. Фармон берувчи, ҳукм қилувчи.

Ҳол, илми ҳол — қ. қол ва ҳол.

Ҳолнома — тасаввуф намояндаларининг руҳий кечинмалари турмуш тарзлари баён қилиб ёзилган рисола. Бундай рисолалар тасаввуф тариқатининг бошлиқлари, машҳур шайхлар ҳақида кўплаб ёзилган.

Ҳолот (б. ҳол) — ҳолатлар, бошдан кечирилган воқеалар баёни. қ. маноқиб.

Ҳомий — илм-фан, адабиёт, санъат ва ҳунар соҳаларида салоҳиятли, истеъдодли ёшларнинг камолотга

етишларида, сўнгра уларнинг ватан ва халқ равнақи йўлида самарали иш олиб боришларида моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи ҳукмдор, арбоб ва мулкдорлар. Ҳомийлар турли даврларда истеъдод соҳибларига ҳар жиҳатдан кўмак бериб келганлар. Чунончи, XV аср иккинчи ярмида Ҳиротда Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро илм-фан, адабиёт ва санъат намояндаларининг буюк ҳомийси бўлганларини тарихчилар зўр мамнуният билан ёзадилар.

Ҳосиб — ҳисоб илмининг билимдони, ҳисоблашнинг қонун-қоидаларини, йўл-йўриқларини яхши билувчи киши, ҳисобдон.

Ҳофиз — 1. Қуръонни бошдан-охир ёд олган ва қироат билан ўқийдиган киши. 2. Машҳур шоирларнинг катта ҳажмли асарлари (маснавий-достонлари)ни ёки кўплаб газалларини ёд олиб, қироат билан ўқийдиган киши. 3. Хонишлик санъатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўша олган, мақом ва мумтоз шеърини намуналарини юксак маҳорат билан ижро эта оладиган, ўз йўли ва мактабига эга бўлган ҳассос хонанда.

Ҳофизи каломуллоҳ — қ. ҳофиз 1.

Ҳошия — Шарқ қўлёзмаларида варақ саҳифасида саҳифа четидан, матн оралиғида қолдирилган бўш жой. Бу жой айрим қўлёзмаларда торроқ, айрим қўлёзмаларда кенгроқ бўлади. Ҳошиядан турли мақсадларда фойдаланилади. Баъзан ҳошияга ўсимлик ва ҳайвонларнинг расмлари, нақш ва гуллар чизилади. Китобнинг асосий бадиий беағи ҳошиядан ўрин олади. Баъзан ҳошияга мустақил асар ёзилади. Кўпинча, ҳошияга асарни мутолаа қилган кишилар томонидан шарҳ, изоҳ, луғат ва бошқа қайдлар ҳам ёзиб борилади.

Ҳошия ёзувлари — қўлёзмани кўчирган котиб томонидан ёки асарни мутолаа қилган кишилар томонидан ёзиб қўйилган тўлдириш, тузатиш, илова, луғат, шарҳ, изоҳ, қайд ва бошқалар котиб томонидан бажариладиган ёзувлар асарни китобат қилиш жараёнида амалга оширилади. Бошқа кишилар томонидан бажариладиган ёзувлар турли даврларда юзага келади.

Ҳошия матни — қўлёзманинг асосий матнидан бошқа ҳошияга ёзилган матн. Бу матн саҳифадаги асосий матннинг давоми ёки асосий матнга ҳеч бир алоқаси бўлмаган бошқа бир мустақил асар матни бўлиши ҳам мумкин. Одатда, ҳошия матни бўш жой имкониятини ҳисобга олиб, қиялатиб ёки ёнламасига ёзилади.

Ҳошия қоғози — Шарқ китобат ишида айрим, жуда ноёб қўлёзмаларда варақ икки хил қоғоздан таркиб топади. Саҳифа ўртасидаги асосий матн (жадвал ичи) қоғози ва ҳошия қоғози бошқа-бошқа бўлади. Уларнинг ранглари бир-биридан фарқ қилиб, ажралиб туради. Асосий матн қоғози билан ҳошия қоғози бир-бирига жуда усталик билан бириктирилганлиги учун фарқи сезилмайди.

Ҳужжат — ёзма ёдгорликларнинг адабий, тарихий, илмий манбалардан кейинги тўртинчи гуруҳи. Давлат идораларига тегишли ҳар қандай ёзма гувоҳномалар ҳужжат деб юритилади. Бунга давлатнинг олий ҳукмдори чиқарган фармон ва ёрлиқлардан тортиб, энг қуйи идораларнинг иш юритиш қоғозларигача киради. Ҳужжатлар ўзининг мазмунига кўра сиёсий-ижтимоий, маъмурий, ҳуқуқий, ҳарбий, молиявий, диний, хўжалик ва бошқа соҳаларга бўлинади. Марказий Осиё тарихида бир неча қадимги ҳужжатлар сақланиб қолган. Улардан энг йириклари қуйидагилар: 1. Нисо шаҳридан топилган парфия ҳужжатлари ёки Нисо ҳужжатлари деб аталади. Парфиёний тилида ёзилган. Милоддан аввалги I асрга ва милодий I асрга мансуб. 5000 дан ортиқ лойдан пиширилган лавҳачаларга битилган. 2. Муғ тоғидан топилган суғд ҳужжатлари ёки Суғд ҳужжатлари деб аталади. 80 та ҳужжат бор. Асосан, суғд тилида, шу билан бирга араб, хитой, қадимги туркий тилдаги ҳужжатлар ҳам бор. Кўпчилиги қоғозга, шунингдек, тери ва таёқчаларга ёзилган. 3. Тупроққалъадан топилган хоразмий ҳужжатлари ёки Тупроққалъа ҳужжатлари деб аталади. VIII асрга мансуб хоразмий тилидаги 70 га яқин ҳужжат бор. Улар тери ва ёғоч тахтачаларга ёзилган.

Марказий осиеда Ўрта асрларда ҳукмронлик қилган давлатларнинг идора ҳужжатлари жуда кам сақланиб қолган. Уларнинг айримлари тарихчиларнинг асарларида айнан келтирилиб ёки мазмуни берилган ҳолда етиб келган.

Бухоро, Хоразм (Хива) ва Қўқон хонликларининг девон ва маҳкамаларига мансуб талайгина ҳужжатлар Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлардаги қўлёзма хазиналарида мавжуд.

Ҳужжат ул-ислом — ислом ҳужжати. Машҳур тасаввуф олими ва шоир Зайнуддин Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий (1058–1111)нинг унвони. Асарларида Қуръон таълимоти ва илоҳиёт фанларини жуда чуқур баён қилиб бергани учун уламолар томонидан шундай унвон берилган.

Ҳужжож (б. ҳужжат) — ҳужжатлар. қ. ҳужжат.

Ҳузул (б. ҳазил) — ҳазиллар. қ. ҳазил.

Ҳукамо (б. ҳаким) — ҳакимлар. қ. ҳаким.

Ҳукм — 1. Маҳкама (қозихона)нинг бирор иш (жиной, ворислик, савдо-тижорат, оила-никоҳ ва бошқалар) юзасидан чиқарган қарори. 2. Бирор масала ҳақида аниқ фикр, узил-кесил хулоса. 3. Буйруқ, амр-фармон.

Ҳукм хати — қ. ҳукмнома.

Ҳукмнома — маҳкаманинг кўриб чиқилган иш юзасидан ҳукмни ижро этиш учун татбиқ этилувчи қарорининг ёзма нусхаси.

Ҳукком (б. ҳоким) — ҳокимлар. қ. ҳоким.

Ҳуруф (б. ҳарф) — ҳарфлар. қ. ҳарф.

Ҳуруфи абжад — қ. абжад ҳарфлари.

Ҳуруфи ажам — қ. ажам ҳарфлари.

Ҳуруфи иллат — иллатли (ўзгарувчан) ҳарфлар. Араб ёзувида алиф, вов, ёо иллатли ҳарфлар ҳисобланади. Араб тили сарфи (морфологияси)да феъллар тусланганда мазкур уч ҳарф сўз таркибидан гоҳ тушиб қолади, гоҳ ёзилади.

Ҳуруфи мунфасила — қўшилмайдиган ҳарфлар. Араб ёзувида етгита ҳарф — алиф, дол, зол, ре, зе, же, вов шундай ҳарф ҳисобланади. Улар сўзда ўзидан кейинги ҳарфга қўшилмай ёзилади.

Ҳуруфи муттасила — ҳар икки томондан қўшиб ёзиладиган ҳарфлар. Араб ёзувидаги ҳуруфи мунфасиладан бошқа қолган йигирма беш ҳарф сўзда ҳар икки томондан қўшиб ёзилади.

Ҳуруфи муқаттаъот — кесилган ҳарфлар, сўзларнинг қисқартирилиб, ҳарф билан ифодаланиши. Ҳуруфи муқаттаъот Қуръондаги ҳарфлар билан бошланадиган йигирма тўққизта суранинг бошланишига нисбатан ишлатилади. Масалан, 2-сура “Бақара” — “Алиф, лом, мим...” деб, 10-сура “Юнус” — “Алиф, лом, ро” деб, 14-сура “Иброҳим” — “Алиф, лом, ро” деб бошланади.

Ҳуруфи шамсия — қуёш ҳарфлари. қ. ал.

Ҳуруфи қамария — ой ҳарфлари. қ. ал.

Ҳуруфи ҳижо — бўгин ҳарфлари. Шарқ шеъриятида бир санъат бўлиб, жуда кўп бандлардан ташкил топган шеърларда (асосан, мусамматларда) ҳар бир банд араб алифбосидаги ҳарф номи билан бошланади. Ҳуруфи ҳижо билан ёзилган бундай шеър XVIII аср охири XIX аср биринчи ярмида Қўқонда яшаган шоир Муҳаммад Шариф Узлат меросида учрайди.

Ҳуруфот (б. ҳарф) — ҳарфлар. қ. ҳарф.

Ҳусни матлаъ — қ. матлаъ.

Ҳусни мақтаъ — қ. мақтаъ.

Ҳусни тазмин — қ. тазмин.

Ҳусни хат — қ. хаттотлик.

Ҳут — ҳижрий-шамсий йил ҳисоби бўйича ун иккинчи ойнинг номи. Кунлар миқдори 30 кун. Милодий йил ҳисоби бўйича 19 февралдан 20 мартгача бўлган кунларга тўғри келади.

Ҳуффоз (б. ҳофиз) — ҳофизлар. қ. ҳофиз.

УДК: 930'374

КБК 63.2(5)

Ҳ 20

Ҳ 20 **Ҳакимов М.**
Шарқ манбашунослиги лугати / М. Ҳакимов
– Т.: «DAVR PRESS» НМУ, 2013. – 496 б.

ISBN 978-9943-4075-3-4

УДК: 930'374

КБК 63.2(5)

Муҳаммадҷон ҲАКИМОВ

**ШАРҚ
МАНБАШУНОСЛИГИ
ЛУГАТИ**

Бош муҳаррир Гулчеҳра Муҳаммадҷон
Муҳаррир Хосият Ражабова
Мусаҳҳиҳ Дилором Ҳотамова
Саҳифаловчи-дизайнер Азиза Ойназарова

Нашриёт лицензия рақами АІ-№ 213

2012 йил 10 январда нашриётга топширилди.

2013 йил 13 мартда босишга рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32 «Baltica APP» гарнитураси.

Шартли босма табоғи 25,93.

Нашриёт ҳисоб табоғи 21,70. Адади 300 нусха.

682-сонли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Оригинал макет «DAVR PRESS» нашриёт-матбаа
уйида тайёрланди.

«DAVR PRESS» НМУ МЧЖнинг матбаа бўлимида
офсет усулида чоп этилди.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100156, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, 20^а-даҳа, 42-уй.

Тел: 8(371) 120-1299;

Маркетинг бўлими: 8(371) 120-1233

Web: www.davrpres.uz, www.kitoblar.com;

E-mail: davr-press@mail.ru

